



Холмирзаев Улуғбек Абдулазизович – Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида таваллуд топган. Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтини (hozirgi Наманган муҳандислик-технология институти) “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” мутахассислигини имтиёзли диплом билан тамомлаган. 2007 йил шу институтнинг “Бухгалтерия ҳисоби” мутахассислиги бўйича магистр даражасига эга бўлган.

2022 йилда Холмирзаев Улуғбек Абдулазизовичнинг “Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий активлар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш” мавзусидаги 08.00.08 – “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит” ихтисослигида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олган.

2008-йилдан hozirgi кунга қадар Наманган муҳандислик-қурилиш институтида фаолият олиб бормоқда. Илмий фаолияти даврида 100 дан ортиқ илмий ишлари хорижда ва республикада нашир этилган. 2013-йил “Иқтисодий таҳлил назарияси”, 2021-йил “Корхона иқтисодиёти” ўқув қўлланмаларни муаллифи.

У.А.Холмирзаев НамМҚИ “Иқтисодиёт” кафедрасида ишлаш билан бирга ёш тадқиқотчилар илмий фаолияти юксалишига катта ҳисса қўшиб келмоқда.



**“Fan ziyosi”
Nashriyoti**



У.А.ХОЛМИРЗАЕВ

МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИНИ ЮРИТИШДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ҚОИДАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Монография



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

У.А.ХОЛМИРЗАЕВ

**МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИНИ
ЮРИТИШДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР
ҚОИДАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

Монография

Тошкент-2023

УДС : 651.65.402
КБК: 65.9(5Ўзб)26
X-18

Холмирзаев У.А. Молиявий активлар ҳисобини юритишда халқаро стандартлар қоидаларини қўллаш масалалари.

Монография. - Тошкент.: “Фан зиёси” нашриёти , 2023. – 164 б.

Жаҳонда иқтисодий глобаллашув жараёнининг жадаллашиб бораётгани туфайли қулай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар молиявий активлар бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида таснифлаш, тан олиш, баҳолаш, ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш тартиби каби жиҳатларини такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, Молиявий Ҳисоботларнинг Халқаро Стандартлари ташкилоти (IFRS Foundtion) ўз вазифаларидан бири “МҲХС инвесторларнинг ахборотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқилади” деб кўрсатиб ўтган. Шу боис, молиявий активларни таснифлаш ва ҳисобини юритишда уларнинг молиявий-иқтисодий мазмунига мослигини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий активлари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотларни тизимли равишда шакллантириш, молиявий активларни тан олиш, баҳолаш, ҳисобга олиш ҳамда молиявий ҳисоботларда улар тўғрисидаги ахборотларни очиб бериш каби жиҳатлар замонавий илмий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Такризчилар: У.С.Турсунов - НамМТИ “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент.

И.Қ.Сирожиддинов – НамМҚИ “Иқтисодиёт” кафедраси профессори, и.ф.н.

Ушбу монография Наманган муҳандислик-қурилиш институти Кенгашининг 2023 йил 8 февралдаги 9 – сонли қарорига асосан нашр этилди.

ISBN:978-9943-9385-1-9

© Улуғбек Холмирзаев
© “Фан зиёси” нашриёти, 2023

КИРИШ

Жаҳонда кечаётган COVID-19 пандемияси дунё мамлакатларида ялпи ички маҳсулот ҳамда иқтисодиётга киритилаётган инвестициялар ҳажмини кескин камайишига сабабчи бўлди. Бу ҳолат глобал иқтисодиётда ресурслардан фойдаланиш ҳолатига ҳам жиддий таъсир қилди. Халқаро Молия Корпорациясининг (IFC) эълон қилган ҳисоботида¹ қайд этилганидек, ташкилот томонидан ўрганилган хўжалик юритувчи субъектларларда молия активлар ҳажми ва салмоғи 50 % дан юқорини ташкил этган ва ўтган йилларга таққослаганда ўсиш суръатларини намоён қилмоқда. Ушбу ҳолат глобал иқтисодиётда рўй бераётган инқирозлар оқибатларини бартараф этиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар молиявий активларига бўлган эътиборни кескин кучайтириш ҳамда улардан оқилона фойдаланишни тақозо этмоқда. Шу боис, ҳозирда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг халқаро амалиётида молиявий активлар бухгалтерия ҳисобининг муҳим объекти сифатида тан олинishiга ва молиявий ҳисоботларда акс этирилишига катта эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, молиявий активлар ҳисобини халқаро стандартлар талаблари ҳамда умумэътироф этилган тадқиқот натижалари асосида ташкил этиш ва самарадорлигини баҳолаш барча мамлакатлар ҳисоб тизими учун долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий активлар ҳисобининг методологик асослари уларнинг айрим турлари бўйича ишлаб чиқилган. Бу борадаги мавжуд миллий стандартлар молиявий активларнинг ўзига хос жиҳатларини тўлиқ акс эттира олмаган. Бундан ташқари молиявий активларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига уйғунлаштириш долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда. Аммо, молиявий активларнинг миллий ҳисоб тизимидаги асосларда турлича талқин қилинганлиги, молиявий активларни бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида тан олиш, баҳолаш, ҳисобини юритишда муаммоларнинг мавжудлиги, шунингдек,

¹https://www.ifc.org/wps/wcm/connect/ifc_ext_design/ifc+search/search/ifc+search?q=financial%252525Bassets%25252B50%25252525&tab=1&count=13007&

молиявий активларга оид ахборотларнинг ёритилиши халқаро стандартлар талабларига мос эмаслиги молиявий ҳисоботларнинг уйғунлиги, ишончилиги ва оммабоплигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боисдан, молиявий активлар бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида илғор халқаро тажрибалар ҳамда миллий ҳисобчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда таснифлаш асосида уларнинг ҳисоби, ҳисоботи ва таҳлили услубиётини замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш зарурати мазкур йўналишдаги илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтиришнинг долзарблигини белгилайди. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар миллий бухгалтерия тизимида ҳам молиявий активларни янада кенгроқ ва чуқурроқ ўрганишни талаб қилади. Чунки, мамлакатимиз иқтисодиётининг очиқ иқтисодиётга айланиши, қулай инвестиция муҳитини шаклланаётганлиги, бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштирилиши ва бошқа шу каби сабаблар хўжалик юритувчи субъектларда молиявий активларни алоҳида ўрганиш, уларнинг мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда улардан амалиётда самарали фойдаланиш заруриятини юзага чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг кўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги, 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сон “Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

I БОБ. МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ ҲАМДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1.1. Молиявий активлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий асослари

Хўжалик юритувчи субъектлар бизнес фаолиятида турли активларга эга бўладилар. Активлардан наф келтириш кутилганлиги учун улардан имкон қадар самарали фойдаланишга ҳаракат қилинади. Бундан ташқари, субъектлар активлар миқдорини, қийматини ҳамда турларини янада кўпайтиришга интиладилар. Чунки, активларни ҳар хил турда ҳамда етарлича мавжудлиги хўжалик юритувчи субъектларни бизнес фаолияти турли йўналишларда олиб борилаётганини билдиради. Бошқа томондан эса, турли йўналишлардан даромад олиш мақсадида уларга мос келадиган активларни бизнес фаолиятига жалб қилинганлигини кўрсатиб беради. Активлар ва уларнинг ҳисобини чуқур ўрганиш хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти учун жуда муҳим ҳисобланади.

Активлар ва уларнинг ҳисоби ҳамда таҳлили соҳага оид адабиётларда, илмий тадқиқот ишларида кенг кўламда ўрганилган. Бу борада турли хил таърифлар, таснифлар, концептуал асослар, тавсифлар ва бошқа амалий жиҳатлар хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан яхши ёритиб берилган². Меъёрий ҳужжатларда уларнинг ҳуқуқий ва услубий асослари

² Sagdullayeva Z., Choriyev I., Hamidova S., Yuldasheva U. “Iqtisodiy tahlil” Darslik. –Т.: “Iqtisodiyot”, 2020. – 407 bet.

V.I.Isroilov, R.O.Xolbekov. “Buxgalteriya hisobi nazariyasi” Darslik.-Т.: “Taffakur” nashriyoti, 2020. 240-b.

Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. 2-нашр. –Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт – матбаа уйи”, 2020. 588 бет.

Д.Қудбиев, И.Исманов, А.Ташпулатов. “Баҳонинг шаклланиши”. Тошкент, “Наврўз” нашриёти; 2019, -138 б.

Ismanov I., Toshmamatov N., Buzrukhanov S. “Moliyaviy hisob va hisobot” Darslik.-Т.: “Sano-standart” nashriyoti, 2019 y. 560 bet.

N.Toshmamatov. “Buxgalteriya hisobi nazariyasi” Darslik.-Т.: “O‘zbekiston faylasuflar milliy jamiyati” nashriyoti, 2019. -376 bet.

V.A.Xasanov, M.Y.Raximov, Z.A.Muqumov, A.I.Aliqulov, A.B.Jumanova, N.SH.Xojimuratov, R.B.Xasanova. “Moliyaviy tahlil”: Darslik.- Т.: “Iqtisodiyot”, 2019. 305 - bet.

Abduvoxidov F.T., Qo‘ziyev I.N., Dadabayev Sh.X. “Buxgalteriya hisobi” Darslik. – Т.: TDIU, 2019. - 403 b.

Sh.I.Xoshimxodjaev. “Tizimli tahlil va loyihalashtirish” : O‘quv qo‘llanma – Т.: “Iqtisodiyot”, 2019. - 228 bet.

Shoalimov A.X., Tojiboyeva Sh.A. Iqtisodiy tahlil nazariyasi. Darslik. – Т.: TDIU, 2019. -144 bet.

M.Y.Raximov, N.N.Kalandarova. “Moliyaviy tahlil”, Darslik. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2019. – 736 b.

D.A.Sativaldiyeva. “Buxgalterning izohli lug‘ati”. O‘quv – uslubiy qo‘llanma. – Т.: “Iqtisodiyot”, 2019. – 178 b.

M.K.Pardayev, J.I.Isroilov, B.I.Isroilov. “Iqtisodiy tahlil” O‘quv qo‘llanma. – Т., 2017. 534 b.R.D.Do‘smuratov. “Buxgalteriya hisobi nazariyasi” Darslik.-Т.: “Fan va texnologiya” nashriyoti, 2013, 476-bet.

T.Sh.Shog‘iyosov. Darslik. Kompleks iqtisodiy tahlil. – Т.: “Fan va texnologiya” nashriyoti, 2012, 280 bet.

мавжуд.

Диалектиканинг умумий қонунларидан маълумки, ижтимоий ҳаётда ҳар бир воқелик статик ҳолда қола олмайди, балки доимо ҳаракатда ва ўзгаришдадир. Худди шу ҳолатни активлар тушунчасининг ривожланишида ҳам кўрса бўлади. XX асрнинг охирлари ҳамда XXI асрнинг бошларида бухгалтерия ҳисоби ҳамда иқтисодий таҳлилга оид адабиётларда ҳамда меъёрий ҳужжатларда молиявий активлар термини ишлатила бошланди. Ҳозирги кунда мазкур тушунча кенг кўламда қўлланилмоқда.

Бироқ иқтисодий адабиётларни ўрганишдан маълум бўлдики, бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилга оид адабиётларда ёки меъёрий ҳужжатларда молиявий активлар тушунчасига оид яхлит, тўлиқ ва мукамал қараш мавжуд эмас экан. Бу ҳолат молиявий активлар ҳисоби ва таҳлилини ташкил этиш ҳамда юритиш ишларига ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Фикримизча, бунинг икки сабаби бор. Биринчиси, соҳага оид ўзбек тилидаги адабиётларда, илмий мақолалар, тезислар ҳамда меъёрий ҳужжатларда кўплаб иқтисодий категорияларни ўзбекча номланишида бир хилликга эришилмаган, баъзан эса битта атама ҳар хил маъноларда қўлланиши учрайди. Албатта, бунинг заминида иқтисодиётимизда бозор муносабатлари ҳозиргача ҳам қатор йўналишларда етарли даражада шаклланиб бўлмаганлиги ётади. Шунингдек, иқтисодиётни ўрганишдаги илмий тадқиқотлар кўлами ва қанчалик чуқур олиб борилаётганлиги ҳам бунга таъсир этмоқда.

Ўзбек тилида ёзилган бухгалтерия ҳисоби ҳамда иқтисодий таҳлилга оид адабиётларда, илмий тадқиқот ишларида, илмий мақолаларда ва соҳа олимларининг чиқишларида молиявий активларни нима учун айнан молиявий актив деб номланишига, номнинг асословчи мезонларига ҳамда уларнинг ҳўжалик жараёнлари самарадорлигига эришишда бажарилиши лозим бўлган вазифаларга етарлича эътибор қаратилмаган. Молиявий активлар таркибига

Р.О.Холбеков. “Buxgalteriya hisobi nazariyasi” Darslik.-Т.: TDIU, 2010. 212 б.


Исманов И.Н. “Узоқ муддатли активлар бухгалтерия ҳисобининг методологик асослари”. Монография:-Т.: “Фан” нашриёти, 2006. - 172 б.

А.А.Каримов, Ф.Р.Исломов, А.З.Авлокулов. “Бухгалтерия ҳисоби” Дарслик. –Т.: “Шарқ”, 2004. – 592 б.

Сатывалдыева Д. А. Бухгалтерский учёт. Учебник. – Т.: ТГЭУ, 2019. – 513 с.

кирувчи маблағлар алоҳида турлари иқтисодий адабиётларда ўрганилган ҳамда улар тобора такомиллаштириб борилмоқда. Бироқ, бу ерда масаланинг муҳим жиҳати шундаки, алоҳида олинган молиявий маблағ активларнинг бир тури тарзида ўрганилган. Яъни, молиявий активнинг ташкил этувчи маблағлар бир асосга эга эканлиги, яъни ўзига хос тизимни ташкил этиши эътибордан четда қолмоқда. Тизимли таҳлилдан маълумки, яхлит тизим унинг алоҳида элементларида мавжуд бўлмаган хоссаларга эга бўлади.

Амалиётда бухгалтерия балансидаги активларни узоқ муддатли ва жорий активлар, моддий ва номоддий каби турларга ажратиш ҳамда уларни янада аналитик тарзда алоҳида модда тарзида таснифлаш, аввало маблағларнинг ҳар бир тўпламини ҳамда ҳар бир турини аниқ билиш, уларни комплекс ва тизимли ёндашув асосида тартибини шакллантириш, маблағларни статик ва динамик ҳолатини ифодаловчи ахборотларни беришга таянади (1-расм).



1-расм. Бухгалтерия балансидаги активларнинг таснифланиши³.

³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бу ахборотлар фойдаланувчиларга активлар ҳамда молиявий ҳолат бўйича турли бизнес қарорларини қабул қилишда асос бўлади. Демак, ахборот макони ва мазмуни қанча кенг ҳамда тартибли бўлса, воқеликнинг ифодаси шунча шаффоф ҳамда аниқ бўлади, ишончли хулосага келиб тўғри қарорлар қабул қилинади. Фикримизча, молиявий активларни алоҳида тизим тарзида ўрганиш худди шу мақсад йўлида хизмат қилади. Яъни, бухгалтерия балансидаги ахборот маконини кенгайтириб, унинг мазмунини янада бойитади. Натижада эса, молиявий активларнинг статик ва динамик ҳолати ишончлироқ ёритилади. Муайян актив турига нисбатан ёки ундан келиб чиқиб қабул қилинадиган қарорларнинг асосланган бўлишига эришилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар даромадини катта қисмини асосий фаолиятдан олади. Бундан келиб чиқадики, субъект активлари асосан шу йўналишда фойдаланилади. Агар, субъект асосий фаолиятга йўналтирилган активларини ортиқча ёки самарасиз деб топилган қисмини узоқ ёки қисқа муддатли инвестицияларга айлантурса, ушбу турдаги активлар даромадни ёки пул оқимини молиявий бозордан олишни бошлайди. Бундан ташқари, субъект реал секторга қараганда молиявий секторда даромад олиш имконияти кўп ҳамда қатъий деб ҳисобласа, у ҳолда ҳам активларини узоқ ёки қисқа муддатли инвестицияларга кўйиши мумкин. Демак, хўжалик юритувчи субъект даромад ёки пул қиримларини, ҳам реал, ҳам молиявий сектордан олиш имкониятига эга бўлади. Акциялар, облигациялар, депозитлар, қарзлар ва бошқа молиявий инвестициялар қатъий даромад олиш ҳуқуқини субъектга беради. Бу ердаги муҳим жиҳат даромад олиш ҳуқуқига эга бўлишдир. Бу ҳуқуқни юзага келтирадиган воситалар эса молиявий активлардир.

Бизнеснинг мақсади (фойда олиш) нуқтаи назаридан пулга айланган ва айланаётган даромад жуда муҳим. Хўжалик юритувчи субъектларда моддий ёки номоддий активлар эришиладиган даромадлар учун манба бўлади. Бошқача қилиб айтганда, материаллар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот учун турли моддий асослардир. Маҳсулот ишлаб чиқарилди дегани, ундан, албатта даромад (фойда) олинади дегани эмас. Ёки, моддий ёки номоддий активларни

мавжудлиги, улар тўғридан-тўғри даромад келтиради ёки даромадни олиш ҳуқуқи борлигини билдирмайди. Лекин, маҳсулот сотилгандан сўнг ҳосил бўлган пул маблағлари ёки дебитор қарзлар эса маҳсулот сотишдан эришиладиган даромадни ёки уни олишга бўлган ҳуқуқни ифодалайди. Моддий ва номоддий активлар умумий ҳолда молиявий активлар билан биргаликда умумий ҳолдаги активларни ташкил этсада, даромадлар ҳосил бўлиши ва пул маблағларига айланишидаги роли турличадир.

Корхонанинг иқтисодий ресурслари таркибида пул маблағлари алоҳида ўрин эгаллайди. Пул ресурси корхонадаги бошқа ресурслар ўз ҳаракатланишида босиб ўтадиган йўлдаги (капиталнинг доиравий айланиши) алоҳида маррани ифодалайди. Барча ресурслар ўз ҳаракатида албатта пулга айланиши лозим. Бозор иқтисодиёти ресурсларни пул шаклида ўз ҳаракатини бошлашини назарда тутди ва бу ҳаракат пировардида ресурсларнинг пулга айланиши билан яқунланади. Демак, пул маблағлари ҳосил бўлиши манбалари даромадлар, соф фойда, ҳисса тарзидаги қўшувлар, кредит ёки қарзлар ҳамда бошқа киримларни пул кўринишида ўзида мужассам эттиради. Бошқа томондан, пул маблағи ҳар қандай даромадга бўлган ҳуқуқни бевосита ёки билвосита олиш учун тайёр бўлган энг ликвид восита ҳисобланади. Демак, хўжаликдаги эркин пул маблағлари улардан қонунга зид келмайдиган маъқул топилган бизнес фаолиятини амалга ошириш учун сарфлаш мумкин. Бу эса пул маблағларидан танлаб олинган аниқ макон ва йўналишда фойдаланиш ҳуқуқини юзага чиқишидир. Айрим пул маблағларидан (грантлар, бошқа мақсадли тушумлар) фақат мақсадли белгиланган макон ва йўналишда фойдаланиш мумкин.

Умуман олганда, пул маблағлари корхона ресурсларини корхона доирасида бир йўналишдан бошқасига олиб ўтишни таъминлайди. Шу жиҳатдан бизнесни самарали ташкил этишдаги энг муҳим воситадир. Молиявий активлар бевосита пул кўринишида эканлиги ёки пулга тез айлана олиши туфайли ҳам корхона бизнес фаолияти учун алоҳида аҳамият касб этмоқда. Молиявий активлар мазмуни, шу жумладан юқоридаги дебитор,

қимматли қоғозлар ва пул маблағлари мазмуни борасида билдирилган фикрларда умумий мезонлар қуйидагиларни иборат:

1. Активнинг мавжудлигига асос – шартнома ёки бошқа расмий ҳужжатлар ҳисобланади.

2. Ҳамкорликда бир томоннинг активи, иккинчи томонни мажбуриятини бўлиб юзага чиқади.

3. Активда муайян иқтисодий муносабатга (даромадни олишга, тасарруф ёки назорат қилишга) бўлган ҳуқуқ мавжуд бўлади.

4. Шартномавий мажбурият ёки ҳужжат пул қийматлигига айлангунга қадар хусусий қийматига эга эмас. Улар амал қилиб турган даврдаги талаб қилинадиган наф (даромад) қийматини (ҳуқуқини) қоғоз ёки электрон шаклда акс эттиради, холос.

5. Содир бўлаётган иқтисодий муносабат фақат пул маблағлари, олишга тегишли мажбуриятлар, қимматли қоғозлар ёки ҳисса қўшиш тавсифидаги муомалалардан иборат бўлмоқда.

Кўрсатиб ўтилган мезонлар асосида мазкур активлар турини бир тизимга келтириб, молиявий актив деб ўрганишнинг зарурати қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади. Мисол учун, 100 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва сотилди. Натижада 100 миллион сўмлик дебитор қарзи юзага келди. Демак, субъект шу суммадаги даромадни муайян вақтдан кейин олиши керак. Яъни, даромадни олишга ҳуқуқ пайдо бўлди. Бизнес амалиётида мазкур ҳуқуқдан қандай фойдаланиш хўжаликдаги вазият ҳамда шароитдан келиб чиқиб ҳал этилади. Хўжалик юритувчи субъектга пул маблағи ўта зарур бўлса, агар харидор маҳсулот сотилган вақтидан 10 кун ичида пулни тўлаб берса, унда жами суммани (100 миллион) қанчадир қисмидан (5 фоиз) чегирма бериб 95 миллион сўмни (100-95) олишга эришиши мумкин. Хорижий бизнес амалиётда мазкур усул жуда ҳам кенг қўлланилади. Мисолдан маълум бўлмоқдаки, хўжаликда даромадни олишга бўлган ҳуқуқдан фойдаланиш муайян вазият ва шароитдан келиб чиқиб амалга оширилмоқда. Яъни, воқеликни одатий тарзда юзага чиқиши (100 миллион даромад) ҳамда унга бўлган ҳуқуқдан фойдаланиш

(95 миллион) алоҳида муносабат тарзида кўрилиб амалга оширилмоқда. Бундай ҳолатлар бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил ишларида ўта масъулиятли объект деб қаралишни талаб этади. Молиявий активларнинг бошқа турларида ҳам худди шу каби ўзига хос жиҳатлар мавжуд.

Бироқ, илмий тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида маълум бўлдики, мамлакатимиз олимлари томонидан молиявий активлар ҳисоби ва уларнинг таҳлил этиш масалаларини айрим жиҳатларигина ўрганилган. Айни пайтда ҳисоб объектининг қатор элементлари етарли даражада ўрганилмаган.

Хорижлик олимлар молиявий активлар ҳисоби ва таҳлили борасида салмоқли ижобий ишларни амалга оширганлар. Бироқ, бу борада билдирилган фикрлар комплекс ва тизимли тавсифга эга эмас. Яъни, уларда ҳам молиявий активлар биргаликда бир тизим тарзида тадқиқ этилмаган.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида молиявий актив атамаси фақат “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” номли 1-сон БҲМС нинг “Бухгалтерия балансида акс эттириши лозим бўлган ахборотлар” бўлимида бухгалтерия балансининг мажбурий унсурлари таркиби 77.3. бандида қайд этиб ўтилган, холос.⁴ Бошқа, молиявий активларга бевосита тегишли бўлган стандартларда, яъни 9-сон БҲМС “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”, 12-сон БҲМС “Молиявий инвестициялар ҳисоби”, 22-сон БҲМС “Хорижий валютада ифодаланган активлар ва мажбуриятлар ҳисоби” кабиларда мазкур термин, ҳатто қайд этилмаган.

Тадқиқот жараёнида маълум бўлдики 1-сон БҲХС (IAS) Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш, 7-сон МҲХС (IFRS) “Молиявий инструментлар: ахборотларни очиқлаш”, 9-сон МҲХС (IFRS) “Молиявий инструментлар”, 32-сон БҲХС (IAS) “Молиявий инструментлар: ахборотларни тақдим этиш”, 39-сон БҲХС (IAS) “Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш” ва бошқа стандартларда молиявий актив атамаси қайд қилинган ва ҳар бир стандарт йўналишида кўрсатмалар ёзилган. Бироқ, халқаро стандартларда ҳам молиявий активларнинг таърифи, таснифи, тавсифи, концептуал асослари, ҳисобда тан

⁴ 1-сонли БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”.

олиш мезонлари, ҳисоботда акс эттириш масалалари етарлича ёки мукаммал ёритилмаган. Юқорида қайд этиб ўтилган ва бошқа бир қатор камчиликлар мазкур актив турини давр талаблари асосида ўрганишни тақозо қилмоқда.

Демак, миллий ҳисоб тизимида молиявий активлар тушунчасини аниқлаштириш, яхлит мазмунга келтириш ҳамда уни халқаро ҳисоб стандартларига мувофиқлаштириш бу борадаги дастлабки вазифадир.

Мамлакатимиздаги соҳа олимларини қарашларига эътибор берилса молиявий активлар тушунчаси алоҳида ажратилиб ўрганилмаган. Яъни, молиявий активлар турлари бўйича жами активлар таркибида, активнинг бир тури тартибида қаралган⁵. Лекин, йиллар давомида бу қарашларни такомиллашиб борганлигини кўриш мумкин. Соҳа олими К.Б.Уразов томонидан ёзилган ўқув қўлланмада молиявий инвестициялар тушунчаси ишлатилиб, бу борадаги аҳамиятли фикрлар баён қилинган.⁶ Таниқли олимлар А.Абдуллаев, Э.Мўйдинов, М.Юсупова, Б.Солиев, Қ.Рустамовлар эса ўз китобларида пул маблағлари ҳисобини атрофлича ёритиб берганлар. Шу билан бирга инвестициялар ҳисоби мавзуси алоҳида тарзда кенг кўламда ёзилганлиги билан бошқа адабиётлардан ажралиб туради.⁷ А.Сотиволдиев, Д.Сотиволдиева ва Д.Шодибековалар томонидан ёзилган “Бухгалтернинг изоҳли луғати” номли китобда ҳам молиявий актив гуруҳига кирувчи барча активларга алоҳида изоҳлар ёзилган. Лекин, активлар таркибида молиявий активларга алоҳида тўплам тарзида изоҳ берилмаган⁸.

Иқтисодий таҳлилга оид адабиётларда ҳам худди шу ҳолатни кўриш мумкин.⁹ Иқтисодий таҳлилчи олимлар ва мутахассислар томонидан пул маблағлари¹⁰, пул эквивалентлари¹¹, олишга тегишли счётлар¹², қисқа муддатли

⁵ О.Бобожонов, К. Жуманиёзов. Молиявий ҳисоб. Т., “Молия” нашириёти, 2002, 37, 263 бетлар.

⁶ Urazov K.B. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Т.: “Ўқитувчи” 2004. 113 бет.

⁷ А.Абдуллаев, Э. Мўйдинов, М. Юсупова, Б. Солиев, Қ. Рустамов. Молиявий ҳисоб. Т., “Фан ва технология”, 2005. 85, 160, 184, 213 бетлар.

⁸ Сотиволдиев А. ва бошқ. Бухгалтернинг изоҳли луғати. Т., “NORMA”, 2010. 79, 99, 126, 172, 173 бетлар.

⁹ Рахимов М.Ю., Қаландарова Н.Н. Молиявий таҳлил. Дарслик. Т.; “Iqtisod-Moliya”, 2019. 73 бет.

Финансовый анализ: Учебник\ З.А. Сагдиллаева, У.А. Юлдашева, Б.Б. Алимов;-Т.; “Iqtisod-Moliya”, 2020. 448 с.

¹⁰ Ж.Умаров. 7-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти: Пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот. // https://buxgalter.uz/uz/publish/doc/text167484_7-

Б.Хакимов. Хорижий ҳамкорликда молиявий ҳисоботнинг ўзига хос хусусиятлари. Bozor, Pul va Kredit.//2010. №05. 47-48 б.

инвестициялар ҳисоби¹³ ва бу борадаги халқаро ҳамда хориж тажрибалари тўғрисида қатор мақолалар чоп этилди.

Таниқли олим И.Н.Исманов ўз илмий мақоласида узоқ муддатли активлар таркибида молиявий активларни алоҳида тасниф қилиб, унга тавсиф берган¹⁴.

Иқтисодчи олим М.Марапатов томонидан ёзилган бухгалтерия баланси тўғрисидаги мақолада молиявий актив термини қўлланилди.¹⁵ Бироқ, мақолада молиявий актив борасида тушунтиришлар берилмаган.

Сўнгги йилларда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари натижасида нафақат молиявий активлар тушунчасини соҳага олиб кириш, балки у бўйича илмий-амалий таклифлар билдирила бошлади. Соҳа олими С.Тошназаров молиявий активлар номли моддани молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш кераклигини айтиб ўтган¹⁶. Бироқ, бу борада ҳисоб ва таҳлил ишлари бўйича тўлиқ методологик асослар ёритиб берилмаган.

Соҳа олими Б.Бўроновнинг молиявий активлар ҳисоби мавзусида олиб борган тадқиқот иши натижасида молиявий активлар тушунчасига берган таърифи мамлакатимиз ҳамда МДҲ олимлари орасида шу вақтгача ишлаб чиқилган тўғри таърифлардан бири ҳисобланади. Мазкур таъриф қуйидагича ёзилган: “Молиявий активлар – бу корхона балансида эгалик ҳуқуқи (шартномалари) асосида акс эттириладиган ҳамда улар томонидан тасарруф этиладиган пул маблағлари, келгусида даромад келтирадиган ва пул киримини оширадиган барча турдаги молиявий инвестициялар, шунингдек ушбу активларга доир олинадиган счётлар мажмуаси”¹⁷. Ушбу таъриф бўйича юқоридаги эътирофимизни тасдиқлаган ҳолда, лекин олиб борилган илмий

¹¹ Б.Ҳақимов Молиявий ҳисоботнинг концептуал асоси. *Bozor, Pul va Kredit.*//2010. №09. 52-55 б.

¹² Б.Ҳақимов. Молиявий ҳисобот тузишда халқаро тажрибалардан фойдаланиш – давр талабидир. *Молия.*//2018.№5. 5-11 б.

¹³ Б.Ҳақимов. Молия.Ном ва мазмун бирлиги – молиявий ахборот сифатининг асосидир.//2011.№1. 68-71 б.

¹⁴ Исманов И.Н. Активлар тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва уларни ҳисобга олишнинг айрим мунозарали жиҳатлари. *Экономика и финансы.*//2016. №2. 39-45 б.

¹⁵ М.Марапатов. Бухгалтерия баланси. *Bozor, Pul va Kredit.*//2016. №3. 59 б.

¹⁶ Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. Монография. - Publisher SIA OmniScriptum Publishing. Globe Edit Publishing house. 2018. 280 p. ISBN-13:978-613-8-24050-1. https://www.morebooks.shop/bookprice_offer_.

¹⁷ Б.Ф.Бўронов. Корхоналар молиявий активлари ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартларига мувофиқлаштириш. Монография. СамДЧТИ нашр-матбаа маркази. 2020 йил. 154 бет.

тадқиқотимиз натижаларидан келиб чиқиб, мазкур таърифда ҳам тўлдирилиши зарур бўлган томонлар бор, деб ҳисоблаймиз. Улар қуйидагилардан иборат.

Ҳар қандай молиявий инвестиция (актив) келгусида даромад келтирмаслиги мумкин. Шунингдек пул киримини ҳам оширмаслиги ҳам мумкин. Молиявий активдан фақат даромад эмас наф кутилади. Наф эса уч шаклда бўлади. 1. Даромад. 2. Назорат. 3. Бошқарув. Бу ерда иккита наф шакли эътиборга олинмапти. Наф келтиради деб қатъий ҳисобланмайди. Балки наф кутилади.

Россиялик таниқли олим профессор В.Ф.Палий молиявий активларни қуйидагича таърифлаган: “Молиявий активлар - бу пул маблағлари ёки пул маблағларини тўлаш талабини берувчи шартномавий ҳуқуқ, ёки бошқа компаниядан нафли молиявий инструментларни олиш ҳуқуқи, ёки молиявий инструментларни ўзи учун нафли шароитларда ўзаро алмаштириш ҳуқуқидир. Молиявий активларга бошқа компанияларнинг улушли инструментлари ҳам киради. Барча ҳолатларда молиявий активлардан олинадиган наф уларни пулга ёки бошқа нафли молиявий инструментларга алмаштирилишида намоён бўлади”¹⁸. Бошқа таърифларга қараганда ушбу таъриф сифат жиҳатдан тўлиқроқ мазмун касб этган. Таърифдаги мукамаллик барча турдаги молиявий активларни қамраб ҳамда уларни мазмунини ифода эта олганидир. Бироқ, “барча ҳолатларда молиявий активлардан олинадиган наф уларни пулга ёки бошқа нафли молиявий инструментларга алмаштирилишида намоён бўлади” деган жумла молиявий активлардан олинадиган наф мазмунини очиб бера олмаган ёки тор маънони англатади, деб ҳисоблаймиз. Мисол учун, бизнес фаолиятида акциялар учун дивидендлар ва уларни корхонага кирим қилиниши нафни (дивидендни) пулга алмаштирилаётганини англатмайди, балки ҳуқуқни наф қисмини (дивидендни) пул шаклида олинисини билдиради.

“Молиявий инструментлар: ахборотларни тақдим этиш” номли 32-сон БҲҲС (IAS) да молиявий актив бўйича қуйидаги тартиб ва мазмундаги

¹⁸ Палий В.Ф. Международные стандарты учета и финансовой отчетности. 3-е изд., испр. и доп. – М.: 2007. 231-232 с.

тушунтиришлар берилган.

Молиявий актив – шундай активки, бунда у:

(а) пул маблағидир;

(б) бошқа тадбиркорлик субъектининг улушли инструментиدير;

(в) куйидагилар бўйича шартномавий ҳуқуқдир:

(I) бошқа тадбиркорлик субъектидан пул маблағи ёки бошқа молиявий активни олиш;

(II) тадбиркорлик субъекти учун потенциал қулай бўлган шартларда бошқа тадбиркорлик субъекти билан молиявий активларни ёки молиявий мажбуриятларни айирбошлаш;

(г) тадбиркорлик субъектининг ўз улушли инструментлари билан ҳисоб-китоб қилинадиган ёки қилиниши мумкин бўлган шартнома;

(I) шундай нодеривативдирки, бунда у бўйича тадбиркорлик субъектига ўз улушли инструментларининг ўзгарувчан миқдорини қабул қилиш мажбурияти юклатилади ёки юклатилиши мумкин;

(II) деривативдир, қайсики тадбиркорлик субъектининг ўз улушли инструментларининг қатъий белгиланган миқдорига қатъий белгиланган пул маблағлари суммасини ёки бошқа молиявий активни айирбошлашдан ташқари бошқа усулда ҳисоб-китоб қилинади ёки қилиниши мумкин. Ушбу мақсад учун, тадбиркорлик субъектининг ўз улушли инструментлари 16А ва 16Б-бандларга мувофиқ улушли инструментлар сифатида таснифланган қайта сотиладиган молиявий инструментларини, фақат ликвидация жараёнида тадбиркорлик субъектига унинг соф активларидаги пропорционал улушини бошқа томонга етказиб бериш мажбуриятини юклайдиган ҳамда 16В ва 16Г-бандларга мувофиқ улушли инструментлар сифатида таснифланган инструментларни, ёки тадбиркорлик субъектининг ўз улушли инструментларини келгусида олиш ёки етказиб бериш бўйича шартномалар бўлган инструментларни ўз ичига олмайди

19

Мазкур ёндашувнинг аҳамиятли томони, масалага шартномавий нуқтаи

¹⁹ 32-сонли БҲХС “Молиявий инструментлар: ахборотларни тақдим этиш”

назардан ёндашишдир. Ҳар қандай иқтисодий муносабат томонларнинг бир-бирини субъект сифатида тан олиншини, улар ўртасидаги келишувни, яъни ўзаро шартномавий муносабатни билдиради. Шартнома расман оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин. Лекин у амалда мавжуд. Томонлар унга риоя қилади IAS тушунтиришдаги барча молиявий активлар турлари айнан шуни назарда туттади.

Молиявий активлар мазмунини очиб берувчи ушбу тушунтириш бошқа бу борада берилган таърифлар ва тушунтиришларга нисбатан мукаммал тавсиф касб этади. Бироқ, у кўрсатма шаклида баён этилганлиги билан ўзига хос жиҳатига эга.

Илмий тадқиқот ишларимиз натижасидан келиб чиқиб биз молиявий активларга қуйидаги таърифни беришни маъқул деб топдик.

Молиявий активлар – пул маблағи, бошқа тадбиркорлик субъектларидан олишга тегишли маблағлар, бошқа тадбиркорлик субъектларининг улушли инструментларини олиш ёки нафли шароитларда уларни айирбошлаш, хусусий улушли инструментлари билан ҳисоб-китоб қилиниши мумкин бўлган ҳуқуқларни ифода этган шартномалардир.

Шартнома – хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий активи ва бошқа тадбиркорлик субъектининг молиявий мажбурияти ёки улушли инструменти кўпайишини келтириб чиқаради. Бизнинг таърифимизда молиявий активлар шакли, таркиби, ҳар бирининг мазмуни ҳамда уларнинг моҳияти қисқа, тўлиқ ва тушунарли баён этилганлиги билан бошқа таърифлардан фарқ қилади. Таъриф молиявий активлар тўғрисида яхлит тушунча ҳосил қилишда муҳим ўрин туттади.

Молиявий активларнинг назарий асосларидан бири бу уларнинг тўғри таснифланишидир. Чунки, активларни тўғри тавсифланиши ҳисоб ва таҳлил ишлари учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Хорижлик ва республикамиз олимлари бу борада ҳам салмоқли ишларни амалга оширганлар. Жумладан, Donald E. Kieso, Jerry J. Weygandt, Terry D. Warfield²⁰, Prasanna Chandra²¹, Gary Giroux²²,

²⁰ Donald E. Kieso, Jerry J. Weygandt, Terry D. Warfield. INTERMEDIATE ACCOUNTING. John Wiley & Sons, USA.

Ж.Ришар²³, В.Г.Белолипецкий²⁴, И.Н.Исманов²⁵, Б.Ф.Бўронов²⁶ ларнинг илмий ишларида молиявий активлар таснифи ва уларнинг асослари ўрганиб чиқилган.

Таниқли олим И.Н.Исманов молиявий активларни инвестициялар нуқтаи назаридан тасниф қилган²⁷. Мазкур тасниф узоқ муддатли активлар таркибида молиявий активлар ҳисоби ҳамда таҳлили учун муҳим аҳамиятга эга.

Соҳа олими Б.Бўронов ўз илмий тадқиқот ишида молиявий активларни кенг кўламда тасниф ва тавсиф қилган²⁸. Бизнинг қарашимизча бу борада қилинган иш ўз аҳамияти билан эътирофга сазовордир. Шу сабабли, биз мазкур масалага қайтадан ёндашишни лозим топмадик. Аммо, амалга оширилган молиявий активлар таснифини баъзи бир жиҳатларига ўз қарашларимизни билдиришимиз керак деб ҳисоблаймиз. Улар қуйидагилардан иборат.

Хўжалик юритувчи субъектларда активга, эгалик қилишда асосий мақсад ундан муайян наф олишга қаратилади. Наф эса даромад, қўллаб-қувватлаш (назорат), бошқариш мақсадларида бўлиши мумкин.

1. Даромад олиш мақсадида молиявий активлар икки турга бўлинади:

а) даромад келтириши мумкин бўлган молиявий активлар. Бу ҳолатда даромад кутилаётган молиявий активлар даромад келтирмаслиги эҳтимоллиги мавжуд бўлади. Мисол учун сотиб олинган оддий акция. Бу акцияга дивиденд акционер компаниясини молиявий натижаларига боғлиқ бўлади;

б) қатъий белгиланган даромадни келтирадиган молиявий активлар.

Имтиёзли акциялар, облигациялар, депозитлар ва шу кабилар.

2. Қўллаб-қувватлаш (назорат) мақсадида ушлаб турилган молиявий

2004. 1332 p.

²¹ Prasanna Chandra. Financial Management / Theory and Practice. Tata McGraw Hill Education Private Limited, NEW DELHI. 2012. 1062 p.

²² Gary Giroux. Financial Analysis/ A USER APPROACH. TEXES A&M University, WILEY. 2003. 297 p.

²³ Ришар Ж. Аудит и анализ хозяйственной деятельности предприятия: пер. с фр. / Жак Ришар: Пер. И.Р. Тащан; Л.П.Белых. -Москва: Аудит, ЮНИТИ, 1997. -375 с. Табл., схем. -На рус. яз. -ISBN 5-85177-016-3.

²⁴ Белолипецкий В.Г. Финансы фирмы.-М.: "ИНФРА-М", 1999. -С. 298.,

²⁵ Исманов И.Н. Активлар тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва уларни ҳисобга олишнинг айрим мунозарали жиҳатлари. Экономика и финансы.//2016. №2. 39-45 б.

²⁶ Бўронов Б.Ф. Б.Ф.Бўронов. Корхоналар молиявий активлари ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартларига мувофиқлаштириш. Монография. СамДЧТИ нашр-матбаа маркази. 2020 йил. 154 бет.

²⁷ Исманов И.Н. Активлар тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва уларни ҳисобга олишнинг айрим мунозарали жиҳатлари. Экономика и финансы.//2016. №2. 39-45 б.

²⁸ Б.Ф.Бўронов. Корхоналар молиявий активлари ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартларига мувофиқлаштириш. Монография. СамДЧТИ нашр-матбаа маркази. 2020 йил. 154 бет.

активлар.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий активларни фақат даромад олиш мақсадидан келиб чиқиб ушлаб турмайдилар. Балки, ўз фаолиятларига боғлиқ бўлган ҳамкорликдаги корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун ҳам молиявий актив шаклида маблағларни йўналтирадилар. Мисол учун, мева сотиб олиб қайта сотувчи корхоналар ўз ҳамкори бўлган яшик ишлаб чиқарувчи корхоналарни узоқ ёки қисқа муддатли қарзлар бериб уларнинг фаолиятини бир меъёрда боришига кўмак берадилар. Бу ерда қарз беришдан асосий мақсад имкон қадар юқори даромад олиш эмас, балки яшик ишлаб чиқарувчи корхонани фаолиятини юргизишдир.

3. Бошқариш мақсадида ушлаб туриладиган молиявий активлар. Бошқа корхоналарнинг катта салмоқдаги акцияларини сотиб олиб, уларнинг фаолиятини ўз мақсади йўлида олиб боришга қаратилган бўлади. Бунда икки хил мақсад кўзга ташланади:

а) юқори даромад олиш учун бошқа корхона фаолиятини бошқариш;

б) рақобат зарурати юзасида муайян корхонани бошқариш. Бунда даромад устун аҳамиятга эга бўлмайди. Мева шарбати қуядиган корхоналар доимо қадоқлаш идишини ишлаб чиқарадиган корхоналарни ўз манфаатлари йўлида ишлатишга уринадилар. Бу билан рақобатчиларга идиш олиш имкониятини бермасликка ҳаракат қилади. Чунки, қадоқлаш идишларининг экологик афзаллиги, дизайни, қулайлиги ва арзонлиги, миқдорини етарли бўлиши рақобатчилар орасида жуда ҳам муҳимдир. Молиявий активни шу мақсадда йўналтирилиши идиш қадоқловчи корхоналарни рақобат талабидан келиб чиқиб, бошқариш ҳисобланади.

Даромад келтириш, қўллаб-қувватлаш (назорат) ва бошқариш мақсадларидаги нафларни умумлаштириб молиявий активларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

а) охири муддатгача ушлаб туриладиган;

б) олиб сотиладиган;

в) сотиб юбориш керак деб топилган.

Охирги муддатгача ушлаб туриладиган молиявий қўйилмаларда даромад келтириш, қўллаб-қувватлаш (назорат) ва бошқариш мақсадлари устун бўлади.

Олиб сотиладиган молиявий актив тури соф капитал айланиши нуқтаи назардан амалга оширилади. Яъни, молиявий актив сотиб олинади ва юқори нархда сотишга ҳаракат қилинади. Бунда наф актив берадиган ҳуқуқ натижаларидан келиб чиқиб юзага чиқмайди. Балки, бошқа турдаги активлар сингари олиб сотиш натижасида даромад олишга қаратилади.

Сотиб юбориш керак деб топилган молиявий активлар юқоридаги икки турдаги молиявий активлар таркибига кирмайдиган молиявий активлардир. Яъни, уларда даромад олиш, қўллаб-қувватлаш, бошқариш йўналишидаги нафлар мақсад қилинмайди. Имкон қадар улардан зарар кўрмасдан қутулишга ҳаракат қилинади.

Юқорида биз томонимиздан таклиф қилинган таснифий белгилар хўжалик юритувчи субъектларда молиявий активларга кутилаётган наф нуқтаи назардан ёндашиш бўйича молиявий активлар ҳисоби ва таҳлилини ташкил этиш ҳамда юритиш учун асос бўлиши билан муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

Молиявий активларнинг назарий томонларидан бири бу уларнинг турлари ва ҳисоботларда акс эттириш масаласидир. Бу борада ҳам камчиликлар, етишмовчиликлар ва такомиллаштирилиши керак бўлган жиҳатлар мажуд. Молиявий активларнинг турларига икки нуқтаи назардан ёндашиш мумкин.

1. Алоҳида актив тури таркибида, яъни хусусий ҳолда. Бунда ҳар бир актив ўз номи билан қайд этилади. (4-а-илова)

2. Бухгалтерия ҳисоби талаблари асосида. Яъни, аналитик тарзда, счётлар бўйича ва молиявий ҳисобот тартибида. (3-а-илова)

Молиявий активлар – хўжалик юритувчи субъект эгалигидаги мулк тури ҳисобланган молиявий ресурслардир. Миллий ҳисоб тизимимизда улар таркиби:

- пул маблағлари;

- олишга тегишли счєтлар;
- молиявий инвестициялар;
- кєлгуси давр харажатлари хамда муддати кечиктирилган харажатлардан иборат.

Юқоридаги миллий ва халқаро стандартдаги молиявий актив турлари таққосланганда бир қатор фарқлар мавжудлиги аён бўлмоқда. Фарқлар асосан нодериватив инструментлар, дериватив инструментлар, улушли инструментлар каби молиявий активлар туридан келиб чиқмоқда. Бундай актив турлари ҳали миллий ҳисоб тизимимизда қўлланилгани йўқ.

Демак, ҳисоб юритиш миллий тизимида молиявий активларини назарий асосларини халқаро стандартлар даражаси билан уйғунлашишини таъминлаш учун мавжуд фарқларни ҳосил қилган молиявий актив турларини кенг кўламда ўрганиб унинг миллий амалиётга татбиқ этиш керак экан.

Молиявий активлар турларини молиявий ҳисоботда акс эттириш масалалари Монографиянинг тегишли параграфларида етарлича баён қилинган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий активлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий асосларини тадқиқ этиш ва уни такомиллаштириш миллий иқтисодиётда молиявий активлари ҳисоби ва таҳлилинини глобаллашув таъсирида ривожланаётган иқтисодий муносабатлар ҳамда халқаро бозор қатнашчилари талабларига мослаштириш учун хизмат қилади. Бу ҳаракатни муваффақиятли амалга ошириш эса ички ҳамда ташқи молиявий ахборотдан фойдаланувчиларга қулай ҳамда тушунарли ахборот муҳити яратиш йўлидаги муҳим тадбирлардан биридир.

1.2. Молиявий активлар ҳисоби ва таҳлилининг услубий асослари

Миллий бухгалтерия ҳисоби тизимида молиявий активлар ҳар томонлама ва чуқур ўрганилмаган объект ҳисобланади. Бу ҳолат масаланинг услубий жиҳатларига ҳам тўла маънода тегишлидир. Молиявий активлар ҳисоби ва таҳлил қилишнинг амалдаги услубларини билиш ҳамда уларни давр талаблари асосида такомиллаштириш учун бу борадаги услубий ёндашувларни зарур қилиб кўювчи энг муҳим асосларни чуқурроқ кўриб чиқиш лозим. Бизнинг

фикримизга кўра, услуб - ҳисоб ва таҳлил ишларини мақсадга мувофиқ бажарилишининг усуллари ва қоидалари мажмуидир. Ҳисоб ва таҳлилда умумий ва хусусий услублар фарқланади. Молиявий ҳисоб ва ҳисоботларнинг асосини ташкил этадиган ҳамда барча ҳисоб объектларига тегишли бўлган усул ва қоидалар умумий услублар ҳисобланади. Умумий услублардан келиб чиқиб, аммо объектни ўзига хос жиҳатларни ҳам эътиборга олиб ишлаб чиқилган усул ва қоидалар хусусий услубларни ташкил этади.

Молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг концептуал асослари умумий ва хусусий услубларга асос бўладиган муҳим фундаментал тузилмадир. Демак, мазкур фундаментал тузилма қанчалик асосли ишлаб чиқилса, ундан келиб чиқадиган услублар шунчалик ишончли ва мақбул бўлади. Молиявий активлар ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг умумий ёки хусусий услубларини ижобий ёки салбий жиҳатларини кўрсатишдан олдин, уларга асос бўладиган молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг концептуал асосларини тадқиқ этиш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисоб ва ҳисоботни концептуал асослари миллий²⁹, халқаро³⁰ ҳамда ҳар бир мамлакатнинг ўзига тегишли (мисол учун GAAP)³¹ ишлаб чиқилган кўринишлари мавжуд. Мамлакатимиз олимлари С.Н.Ташназаров³² ва Б.Бўроновларнинг³³ илмий тадқиқот ишларида концептуал асослар бўйича аҳамиятли фикрлар билдирган. Илмий тадқиқот ишимизни мақсад вазифаларидан келиб чиққан ҳолда молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг концептуал асосига ўзимизнинг қуйидаги таърифимизни беришни маъқул деб топдик. Концептуал асос - молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг ўзаро боғлиқ мақсадлари ҳамда асосларини алоҳида тизимли тузилмаси бўлиб, у молиявий ҳисоб ва

²⁹ БҲМС “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос”

³⁰ Молиявий ҳисоботнинг концептуал асоси. Концептуал асос Бухгалтерия ҳисобининг Халқаро Стандартлари бўйича Кенгаш томонидан 2010 йил сентябрда чоп этилган.

³¹ Conceptual Framework for financial accounting and Reporting: elements of Financial Statements and Their Measurement, FASB Discussion Memorandum (Stamford, Conn.: FASB 1976), page 1 of the “Scope and Implications of the Conceptual Framework Project” section.

³² Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. Монография. - Publisher SIA OmniScriptum Publishing. Globe Edit Publishing house. 2018. 280 p. ISBN-13:978-613-8-24050-1. https://www.morebooks.shop/bookprice_offer_.

³³ Б.Ф.Бўронов. Корхоналар молиявий активлари ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартларига мувофиқлаштириш. Монография. СамДЧТИ нашр-матбаа маркази. 2020 йил. 154 бет.

ҳисоботларни мавжудлиги, функцияси ва чекланганлик жиҳатларини кўрсатиб беради ҳамда изчил тарзда мувофиқ стандартлар ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Концептуал асос молиявий ҳисоботнинг мақсадлари, элементлари, ахборотларнинг сифат тавсифлари, ўлчов ва тан олиш учун асос бўладиган фаразлар, принциплар ҳамда чекловлардан иборат бўлади (2 б-илова).

Молиявий ҳисоботларнинг концептуал асосларини тадқиқ этишда миллий, халқаро ва ривожланган мамлакатларда қўлланаётган концептуал асосларни ўзаро таққослаш муҳим ўрин тутди. Таққослаш турли жиҳатлар бўйича амалга оширилиши мумкин. Бу масалада биринчи муҳим жиҳат бу молиявий ҳисоботларнинг мақсадларини белгилаб олишдир.

1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ўрганилаётган учта концептуал асосларда молиявий ҳисоботнинг мақсадлари бир биридан кескин фарқ қилмайди.

Иккинчи муҳим жиҳат бу молиявий ҳисоб ва ҳисобот ахборотларининг сифат хусусиятлари бўйича принциплар ва уларнинг тавсифлари ҳисобланади.

1-жадвал

Молиявий ҳисобот мақсадларини ўзаро таққослаш жадвали³⁴

Молиявий ҳисобот мақсадлари		
БҲМС³⁵	БҲҲС ёки МҲҲС³⁶	GAAP³⁷
1. Инвестиция қарорларини ва кредитлар беришга доир қарорларни қабул қилиш учун ахборотлар тақдим этиш.	1. Потенциал инвесторлар, кредиторлар ва бошқа қарз берувчи ташкилотлар учун фойдали бўлган ушбу тадбиркорлик субъекти тўғрисидаги молиявий ахборотни	1. Инвестиция ва кредит бўйича қарорларни қабул қилишда фойдали бўлган ахборотларни бериш.

³⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

³⁵ БҲМС “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос”

³⁶ Молиявий ҳисоботнинг концептуал асоси. Концептуал асос Бухгалтерия ҳисобининг Халқаро Стандартлари бўйича Кенгаш томонидан 2010 йил сентябрда чоп этилган.

³⁷ Donald E. Kieso, Jrry J. Weygandt, Terry D. Warfield. INTERMEDIATE ACCOUNTING. John Wiley & Sons, USA. 2004. 46 p.

	тақдим қилиш.	
2. Хўжалик юритувчи субъектнинг бўлғуси пул оқимиға баҳо бериш учун ахборотларни тақдим этиш.	2. Соф пул оқимларини баҳолаш учун ахборотларни тақдим этиш.	2. Келгусидаги пул оқимларини баҳолаш учун ахборотларни бериш.
3. Хўжалик юритувчи субъектга ишониб топширилган ресурслар муносабати билан унинг ресурсларига, мажбуриятларига, уларни ўзгаришларига баҳо бериш учун ахборотларни тақдим этиш.	3. Потенциал инвесторлар, кредиторлар ва бошқа қарз берувчи ташкилотларга тадбиркорлик субъектининг ресурслари, уларга бўлган даъволар, ҳамда унинг ресурсларини ишлатишдаги ўзгаришлар бўйича ахборотларни тақдим этиш.	3. Субъект ресурслари, ресурсларга бўлган талаблар ва улардаги ўзгаришига оид ахборотларни бериш.
4. Раҳбар органларнинг ишига баҳо беришга асос бўладиган ахборотларни тақдим этиш.	4. Тадбиркорлик субъектининг раҳбарияти ва бошқаруви ўз вазифаларини қанчалик оқилона ва самарали бажарганлиги тўғрисида маълумотлар бериш.	

2-жадвалнинг биринчи устунида, яъни БҲМСларда молиявий ҳисоб ва ҳисоботдаги ахборотларнинг сифат хусусиятлари алоҳида, аниқ ёки тушунарли тарзда ифодалаб берилмаган. У умумий ҳолда кўриб чиқилган. Албатта бу ҳолат ҳисоб объектлари учун услубларни ишлаб чиқишда ўз салбий таъсирини кўрсатади. Чунки, айнан нима асосда ахборот сифати белгиланади деган саволга аниқ жавоб йўқ. Бу борада БҲХС ҳамда GAAP нинг ўзаро ўхшашлиги бор. Чунки, БҲХС ҳамда GAAP да нимага асосланса ахборот сифатли бўлади ва ҳар бир асоснинг тавсифи аниқ белгилаб берилган.

**Молиявий ҳисобот ахборотларининг сифат хусусиятлари бўйича
принциплар³⁸**

Молиявий ҳисобот ахборотларининг сифат хусусиятлари бўйича принциплар		
БҲМС³⁹	БҲҲС ёки МҲҲС⁴⁰	ГААР⁴¹
Ҳисоблаш. Икки ёклама ёзув усулида ҳисоб китобни юритиш. Узлуксизлик. Хўжалик операцияларини, активлар ва пассивларни пул билан баҳолаш. Ишончлилик. Эҳтиёткорлик. Мазмунининг шаклдан устунлиги. Кўрсаткичларнинг қиёсийлиги. Молиявий ҳисоботдаги бетарафлик. Ҳисобот даврида даромадлар билан харажатларнинг мувофиқлиги. Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси. Тушунарлилик. Аҳамиятлилик. Жиддийлик. Ҳаққоний ва холис тақдим. Тугалланганлик. Изчиллик. Ўз вақтида тақдим этиш.	Фундаментал сифат хусусиятлари:	1. Асосий сифатлар:
	Ўринлилик.	А) Ўринлилик:
	Муҳимлик.	-олдиндан кўра олиш қиймати;
	Ишончли тақдим этиш.	-ўтган даврни баҳолаш қиймати;
	Ахборот фойдалилигини оширадиган сифат хусусиятлари:	-ўз вақтидалилик.
	Б) Ишончлилик:	
	Қиёсланувчанлик.	- текшириш имконияти мавжудлиги;
	Текширувчанлик.	- ҳаққоний акс эттириш;
	Ўз вақтида тақдим этиш.	- холислик.
	Тушунарлилик.	2. Ёрдамчи сифатлар:
	Фойдали молиявий ҳисоботнинг сарф-харажатлар нуктаи назаридан чеклови.	А) Таққосланувчанлик.
		Б) Узлуксизлик.

Фикримизча, ГААР нинг сифат бўйича принциплари аниқлиги, тушунарлилиги ҳамда амалий томонларига кўра мақбуллиги, унинг миллий ва БҲҲС нинг бу борадаги асосларидан устун деб ҳисоблаймиз. Ҳисобда ахборотларни шакллантириш ва тақдим этишдаги услубларни қўллашда ГААР нинг сифат бўйича принципларига таяниш осон ва ишончли бўлади. Натижада эса, сифатли ахборотлар - маблағлар ҳаракати билан боғлиқ бошқарув

³⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

³⁹ БҲМС “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос”

⁴⁰ Молиявий ҳисоботнинг концептуал асоси. Концептуал асос Бухгалтерия ҳисобининг Халқаро Стандартлари бўйича Кенгаш томонидан 2010 йил сентябрда чоп этилган.

⁴¹ Donald E. Kieso, Jrry J. Weygandt, Terry D. Warfield. INTERMEDIATE ACCOUNTING. John Wiley & Sons, USA. 2004. 46 p.

қарорларни амалий аҳамиятини янада кучайтиради ва ундаги таваккалчилик эҳтимолини кескин камайтиради.

2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ГААР да бухгалтерия маълумотларининг сифати унинг ўринлилиги, ишончилиги, таққосланувчанлиги ҳамда узлуксизлиги билан белгиланади. Ушбу талабларнинг ҳар бири ўз навбатида бир қатор тушунчалардан ташкил топади ёки улар билан изоҳланади.

Маълумотнинг ўринлилиги, яъни ўринли шакллантирилиши у асосда турли хил қарорлар қабул қилиш имконияти мавжудлиги билан белгиланади. Агар, маълумот шакллантирилса-ю, бироқ ундан бирон-бир мақсадда фойдаланилмаса ёки у асосда муайян хулосалар қилинмаса, мазкур кўрсаткич бошқарув мақсади учун кам аҳамият касб этади.

Ҳисоб тизимида маълумотни ўринлилиги – унинг олдиндан кўра олиш қиймати, ўтган даврни баҳолаш қиймати ва ўз вақтида бўлишлиги каби асослардан ташкил топади.

Фойдаланувчилар келгусидаги режаларни, прогнозларини тузиш учун қарорлар қабул қилишда бухгалтерия маълумотларини манба бўлишлиги уларнинг олдиндан кўра олиш қийматини ифодалайди.

Ўтган даврда белгиланган прогнозлар, режаларни тўғрилигини тасдиқлаш ёки уларни даврга мос ҳолда тўғрилаш имконини бериш маълумотларнинг ўтган даврни баҳолаш қийматига эга эканлигини кўрсатади.

Маълумотларнинг ўз вақтида шакллантириш ва улардан жорий бошқарувда тезкор фойдаланиш ўринлилики тушунчасини муҳим таркибий қисмидир. Бу билан иқтисодий воқеликка ўз вақтида ва ўрнида таъсир кўрсатиш имкони яратилади.

Маълумотларнинг ишончилигини белгиловчи сифат жиҳатлар эса – уларнинг текшириш имконияти мавжудлиги, ҳаққоний акс эттириш ҳамда холислик каби асосларидан ташкил топади.

Ҳисоб ҳужжатларидаги кўрсаткичлар – ҳисоб усули, принциплари, ўлчов бирликлари, меъёрий талаблар, ҳисоб-китоблари бўйича ягона уйғунлик

асосида шакллантирилиши шарт. Мазкур фикр шу мазмунда айтилмоқдаки, турли мақсадларда аудит текшируви ўтказилганда ҳам ҳар бир кўрсаткични текшириш имконияти мавжуд бўлиши зарур. Текшириш натижаси эса, у турли аудиторлар томонидан алоҳида-алоҳида текширилганда ҳам бир хил мазмундаги хулосани бериши лозим. Яъни, кўрсаткич ҳисоб талаблари асосида тўғри шакллантирилганлиги тасдиқланиши керак.

Маълумотларни ҳаққоний акс эттириш эса, ҳар бир кўрсаткич қиймат ёки миқдор томонидан ҳақиқий асосига эга бўлиши шарт. Яъни, активларнинг ҳисоб ҳужжатларидаги баҳоси нақадар уларнинг реал қийматини ифодалаб бера олади. Бу эса, ҳозирги инқироз давридаги каби дастлабки чиқарилган акциялар қиймати ва уларнинг сонини корхона активлари қийматидан оғишиши каби муаммоларни олдини олади.


Холислик тушунчаси эълон қилинган ҳисоб маълумотларини нақадар объективлигини ифодалаб беради. Ҳеч бир кўрсаткич ёки умуман бухгалтерия ҳисоби маълумотлари улар билан қизиқувчилар ўртасида бирон-бир манфаат эҳтиёжини устун кўриб тайёрланишига йўл қўйилмаслиги керак. Бу ҳолат маълумотларни сохталаштиришни келтириб чиқаради.

Бухгалтерия маълумотларини таққосланувчанлигини таъминлаш эса, бугунги кунда ўта долзарб аҳамиятга эга. Чунки, ҳар қандай кўрсаткичларни бизнес режага нисбатан таққослаш, йиллар давомида трендли таҳлил қилиш, бошқа корхоналар маълумотлари билан таққослаб ўрганиш иқтисодий ҳолатни ва унинг йўналишини аниқ кўрсатиб беради. Бу эса, бошқарув қарорларини нақадар илмий асосга эга бўлишида ўз ўрнига эга. Ҳисоб тизимида кўрсаткичларни шакллантириш бўйича умум таснифга эга усуллардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш керак.

Хўжалик субъектлари ҳисоб тизимида бир неча йиллар давомида маълумотларни шакллантирилишида узлуксиз ёндашув доимо ёки имкон қадар сақланиб турилиши зарур. Чунки, узлуксиз равишда бир хил ҳисоб усулларида фойдаланиш, бир неча йиллик кўрсаткичларни асосли таққослаш имкониятини яратади. Ҳисоб усулларини тез ўзгартириш эса ҳар хил усулда ҳисобланган

кўрсаткичларни юзага чиқаради, уларни ўзаро таққослаш эса иқтисодий жиҳатдан мақбул деб қаралмайди ва асосланган натижани келтириб чиқармайди.

Фикримизча, молиявий ҳисоботлардаги ахборотнинг сифат хусусиятларига юқорида қайд этилган ёндашувларни умумлаштириб, расм кўринишида ифодалаш мумкин (2-расм).



2-расм. Ҳисоб тизими ахборотлари сифатини тавсифловчи жиҳатлар⁴².

Концептуал асоснинг учинчи муҳим қисми молиявий ҳисобот элементларидир. Элементлар таркиби 3-жадвалда акс этган.

3-жадвалда кўрсатилган молиявий ҳисоботнинг элементлари бўйича БҲМС ва МҲХС ўзаро бир-бирларига мувофиқ келади. Бу яхши, албатта. Лекин, БҲМС ва МҲХС элементлар бўйича GAAP элементларидан айрим жиҳатлари билан фарқланишини кўрсатмоқда. Бунинг сабаби, АҚШ иқтисодий муносабатларда бошқа мамлакатлардан анча илғорлаб кетган. Бу ҳолат

⁴² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ахборотларга бўлган талабларни ҳам кучайтириб юборган. Шу сабабли GAAP даги молиявий ҳисоботни элементлари МХХС элементларидан кўп. МХХС эса бутун дунё мамлакатлари ривожланиш даражаси ва мазкур ривожланиш даражасига мос келадиган ахборотларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, бу борадаги талабларини берган. Тадқиқот натижаларида шу хулосага келдикки, молиявий ҳисобот элементларини белгилашда GAAP тажрибаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Чунки, GAAP да белгиланган элементларни ҳисоботларда акс эттиришни бизнес амалиётнинг ўзи талаб қилмоқда.

3-жадвал

Молиявий ҳисобот элементлари⁴³

Молиявий ҳисобот элементлари		
БҲМС ⁴⁴	БҲХС ёки МХХС ⁴⁵	GAAP ⁴⁶
Активлар	Активлар	Активлар
Мажбуриятлар	Мажбуриятлар	Мажбуриятлар
Хусусий сармоя	Капитал	Капитал
Захиралар	Капитални сақлаб туриш билан боғлиқ бўлган тузатишлар	Мулқдорларни ҳисса қўшиши (investment by owners)
		Мулқдорларни ҳиссасини қайтариб олиши (distribution to owners)
		Умумлашган даромад (Comprehensive income)
Даромадлар	Даромадлар	Даромадлар (revenue)
Харажатлар	Харажатлар	Харажатлар (expenses)
		Даромадлар (gains)
		Харажатлар (losses)
Молиявий натижалар	Молиявий натижалар	Молиявий натижалар

Концептуал асоснинг тўртинчи муҳим қисми тан олиш ва ўлчов концепциясини таркиблари ҳисобланади. Миллий ҳисоб тизимида “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари қайд этилган. Шунингдек, “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал

⁴³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁴⁴ БҲМС “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос”


⁴⁵ Молиявий ҳисоботнинг концептуал асоси. Концептуал асос Бухгалтерия ҳисобининг Халқаро Стандартлари бўйича Кенгаш томонидан 2010 йил сентябрда чоп этилган.

⁴⁶ Donald E. Kieso, Jrry J. Weygandt, Terry D. Warfield. INTERMEDIATE ACCOUNTING. John Wiley & Sons, USA. 2004. 46 p.

асос” да ҳам ҳар бир принципга тавсиф берилган. Бироқ улар тан олиш ва ўлчов концепцияларидан келиб чиқиб тасниф этилмаган.


МХХС ёки БҲХС ларида тан олиш ва ўлчов концепциялари (фаразлар, принциплар, чекловлар) мураккаб тарзда баён қилинган. Уларни тушуниш ва қўллаш учун мутахассисдан юқори даражадаги билим ва тажриба талаб қилинади. Бу жиҳатлар МХХС ларини амалда қўллаш масалаларини қийинлаштиради. Мақбул услубларни ишлаб чиқишга ҳам таъсир этади, албатта.

GAAP концептуал асосидаги тан олиш ва ўлчов концепциялари аниқ, тушунарли ҳамда амалиётга қўллаш осонлиги билан ажралиб туради (3-расм).



3-расм. GAAP концептуал асосидаги тан олиш ва ўлчов концепциялари.

Юқорида айтиб ўтилган концептуал асослар ҳар бир ҳисоб объекти ёки алоҳида иқтисодий муносабатни акс эттирадиган воқеликлар бўйича стандартлар ишлаб чиқишда асос бўлади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида концептуал асослар ҳамда стандартлар молиявий ҳисоб ва ҳисоботни ташкил этиш ва юритишда амал қилинадиган услублар ҳисобланади. Бундан ташқари ҳар бир ҳисоб объекти учун, унинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқадиган алоҳида мақсад ва вазифаларни белгилашда ҳам концептуал асослар ҳамда стандартлар умумий услубий асос бўлиб хизмат қилади.



4-расм. Молиявий активлар ҳисоби ва ҳисоботида услубий ўзгаришлар амалга ошириладиган бўғинлар ва улардан кутилаётган натижалар⁴⁷.

Концептуал асослар бўйича ҳақоро тажрибада эришилган ижобий натижаларнинг бухгалтерия ҳисоби миллий тизимида қўлланилиши молиявий ҳисоб ва ҳисобот тизимининг асосларини янада мустаҳкамлайди. Бу борадаги аниқ, тушунарли ҳамда амалий жиҳатдан осон услубларни бизнес фаолиятига олиб келади. Бу тўла маънода молиявий активлар ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда уларни таҳлил қилишнинг услубий асосларига ҳам тааллуқлидир. Биз томонимиздан молиявий активлар ҳисоби ҳамда ҳисоботи бўйича билдирилаётган услубий таклифлар Монографиянинг иккинчи бобининг тегишли параграфларида ҳамда учинчи бобнинг тегишли параграфларида баён қилиб берилган. Молиявий активлар бўйича хусусий ҳолдаги услубий ўзгаришлар бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилиш ва юритишдаги айнан қайси бўғинларда амалга оширилиши ва уларни натижаси нимага олиб бориши 4-расмда ифодаланган (4-расм).


Демак, молиявий активларнинг синтетик ва аналитик ҳисобида ҳамда ҳисоботида амалга оширилган услубий ўзгаришлар пул маблағлари, олишга тегишли счётлар ҳамда қисқа муддатли инвестициялар бўйича қандай ахборотларни шакллантириш ва тақдим этишга олиб бориши 4-расмда яққол

⁴⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ифодалаб берилган. Бу натижаларга эришиш миллий ҳисоб тизимида молиявий активларнинг ҳисоби ва ҳисоботини мазмун бўйича халқаро даражаларга олиб чиқишига ёки мувофиқлаштиришга имкон беради.

Молиявий ҳисобот бўйича услубий таклифлар молиявий активларни иқтисодий таҳлил қилишдаги қуйидаги томонларини такомиллаштиришга олиб боради.

Пул маблағлари, олишга тегишли счётлар ҳамда қисқа муддатли инвестициялар бўйича аналитик ва синтетик ахборотларни тақдим этилиши корхона иқтисодий салоҳиятини янада аниқ баҳолашга хизмат қилади (5-расм).




5-расм. Корхона иқтисодий салоҳиятида жорий молиявий активлар.

Пул маблағларини ишлатилиши йўналиши белгиланганлигига кўра ва ундан келиб чиқадиган оқибатлар бўйича таҳлил қилиш имконини яратади (6-расм).




6-расм. Пул маблағларини ишлатилиши йўналиши ва мақсади бўйича таҳлил қилиш ҳамда уларга тегишли кўрсаткичлар.

Олишга тегишли счётларни савдо ва носавдо фаолиятлари бўйича таҳлил қилиш ишлари амалга оширилади (7-расм).



7-расм. Олишга тегишли счётларни савдо ва носавдо фаолиятлари бўйича таҳлил қилиш ҳамда уларга тегишли кўрсаткичлар.

Пул маблағлари, олишга тегишли счётлар ва жорий инвестициялар бўйича таклиф этилган ахборотларни шакллантириш, пировард натижада улар иштирок этадиган қатор таҳлил объектларини такомиллаштиришга, яъни тўғри ҳисоб китоб қилишга, аниқлигини таъминлашга ҳамда ахборотни фойдалилигини оширишга олиб боради (8-расм).



8-расм. Пул маблағлари ҳамда олишга тегишли счётлар бўйича ахборотлар ва улар бевосита таъсир этадиган таҳлил объектлари.

Ахборотларни шакллантириш ва тақдим этишдаги яна бир муҳим жиҳат - бу пандемия шароити билан боғлиқдир. Таъкидлаш керакки, барча мукамал ишлаб турган услублар ноодатий вазиятларда ўз унуми ёки самарасини, яъни таъсир кучини пасайтириб юбориши мумкин экан. Бу ҳолатни амалиёт тасдиқлаб турибди. Шундай шароитда ҳисоб объектлари ва уларнинг таҳлил қилиш услубларига фавқулодда тарзда ўзгартиришлар киритишлар ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Монографиянинг учинчи боб 2-; 3-параграфларида ноодатий вазиятларда ҳисоб объектларини бошқариш учун ахборотлар шакллантиришнинг бошқа услублари ва уларнинг мақсадга мувофиқликлари асослаб берилган.

Молиявий активларнинг услубий асосларини халқаро даражада такомиллаштириш ва уларга мувофиқлаштириш учун миллий ҳисоб тизимидаги меъёрий ҳужжатларни, айнан бу борадаги БХМС ларни МҲХС лари асосида, шунингдек ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибалардан фойдаланиб, қайтадан ишлаб чиқиш зарур. Бу ҳаракатлар натижасида, иқтисодиётда ижобий иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар содир бўлади.

1.3. Молиявий активлар ҳисоби ва ҳисоботини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳамда ривожланган халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш йўналишлари

Тадқиқотда молиявий активлар ҳисоби ва ҳисоботининг бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳамда ривожланган халқаро тажриба талабларига мувофиқлаштиришнинг долзарб йўналишлари деб қуйидагилар белгилаб олинди:

- пул маблағлари ҳисоби ва ҳисоботини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш;

- олишга тегишли счётлар ҳисоби ва ҳисоботини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш;

- узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар ҳисоби ва ҳисоботини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш;

- молиявий активлар таҳлилининг ахборот таъминотини такомиллаштириш;

- молиявий активлар таҳлилинини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш;

- пандемия шароитида молиявий активлар ҳисоби ва таҳлилинини янги услублар асосида ташкил этиш ҳамда юритиш.

Миллий бухгалтерия ҳисобида пул маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи услубий жиҳатдан яхши ташкил этилган. Ҳисобда пул маблағлари компонентлари бир-бирларидан алоҳида тарзда юритилиши учун тегишли счётлар белгиланган. Ҳар бир счёт таркибида субсчётлар тайинланган. Бухгалтерия балансида акс эттирилган пул маблағлари тўғрисидаги ахборотлар пул маблағларининг ҳаракати ва ҳолати тўғрисида, ҳам умумлашган, ҳам компонентлар бўйича ахборотларни тақдим этади. Бироқ, тадқиқот натижаларидан аён бўлдики, миллий бухгалтерия ҳисобида пул маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи бир қатор жиҳатлари билан иқтисоди ривожланган мамлакатларда мавжуд ёки халқаро тажрибаларда кенг қўлланилаётган бу борадаги амалдаги тартиблардан фарқ қиладиган томонлари мавжуд.

Бухгалтерия балансида пул маблағлари тўғрисидаги ахборотларнинг акс эттирилиши тартибига эътибор берилса, улар жами пул маблағлари ва уларнинг таркибини тўрт гуруҳга ажратиш тақдим этишга тайинланган. Бундан мақсад, жами пул маблағлари ва унга тегишли компонентларни ҳаракати ва ҳолати тўғрисидаги ахборотларни фойдаланувчиларга етказишдир. Худди мана шу жойда, миллий бухгалтерия ҳисобида пул маблағлари бўйича бухгалтерия балансидаги тартиб, ҳам амалий, ҳам услубий жиҳатдан камчиликга эга. Яъни, бухгалтерия балансида акс эттириладиган пул маблағлари тўғрисидаги ахборотлар пул маблағларидан эркин фойдаланиш тавсифига кўра чекланмаган ҳамда чекланган пул маблағларига ажратиш ёки уларни бир-бирларидан ажратиш алоҳида-алоҳида тарзда акс эттириш бера олмайди. Бу эса, ахборотдан фойдаланувчи ҳамкорлар учун пул маблағлари борасидаги бизнес қарорларини қабул қилишда зарур ахборотларнинг етишмовчилигини келтириб чиқаради.

Иқтисоди ривожланган мамлакатлардаги бухгалтерия балансида пул маблағлари тўғрисидаги ахборот пул маблағларини эркин ва чекланган тавсифига кўра ажратилиб шакллантирилади. Ёки, молиявий ҳисоботга ёзилган тушунтиришларда бу борада алоҳида изоҳ берилади.

Таъкидлаш керакки, ушбу ёндашув ва тартибни миллий бухгалтерия ҳисобидаги бухгалтерия балансида пул маблағлари бўйича ахборотларни шакллантириш ҳамда тақдим этишда, албатта эътиборга олинishi шарт. Биз, бу борадаги тегишли ўзгаришларни бухгалтерия балансида пул маблағлари бўйича ахборотларни шакллантириш ва тақдим этиш тартибига расман киритилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Миллий ҳисоб тизимида пул маблағларига тегишли ахборотларни тегишли счётларда қайд этиш борасида ҳам камчилик борлиги маълум бўлди. Яъни, ахборотларни счётда қайд этиш масаласида мезонларини аниқ ишлаб чиқилмаганлиги, фикримизга мисол бўла олади. Бу ҳолатни пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётлар ҳамда қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар учун берилган тушунтиришлардан билса бўлади.⁴⁸ Ушбу тушунтиришларга янада аниқлик киритилиши зарур. Молиявий активларнинг бу икки тури ўз мазмунидан келиб чиқиб турли мақсадларга мўлжалланган. Улар тўғрисидаги маълумотлар эса (агар улар сезиларли аҳамиятга эга бўлса) пул маблағлари ёки инвестициялар борасидаги ахборотларни бузиб кўрсатилишига сабаб бўлади. Натижада эса, аниқ бўлмаган ахборотлар қабул қилинадиган қарорларга жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Пул маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда уларни тўғри бошқариш учун бу борадаги маълумотлар етарли бўлиши бизнес фаолиятида жуда муҳимдир. Бирок, амалдаги счётлар таркибида маълумотларни таснифлашда баъзи камчиликлар мавжуд. Шундай камчиликни пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётларда кўриш мумкин. Маълумотларни аналитик тарзда таснифлаб, мазмунига кўра суб счётларда қайд қилиш, пировард натижада

⁴⁸. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС №21) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисоботлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома», Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган. <https://www.lex.uz/docs/809350>

молиявий ҳисоботлардаги тегишли ахборотларни аниқ бўлишини таъминлайдиган тадбирлардан биридир. Бироқ, пул эквивалентларига оид расмий ҳужжатларда бу тартиб бўйича кўрсатма берилмаган.

Молиявий активларнинг яна бир муҳим тури олишга тегишли счётлар бўйича ҳам қатор такомиллаштириш талаб этиладиган томонлар бор.

Молиявий ҳисоб амалиётида олишга тегишли счётлар дебиторлар номи билан юритилади. Кўплаб мамлакатлар ҳамда халқаро тажрибада бу ном олишга тегишли счётлар деб аталади. Бу борадаги ўзгариш аввало номни ўзгартириш ва уни асослаш билан амалга оширилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Тўғри номланиш муайян иқтисодий муносабат мазмунини тўғри ифодалаб беради. Шу билан бирга янги номлар хорижий тилларга таржима қилинганда уларда қўлланилаётган терминлар билан бир хил мазмун касб этади. Бу ҳолат бугунги кунда миллий иқтисодиётда жуда ҳам муҳимдир. Бундан ташқари амалдаги дебиторлик қарзлари таркибида дебитор бўлмаган моддалар бор. Шунинг учун, дебиторлар таркибини давр талаблари асосида қайтадан кўриб чиқиш, бу борада амалга ошириш зарур бўлган тадбирлардан биридир. Таркибни тўғри белгиланиши, бу борадаги ахборотларни ҳаққонийлигини таъминлайди.

Шунингдек бухгалтерия балансида дебиторлик қарзларини айрим моддалари мураккаб тарзда ифодалаб берилган. Унинг мазмунини хорижий ҳамкорлар ёки номутахассис шахслар тўғридан-тўғри тушунмайди. Ушбу турдаги камчиликлар ҳам бартараф этишни талаб қилади.

Бухгалтерия балансида дебиторлик қарзлари тўғрисидаги ахборотлар, фақат жами дебиторлик қарзлари, шундан муддати ўтгани, муайян турдаги дебиторлик қарзларини алоҳида тарзда акс эттириб беради. Лекин, дебитор қарзларни ушбу тартиби халқаро амалиётда қўлланилаётган тартиблардаги ижобий томонларни ўзида намоён эта олмайди ёки уларга мувофиқ келмайди. Ривожланган мамлакатларнинг ҳисоб тизимида компанияларнинг бухгалтерия балансида олишга тегишли маблағлар икки гуруҳга бўлиб акс эттирилади. Яъни, савдо фаолияти бўйича олишга тегишли маблағлар ҳамда носавдо

фаолияти бўйича олишга тегишли маблағлар гуруҳига бўлинади. Ҳар бир гуруҳ ҳамда уларнинг таркиби олишга тегишли счётлар тўғрисидаги маълумотлар иштирок этадиган бизнес қарорларни қабул қилишда жуда муҳим ҳисобланади. Ушбу ҳолат олишга тегишли счётлар борасида амалга оширилиши шарт бўлган ўзгариш йўналишларидан биридир.

Молиявий активларнинг яна бир тури бўлган қарзли ҳамда ҳиссали қимматли қоғозлар ҳисобида ҳам бир қатор муаммоли масалалар бор. Уларни бартараф этиш бу борада халқаро стандартлар ҳамда бошқа халқаро тажрибалар билан уйғунлашишни таъминлайди.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики қимматли қоғозларга эгалик қилувчи субъектлар уларни фақат даромад келтирувчи инструмент деб қарамоқда. Қимматли қоғозлар биринчи навбатда даромад келтириш керак. Лекин, қимматли қоғозлар воситасида амалга ошириладиган бизнес муомалаларига фақат даромад келтириши керак деган ёндашув нисбатан чекланган ва тор даражадаги тавсифга таянади. Қимматли қоғозларнинг капитал (актив) ни сотиб даромад олиш, ёки бошқа корхоналарни бизнес ва рақобат мақсадларидан келиб чиқиб молиялаштириб, шу инструмент асосида уларни назорат қилиш ёки бошқариш каби томонларига ҳам етарлича эътибор бериш керак. Бунинг учун, қимматли қоғозлар ҳисобида бизнес фаолиятидаги стратегик ва тактик йўналишларга монанд белгиланадиган ёндашув қўлланилиши зарур. Ёндашув қимматли қоғозлар тури бўйича менежмент мақсади, баҳолаш тури, ички фойдаланувчилар учун зарур маълумотлар ва уларни шакллантириш механизми, молиявий ҳисоботларда тақдим қилинадиган ахборотлар тури ва сифати кабиларни етарли даражада аниқ ва мукамал ифодалаш лозим. Ушбу тадбирлар, пировард натижада қимматли қоғозлар ҳисобини кенг кўламда ва барча мақсадлар учун ташкил этиш ва юритишга асос бўлади.

Миллий ҳисоб тизимида қимматли қоғозлар счётлари бўйича аналитик ҳисобни ташкил этиш ва юритиш қимматли қоғозларнинг молиявий ишончлилик категориясини эътиборга олиб йўлга қўйилиш керак, деб

ҳисоблаймиз. Ушбу тартиб халқаро амалиётда кенг қўлланилади. Лекин, миллий молиявий ҳисобнинг амалдаги тартибларида ёки меъёрий ҳужжатларида бу жиҳат эътибордан четда қолдирилган.

Қимматли қоғозлар ҳисобига боғлиқ бўлган яна бир масала, улардан олинадиган молиявий натижаларни тегишли объектларда тўғри акс эттириш амалидир. Сотиш учун нақд бўлган қимматли қоғозларни (Available for sale securities) сотиб олиш қиймати билан бозор баҳоси ўртасида вақтлар давомида фарқ суммаси вужудга келади. Бироқ, муайян ҳисобот йилида миллий молиявий ҳисоботнинг 2-сон “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” шаклида ёки унинг иловаларида бундай оғишлар бўйича натижани акс эттириш имкони мавжуд эмас. Мазкур молиявий натижа бозор ҳолати ҳамда сотиб олиш баҳоси ўртасидаги ижобий ёки салбий ўзгаришни тегишли ҳисобот йили учун кўрсатиб беради. Бу бизнес фаолияти қарорларини қабул қилиш учун муҳим ахборот ҳисобланади. Иқтисоди ривожланган мамлакатлардаги ҳисоб тизимида бу борада яхши амалий тажрибалар бор. Демак, бозордаги тебранишлар бўйича натижаларни ўрганиб бориш бизнес фаолияти самарасини таъминлашга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Юқорида айтиб ўтилган йўналишларда молиявий активлар ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириб бориш, хўжалик юритувчи субъектларда бу борадаги ахборот базасининг кучайиб боришини таъминлайди. Маълумот ва ахборотларнинг етарли бўлиши эса таҳлил ишларини сифатини ва унумдорлигини оширади.

Бироқ, молиявий активлар ҳисоби ва ҳисоботидаги амалдаги камчиликлар уларнинг давр талаблари даражасида таҳлил қилиш ишларига ҳам жиддий таъсир қилмоқда. Жумладан, бу дебитор қарзларини таҳлил қилишдаги камчиликларда кўзга ташланмоқда.

Миллий соҳага оид адабиётларда ёки услубий кўрсатмаларда дебиторлик қарзларини бизнес фаолиятига нисбатан таснифлашга алоҳида аҳамият қаратилмаган. Бу ўз навбатида, олишга тегишли қарзлар (дебитор қарзлари) бевосита савдо фаолиятига ёки билвосита носавдо фаолиятига ажратиб

Ўрганишга имкон бермаган ёки бу ҳолат эътибордан четда қолдирилган. Таъкидлаш керакки, бу борадаги ахборот базаларини мазкур йўналишга мослаштирилмагани ҳам юқорида айтиб ўтилган таҳлилни амалга оширишни қийинлаштирган.

Бироқ, ривожланган мамлакатлардаги хўжалик юритувчи субъектларда дебиторлик қарзларини савдо фаолиятига ёки носавдо фаолиятига ажратиб таҳлил қилиш ҳамда уларнинг аҳамияти борасида эътиборга олиниши мақбул бўлган қарашлар мавжуд.

Анъанавий дебитор қарзларини таҳлил қилишдаги умумий ёндашувдан бизнес фаолияти бўйича таснифлаш ёндашуви ўзининг аниқлиги ва ихтисослашганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу дебитор қарзларини самарали бошқаришга, улар бўйича тўғри ва ишончли қарорлар қабул қилиш ўта муҳимдир.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, дебитор қарзларини таҳлил қилиш масалаларида ҳисоб объектига тегишли алоҳида олинган кўрсаткичларни аниқлашда турлича ҳисоб-китоблар ҳамда усуллар қўлланилишида жиддий камчиликлар мавжуд. Йўл қўйилаётган камчиликлар натижасида турли даражадаги ноаниқликлар келиб чиқмоқда. Мана шундай камчиликларни бартараф этиш ҳам масалани ижобий ҳал этиш йўллари билан бири деб ҳисоблаймиз.

Маълумотлар манбаи ҳисобланган молиявий ҳисобот шаклларидаги баъзи бир моддалар ўз номланишидаги мазмунни ифодалаб бера олмайди. Уларни таҳлилда қўлланилиши эса мутлақо бошқа натижаларга олиб келади. Бу эса, таҳлил қилинаётган объектнинг асл мазмунини очиб бера олмайди ҳамда хато хулосалар чиқаришга сабаб бўлади.

Молиявий активларнинг яна бир тури бўлган пул маблағлари ҳолати ва ҳаракатини таҳлил қилишда ҳам қатор камчиликлар ёки эътибор қаратилмаган томонлар мавжуд. Ушбу камчиликларни бартараф қилиш бу борадаги таҳлил ишларининг халқаро амалиёт билан уйғунлашувини таъминлашга хизмат қилади. Энг асосийси пул маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ошади.

Пул маблағларини таҳлил қилишдаги жиддий камчиликлардан бири уларни эркин ҳамда чекланган тавсиф этилишига кўра ўрганилмаслигидир. Агар, пул маблағлари ушбу жиҳатларидан келиб чиқиб таҳлил қилинса, пул маблағлари асосида ҳисоб китоб қилинадиган барча кўрсаткичларнинг аниқлиги таъминланган бўлар эди.

Таҳлил ишларининг халқаро амалиёт талаб қиладиган даражада олиб борилмаслигига яна бир сабаб ахборот базасининг шу йўналишларга мослаштирилмаганлигидир. Демак, пул маблағлари таҳлилни такомиллаштиришни амалга ошириш йўлларида бири юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирларни муваффақиятли бажарилишини таъминлашдир.

Молиявий активларни таҳлил қилишни давр талаблари асосида амалга оширишда унинг услубларидан фойдаланишни тўғри йўлга қўйишдир. Илмий тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, иқтисодиётда кутилмаганда юзага келган шароитлар ва уларнинг давомийлиги одатда фойдаланиб келинаётган усул ва воситаларни амалиёт талабидан келиб чиқиб шароитга мослаштириш ёки янги тартибдагиларни топиб уларни мақсадга мувофиқ ишлашини йўлга қўйиш зарур. Пандемия шароити ноодатий шароит бўлиб, хўжалик юритувчи субъектлар айнан мазкур шароитда бизнес фаолиятини давом эттиришга мажбурдирлар. Ноодатий вазият ва унинг давомийлиги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги барча томонларга салбий таъсир қилади. Демак, мазкур шароитда ишлаш янгича фикрлаш ва ёндашувларни топишни талаб қилади.

Иқтисодий таҳлилда вазиятли ёндашув методи, айнан шу даврда бошқарув ҳисоби ва таҳлилида қўлланиладиган энг мақбул ва самарали метод ҳисобланади. Чунки, пандемия шароитининг ўзи аниқ вазият деб олинади ҳамда унинг элементлари тизимлаштирилади. Мана шу асосда энг асосий ва муҳим бўлган элемент аниқланади. Бу элемент бошқа тизим элементларини аниқ вазиятда ишлаб кетишига сабабчи бўлади. Яъни, у ишласа бошқалар тизим тарзида ишлайди. Натижада хўжалик юритувчи субъект ноодатий вазиятдаги мавжуд имконияти даражасида ўз функциясини амалга ошира

олади. Яъни, бизнес фаолияти тўхтаб қолмайди.

Кичик хўжалик юритувчи субъектларда энг муҳим элемент деб пул маблағлари қаралади. Киримига қараб чиқим қилиш субъектни пандемия шароитида бизнес фаолиятини амалга оширишни узлуксизлигини таъминлаб туради. Демак, ноодатий шароитларга мос бўлган усул ва воситаларни топиш ҳозирги даврдаги ҳисоб ва таҳлил ишларини такомиллаштириш йўналишларидан бири деб қаралалиши лозим.

Яна, бухгалтерия ҳисобида ҳозиргача қўлланилиши мақсадга мувофиқ эмас ёки жуда чекланган ҳолатларда фойдаланиладиган асослардан ҳамда уларнинг имкониятларидан фойдаланишни йўлга қўйиш ҳам бошқарув ҳисоби ва таҳлилини ноодатий шароитга мослаштириш масалаларида аҳамиятли ҳисобланмоқда. Бу борада касса усули асосида бошқарув ҳисоби ва таҳлилини ташкил этиш ва юритиш фикримизга мисол бўла олади. Бунинг мазмуни муайян ҳисобот даврида (одатда қисқа даврлар) ҳақиқатда келиб тушган ва ҳақиқатда чиқим қилинган пул маблағларини тезкор ҳисоби ва таҳлилини прогноз ҳамда натижалар бўйича ўрганиб бориш ҳамда улар асосида фаолиятни бошқариш масалаларини тўғри йўлга қўйиш ҳисобланади.

Ушбу параграфда юқоридаги айтиб ўтилган барча фикрлар молиявий активлар ҳисоби ва таҳлилини тўғридан-тўғри такомиллаштириш йўналиши ва йўлларини имкон қадар кўрсатиб берди.

Эндиги навбатда мазкур масалага тегишли бўлган билвосита ёндашувлар борасида ўз қарашларимизни билдириб ўтамиз.

Молиявий активлар ва уларнинг алоҳида элементлари ҳисобини такомиллаштириш орқали замон талабларига мослаштириб бориш мамлакат ҳисоб юритиш тизими ривожлантиришнинг ажралмас қисми ва аниқ хусусий ҳолларда намоён бўлишидир. Умуман олганда бухгалтерия ҳисобини ривожланиш тарихига эътибор берсак, турли мамлакатларда юритилаётган ҳисоб тизимини ташкил қилиш ва юритишда, ривожланишида умумий ўхшашлик ва ўзига хос хусусий жиҳатлар мавжудлигини кўриш мумкин. Ушбу умумийлик ва хусусийлик бир-бирига ўхшаш, айти пайтда бир-биридан фарқ

қилувчи бухгалтерия ҳисоби моделларини юзага чиқарган.

Жаҳон олимлари томонидан бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги халқаро моделлар эътироф этилган:

1. Британ-америка, нидерланд;
2. Континентал модел;
3. Жанубий Америка модели;
4. Ислон модели.⁴⁹

Биринчи моделнинг асосий жиҳати инвестор ва кредиторларга ишончли маълумот ва ахборотлар тақдим этишга йўналтирилган.

Иккинчи модел эса ҳукумат манфаатлари устун ҳолда қатъий қонунчилик талаблари асосида ахборотлар шакллантирилади ва тақдим этилади.

Учинчи модел ҳукумат сиёсатининг ижроси таъминлашга йўналтирилган. Барча ҳисоб ишлари инфляция таъсирини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.

Тўртинчи моделнинг асосини шариат қоидалари ташкил этади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни мақсадидан келиб чиқсак бизда иккинчи моделдан биринчи моделга ўтиш жараёнини содир бўлаётганини кўрса бўлади. Демак, молиявий активлар ҳисоби ва ҳисоботини ташкил қилиш ва юритишнинг такомиллаштиришда мазкур ҳолат ва унинг ўзига хос йўналиш талабларини албатта эътиборга олишимиз шарт.

Мақсад ва манфаатлар тўқнашувига кўра ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги компаниялар бухгалтерия ҳисоби шартли равишда тўрт йирик турга ажраб қолганлигини олдинги параграфларда таъкидлаб ўтган эдик⁵⁰. Шу сабали, молиявий активлар ҳисоби ва ҳисоботини ташкил қилиш ва юритишнинг такомиллаштиришда мақбул (Мувофиқ келувчи) бухгалтерия ҳисоби (Moderate accounting) йўналишини тартиб қоидаларидан ижодий фойдаланиш ҳамда унинг талабларига мувофиқлашишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

⁴⁹ М.Марапатов. Бухгалтерия баланси. *Bozor, Pul va Kredit.*//2016. №3. 59 б.

⁵⁰ Б.Ҳақимов, А.Абдуллаев, Корпоратив бошқарув ва бухгалтерия ҳисоби. Молия журнали//2016.№4. 66-73 б.
Gary Giroux. *Detecting Earnings Management. Textbook. Published by Wiley & Sons (USA). 2004. 3 p.*

Таъкидлаш керакки, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ҳар бир ишни амалга оширадиган ҳилқат бу инсондир. Инсон бу жамиятда шахс. Шахс бу кадр. Кадр бу мутахассисдир. Мухтасар қилиб айтганда юқоридаги барча ишларни тез ва мақсадга мувофиқ амалга ошириш бу мутахассисларнинг сифатига боғлиқ. Мутахассислар сифати олий таълимнинг сифатли фаолиятига боғлиқ. Демак, бухгалтер, аудитор ва бизнес аналитиклар тайёрловчи олий таълим муассасаларида фан дастурларини ҳамда соҳага оид адабиётларни халқаро тажрибалар билан бойитилиши бу борада кечиктириб бўлмайдиган асосий тадбирлардан биридир.

Илмий тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб юқорида билдириб ўтилган молиявий активлар ҳисоби ва ҳисоботини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳамда ривожланган халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш йўналишлари ва йўллари бу борада ўзининг ижобий ижтимоий-иқтисодий нафани беради деб ҳисоблаймиз.

Монография ишининг ушбу қисмида молиявий активлар ҳисобининг назарий ҳамда услубий асосларини такомиллаштиришга оид қуйидаги таклифлар билдирилмоқда.

1. Молиявий активларни наф кутилаётган йўналишлар бўйича таснифлаш лозим. Таклиф қилинган тасниф тури ҳисоб ишларида молиявий активлардан фойдаланиш ва уларнинг натижаларини прогноз қилишда ўз ўрнига эга.

2. Молиявий ҳисоб ва ҳисоботни услубий асоси ҳисобланган концептуал асос миллий, халқаро стандартлар ҳамда ривожланган мамлакат тажрибасидан келиб чиқиб таркиблари бўйича ўзаро солиштириш ва фарқлар асосида миллий концептуал асосни такомиллаштирилиши зарур.

3. Молиявий активлар ҳисобини ташкил этиш ва юритишда ҳамда ҳисобот бўйича услубий ўзгаришлар амалга ошириш зарур бўғинлар мавжуд. Услубий ўзгаришлар билан молиявий активлар ҳисоби ва ҳисоботи халқаро стандартларга ҳамда халқаро илғор амалиётларга мувофиқлаштиришга эришилади.

4. Молиявий актив ҳисоби ва ҳисоботи бўйича услубий таклифлар пул, маблағларини, олинадиган счётларни ва улар билан боғлиқ бошқа объектларни иқтисодий таҳлил қилишни такомиллаштиришга олиб келади. Пул маблағларини эркин ва чекланган тавсифга, олишга тегишли счётларни савдо ва носавдо йўналишларда таҳлил қилиш услуби ва у бўйича кўрсаткичлар таклиф қилинмоқда.

7. Пандемия шароитида ҳисоб объектлари ва уларнинг таҳлил қилиш услубларига, шу жумладан молиявий активлар услубларига ҳам фавқулодда тарзда ноодатий ёндашувлар асосда ўзгартиришлар киритишнинг мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди.

8. Молиявий активлар ҳисоби ва ҳисоботини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳамда ривожланган илғор халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш йўналишлари таклиф қилинди.

II БОБ. МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ ҲАМДА УЛАРНИ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

2.1. Пул маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда уларни халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш

Хўжалик юритувчи субъектларнинг жами активлари таркибида энг муҳим молиявий активлардан бири бу - пул маблағларидир. Чунки, бизнес фаолиятида капитал айланишини дастлабки босқичи чиқим ёки харажат тарзида пул маблағлари сарфидан бошланади ҳамда якуний босқичида эса сотишдан тушум ёки даромад олинishi шаклида пул маблағларини кирими билан якунланади. Мазкур жараён субъектларнинг одатдаги бизнес фаолиятида узлуксиз давом этади. Капитал айланишнинг таъминот, ишлаб чиқариш, муомала босқичларида ҳар бир босқични меъёрида амалга ошириш учун ҳам субъектга етарли пул маблағлари зарур бўлади.

Бундай мураккаб вазифани тизимли комплекс ва хронологик амалга ошириш, жараёнлардаги пулга бўлган эҳтиёжни талаб даражасида муаммосиз қондира олиш, фаолиятда пул маблағларини айланишини мақсадга мувофиқлигини таъминлаш пул маблағлари ҳаракатини бошқарилишини илмий асосда ташкил этиш ва юритилишини талаб этади. Бизнес жараёнидаги ушбу объектни тўғри бошқариш усулларида бири - пул маблағларини ҳаракати ва ҳолати тўғрисидаги аҳамиятли маълумотлар ёки ахборотларни шакллантириб, улар асосида тегишли қарорларни қабул қилиш механизмини йўлга қўйишдир. Шакллантирилган маълумотлар ва олинган ахборотлар бизнес қарорларини қабул қилишга манба бўлади. Асосланган бизнес қарорлари эса навбатдаги фаолият самараси учун заминдир. Демак, бу борада “...пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш” ҳар бир хўжалик субъект учун долзарб вазифадир⁵¹.

Яна, пул маблағи “... энг ликвид актив ҳамда алмашувнинг стандарт

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли [Фармони](#)га 1-илова “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”. <https://lex.uz/docs/3107036>

воситаси...” бўлгани учун⁵², хўжалик юритувчи субъектда унинг ўз вақтида етарлича бўлиши молиявий актив сифатида бошқа зарур ресурсларни (активларни) сотиб олиш ёки алмашув, шунингдек муддати келган мажбуриятларни тўлаш учун мавжуд имконият ҳамда муомалаларни амалга ошириш ҳуқуқини беради. Демак, молиявий активларнинг ушбу турини тўғри бошқариш хўжалик юритувчи субъектга бозордан эҳтиёжига зарур бўлган бошқа ресурсларни ўз вақтида жалб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун аҳамиятлидир ва субъектнинг рақобатбардошлигини ҳам белгилаб туради.

Мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектларни ташқи бозорларга чиқиши, хорижий ҳамкорларни мамлакатимизга кириб келиши ҳам молиявий ҳисоботда ахборотларнинг халқаро даражада қабул қилинган стандартлар асосида акс эттирилишини талаб қилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларда пул мабғлари ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ёки иқтисоди ривожланган мамлакатлар тажрибалари асосида ташкил этиш ва юритиш бугунги кундаги амалга оширилиши шарт бўлган тадбирлардан биридир. Айниқса, пул маблағлари ҳисобини халқаро тажрибалар асосида ташкил қилишда бир қатор муаммолар борки, уларнинг мақбул ҳал этилиши бугунги кунда ўз ечимини кутиб турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби бўйича миллий адабиётларда пул маблағи ҳисобига оид фикрлар деярли бир хил мазмун ва тартибда берилган. Улар асосан мамлакатимизда амалдаги ҳамда соҳага тегишли расмий ҳужжатларда келтирилган тушунтиришлар тарзида ёзилган⁵³. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома”га 2-иловада пул маблағлари ҳисоби куйидаги счётларда олиб борилиши ва уларда ҳисоб юритиш тартиби ёритилган:

⁵² Donald E. Kieso, J. Weygandt, Terry D. Warfield. INTERMEDIATE ACCOUNTING. John Wiley & Sons, USA. 2004. 314 p.

⁵³ Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик.-Т.:“Шарк”, 2004. 299 б., Норбеков Д.Э., Махмудов А.Н., Мухаммедова Д.А. Бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. Т.:“Иқтисод-Молия”, 2018. 26 б.

5000-Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;
5100-Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;
5200-Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;
5500-Банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;
5600-Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётлар;
5700-Йўлдаги пул маблағ (ўтказма)ларини ҳисобга олувчи счётлар⁵⁴.

Барча хўжалик юритувчи субъектлар юқорида кўрсатилган счётлар режаси асосида пул маблағлари ҳисобини ташкил этилади ва юритилади.

Ўзбекистондаги бухгалтерия ҳисоби тизимида пул ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳисоби ҳамда ахборотларни молиявий ҳисоботда акс эттириш масалалари бу борадаги умум эътироф этилган халқаро тажрибалардаги айрим концептуал тартиблардан фарқ қилувчи томонларга эга.

МДҲ мамлакатларидаги бухгалтерия ҳисоби соҳасининг етакчи олимларининг пул маблағлари ҳисоби масаласидаги фикрлари республикамиз олимларининг фикрлари билан жиддий фарқ қилмайди⁵⁵. Бунинг сабаби МДҲ мамлакатларининг яқин тарихида соҳа ривожланишидаги методологик асосларнинг бир бўлганлиги ҳамда бозор иқтисодиётига деярли бир вақтда ўта бошлаганлигидадир. Ҳозирги кунда эса мазкур давлатларда жаҳон мамлакатлари томонидан соҳага тегишли умум эътироф этган методология ва стандартларга ўтиш тенденцияси тезлашмоқда. Шунинг учун ҳам, эълон қилинаётган соҳага доир фикрлар бир-биридан кескин фарқ қилмайди. Бунинг асоси эса мазкур мамлакатларда янгидан қарор топаётган иқтисодий муносабатлар, фойдаланувчиларнинг молиявий ахборотларга бўлган талаблари ва шу каби жиҳатларни ўзаро ўхшаш томонларига эга эканлигидир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС №21) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисоботлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома», Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган. <https://www.lex.uz/docs/809350>

⁵⁵ Гетьман В.Г., Керимов В.Э., Бабаева З.Д., Неселовская Т.М. Бухгалтерский учет. Учебник.-М.: Инфра-М, 2012. 218 с., Вещунова Н.Л. Бухгалтерский и налоговой учет. Учебник. -М.: Проспект, 2009. 85 с., Вахрушина М.А., Пласкова Н.С. Анализ финансовой отчетности: учебник.-М.: Вузковский учебник, 2008. 367 с.

декабрдаги “Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоидалари” 140-сонли буйруғининг 1-иловасида, “Бухгалтерия баланси” 1-сонли шаклда, хўжалик юритувчи субъектларнинг “Пул маблағлари” қуйидаги тартибда акс эттирилиши белгилаб берилган (4-жадвал).

4-жадвал

Бухгалтерия баланси - 1-сонли шаклдан кўчирма⁵⁶
“NAMANGANDONMAXSULOTLARI” акциядорлик жамияти
кўрсаткичлари бўйича

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
Пул маблағлари, жами (сатр. 330+340+350+360), шу жумладан:	320	2678789	11928497
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330		
Ҳисоблашиш счётидаги пул маблағлари (5100)	340	11513	2682091
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350		
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700)	360	2667276	9246406

1-сонли шаклдан кўришиб турибдики, хўжалик юритувчи субъектларга тегишли пул маблағларининг барчаси тўлиқ таркибда ҳамда муайян тартибда ҳисобот даври бошига ва охирига кўрсатиб берилади. Мазкур ахборотлардан фойдаланувчилар ўз мақсадларига кўра фойдаланадилар.

Тадқиқот давомида маълум бўлдики, ривожланган мамлакатлар олимларининг пул маблағлари ҳисоби масаласида қарашлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидаги принциплар ёки халқаро тажрибалар асосида шакллантирилгани учун миллий тизимдаги бу борадаги ҳисоб тартибларидан фарқ қилувчи жиҳатларга эга.

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоидалари”. <https://lex.uz/docs/821320>

Халқаро тажрибада пул маблағларини зарур компонентлар бўйича ажратиб ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузиш муҳимлигини ёқлаб ўз қарашларини баён қилган олимлар бор⁵⁷. Чунки, мазкур ёндашув хўжалик юритувчи субъектларда тегишли фаолият бўйича келгусидаги пул маблағлари оқимини олдиндан башоратлаш имкониятини оширишга хизмат қилади. Энг асосийси, хўжалик юритувчи субъектлардаги пул маблағларини мавжудлиги ва ҳолати бўйича, ҳам умумлашган, ҳам аналитик маълумот ва ахборотларни беришга мўлжалланган. Бу эса ахборотдан фойдаланувчиларни пул маблағлари ҳаракати ва ҳолатидан келиб чиқадиган ёки улар тегишли бўлган ҳисоб объектлари бўйича қабул қиладиган қарорларининг асосли бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Таъкидлаш керакки, пул маблағлари ҳисоби ҳамда ҳисоботи масаласида миллий ҳисоб тизимидаги ҳамда халқаро тажрибалардаги фарқларни камайтириш ёки уларни бир хил шакл ва мазмунга келтиришдан мақсад ушбу объектлар тўғрисидаги маълумотларни ривожланган бозор муносабатларидаги молиявий ахборотлардан фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот ахборотларига бўлган талабарига мувофиқлаштиришдир. Бу билан миллий ва халқаро майдондаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ахборотларидан фойдаланувчиларига шакл ҳамда мазмуни бир хил бўлган, таснифи, баҳолаши ҳамда акс эттириш тартиби халқаро даражада қабул қилинган принциплар асосида ишлаб чиқилган ахборотлар тақдим этишга эришилади.

Эътибор бериб қаралса, амалдаги бухгалтерия балансида пул маблағлари тўғрисида акс эттирилган ахборотларда халқаро тажрибаларда мавжуд бўлган пул маблағларини чекланмаган ва чекланган тавсиф касб этишига кўра тасниф қилиб берилмаган.

⁵⁷ Donald E. Kieso, J. Weygandt, Terry D. Warfield. INTERMEDIATE ACCOUNTING. John Wiley & Sons, USA. 2004. 251; 313 p.
Shadi Farshadfar, Reza Monem. Further Evidence on the Usefulness of Direct Method Cash Flow Components for Forecasting Future Cash Flows. The International Journal of Accounting. Volume 48, Issue 1, March 2013, Pages 111-133. <https://doi.org/10.1016/j.intacc.2012.12.001>

Таъкидлаш керакки, халқаро тажрибаларга кўра хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёридаги барча пул маблағлари улардан эркин фойдаланиш имкониятига кўра чекланмаган ва чекланган тавсиф касб этади⁵⁸.

Субъект ихтиёридаги пул маблағларидан бизнес фаолиятининг турли мақсадларида эркин фойдаланиш имконияти мавжуд бўлса бундай пул маблағлари чекланмаган тавсиф касб этади.

Аммо, субъект ихтиёридаги пул маблағлари фақат алоҳида белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун ажратилган ёки белгиланган бўлса, шунингдек, муайян шартлар бажарилмасдан туриб пул маблағларидан турли мақсадлар учун эркин фойдаланиб бўлмаса, мазкур турдаги пул маблағларини фаолиятнинг турли йўналишларига сарфлаш имконияти чекланган бўлади. Демак, бундай турдаги пул маблағлари фақат алоҳида белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун фойдаланишга мўлжалланганлиги билан чекланган тавсифга эга эканлигини намоён қилади.

Бухгалтерия балансида пул маблағлари тўғрисида маълумотларни акс эттиришда ёки тушунтириш шаклидаги тақдим этишда, албатта, мазкур тартиб эътиборга олинishi зарур. Чунки, пул маблағлари молиявий актив сифатида бошқа зарур ресурсларни (активларни) сотиб олиш ёки алмашув, шунингдек, муддати келган мажбуриятларни тўлаш учун мавжуд муомалаларни амалга ошириш ҳуқуқи ва имконияти қанчалигини кўрсатиб беради. Яъни, муайян хўжалик юритувчи субъектда мавжуд бўлган жами пул маблағлари таркибида чекланмаган тавсифдаги эркин фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган пул маблағлари салмоғини юқори бўлиши бизнес ташкилотини бошқа зарур ресурсларни (активларни) сотиб олиш ёки алмашув, шунингдек, муддати келган мажбуриятларни тўлаш учун мавжуд муомалаларни амалга ошириш ҳуқуқи ва имконияти кўп бўлишини билдиради ёки, субъект ихтиёридаги мавжуд бўлган жами пул маблағлари таркибида фақат алоҳида белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун ажратилган ёки белгилаб қўйилган,

⁵⁸ Donald E. Kieso, J. Weygandt, Terry D. Warfield. INTERMEDIATE ACCOUNTING. John Wiley & Sons, USA. 2004. 174; 316 p.

шунингдек муайян шартлар бажарилмасдан туриб пул маблағларидан турли мақсадлар учун эркин фойдаланиб бўлмайдиган чекланган тавсифга эга пул маблағлари салмоғини сезиларли миқдорда бўлиши бизнес ташкилотини бошқа зарур ресурсларни (активларни) сотиб олиш ёки алмашув, шунингдек муддати келган мажбуриятларни тўлаш учун мавжуд муомалаларни амалга ошириш ҳуқуқи ва имконияти қанчалик кам эканлигини кўрсатиб беради.

Бу эса пул маблағларини ҳаракати ва ҳолати тўғрисидаги шакллантирилган маълумот ва ахборотлар асосида тегишли бизнес қарорларини қабул қиладиган фойдаланувчилар учун сифатли ва тўғри бўлган манба ҳисобланади. Демак, маълумотларни ушбу тартибда шакллантириш хўжалик юритувчи субъектни молиявий ҳолатини ўрганишда жуда кўп масалаларни аниқлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, тўловга лаёқатлилиқ кўрсаткичларини аниқ ҳисоблашда ҳам.

Таъкидлаш керакки, чекланган тавсифидаги пул маблағларидан корхонанинг барча турдаги қисқа муддатли мажбуриятларни тўлаш учун фойдаланиб бўлмайди.

Иқтисоди ривожланган мамлакатлардаги хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия балансида чекланган тавсифидаги пул маблағлари сезиларли аҳамиятга эга бўлса, улар жами пул маблағлари моддаси таркибига қўшилмайди, балки алоҳида модда тарзида (мўлжалланганлиги мақсадидан келиб чиқиб жорий активлар ёки узоқ муддатли активлар таркибида) ажратилиб акс эттирилади ва унга ҳисоботнинг илова қисмида қўшимча тушунтиришлар ёзилади.

Агарда, бухгалтерия балансида чекланган тавсифдаги пул маблағлари жами пул маблағлари моддаси таркибида акс эттирилса, у ҳолда молиявий ҳисоботнинг илова қисмида чекланган тавсифдаги пул маблағларининг қиймати, улар нималардан иборат эканлиги, қандай шартлар асосида улардан фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида тушунтиришлар ёки изоҳлар берилади.

Маълум бўлдики, миллий бухгалтерия ҳисобида пул маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи бўйича яна бир жиддий камчилик мавжуд. Пул ва унга

тенглаштирилган маблағларнинг ҳисобга олувчи айрим счётларнинг номланиши ва тайинланиши ҳамда уларни молиявий ҳисоботда акс эттирилиши бизнес фаолиятида шу ном билан содир бўладиган иқтисодий муносабатларнинг барчасини ўзида қайд этмайди ва шакллантира олмайди. Бунинг сабаби айнан амалдаги баъзи меъёрий ҳужжатларда, хусусан пул ва унга тенглаштирилган маблағларнинг ҳисобга олувчи счётларни қўллаш бўйича ёзилган амалдаги йўриқномада яққол кўзга ташланади.

Мисол учун, 5600-Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётлар. Ушбу 5610-Пул эквивалентлари (турлари бўйича) счётида маркалар, патталар ва бошқа пул эквивалентлари номинал қиймати бўйича ҳисобга олинади, деб кўрсатилган.⁵⁹ Бироқ, амалдаги Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот (9-сонли БҲМС) номли миллий стандартида - “Пул эквивалентлари - маълум пул маблағига тез ва осон алмаштириладиган ҳамда қийматидаги ўзгаришлар туфайли бироз хатари бўлган қисқа муддатли, юқори ликвидли инвестициялар (молиявий қўйилмалар)”, “Пул маблағи эквивалентларидан асосан инвестициялар ва бошқа мақсадлар учун эмас, балки фақат қисқа муддатли мажбуриятлар бўйича тўловлар учун фойдаланилади. Инвестицияларни пул эквиваленти деб ҳисоблаш учун улар эркин равишда нақд пулга айлантириладиган бўлиши ва қийматининг ўзгаришида бироз хавф бўлиши лозим. Шу сабабли инвестиция қисқа муддатда тўланадиган бўлса, яъни харид қилинган пайтдан бошлаб тахминан уч ой ичида тўланадиган бўлса, уни пул эквиваленти деб ҳисоблаш мумкин бўлади,” деб кўрсатилган.⁶⁰

Худди шу жойда қуйидаги тушунтиришга эътибор қаратамиз. Корхонанинг бошқа корхоналар қимматли қоғозларига қилинган қисқа муддатли (бир йил муддатдан кўп бўлмаган) инвестициялари (қўйилмалар) давлат қарзларининг фоизли облигациялари, бошқа корхоналарга берилган қарзлар ва бошқаларнинг нақдлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС №21) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисоботлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома», Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган. <https://www.lex.uz/docs/809350>

⁶⁰ 9-сонли БҲМС “Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот”

умумлаштириш қуйидаги “Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар” да, яъни (5800) счётда амалга оширилади. Жумладан:

5810 “Қимматли қоғозлар” счётида акцияларга, давлат қарзларининг фоизли облигацияларига ва бошқа қимматли қоғозларига қўйилган қисқа муддатли инвестицияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

5820 “Берилган қисқа муддатли қарзлар” счётида корхонанинг бошқа корхоналарга қисқа муддатга берган пулли ва бошқа қарзларининг ҳаракати ҳисобга олинади.

5890 “Бошқа жорий инвестициялар” счётида корхоналарнинг банк ва бошқа омонатларга сўмда ва чет эл валютасидаги қўйилмаларининг ҳаракати ҳисобга олинади.

Бу йўриқномадаги тушунтиришларда пул эквивалентлари ва қисқа муддатли инвестициялар бир бирларидан яққол мезонлар ёки белгилар асосида ажратиб берилмаган. Натижада, аниқ муомала натижасида юзага келган молиявий активни қайси счётга олиб бориш керак деган муаммо пайдо бўлаверади. Чунки, ушбу тушунтириш ва кўрсатмадан келиб чиқадиган бўлсак, 21-сонли БХМС нинг 5800-Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётида 5600-Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётига таққослаганда кўпроқ миқдорда ва турда пул эквивалентлари мавжуд бўлади ёки мавжуд бўлиш эҳтимоли юқори. 5600-Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётларда хўжалик муносабатларида мавжуд бўладиган пул эквивалентларининг фақат айрим турларигина қайд этилади ва шакллантирилади.

Пул эквивалентларининг чаққон ва асосий тури 5800-Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларда қайд этилиши мумкин. Кўриниб турибдики, пул эквиваленти тўғрисидаги молиявий ахборот 5600-Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётларда қайд этилиши кўрсатилган ҳолатда, мазкур турдаги ахборот 5800-Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларда ҳам қайд қилинмоқда. Ушбу ҳисоб тизимидаги счётда расмий ном билан мазмунни бир-бирларига мос келмаслик ҳолати молиявий ҳисобот тузишда, молиявий ахборотлардан тўғри фойдаланишда бир

қатор қийинчилик ва тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Кўпчилик ҳолларда пул эквивалентлари қисқа муддатли инвестиция мазмунига эга эканлиги, бошқа томондан эса қисқа муддатли инвестицияларнинг пул эквивалентлари сифатида қўллана олиши уларни ҳисобга олинишида турлича ёндашувларга сабаб бўлди. Пул эквивалентларининг ҳам, қисқа муддатли инвестицияларнинг ҳам асосан қимматли қоғозлар шаклига эга эканлиги ҳам уларнинг фарқлаб олишни яна ҳам қийинлаштиради. Лекин бу масалага ойдинлик киритилиши хўжалик амалиётини аҳамиятига эга.

Кўришиб турибдики 5800 - Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларда қайд этилган умумлашган маълумотлар ҳамда амалдаги бухгалтерия балансининг 370 сатрида тақдим қилинган ахборотда қимматли қоғозларга қилинган инвестициянинг қанчаси уч ойгача (қисқа) ёки уч ойдан бир йилгача (жорий) эканлиги ажратилиб кўрсатилмайди, шунингдек, уларнинг қайси бири ҳамда қанчаси осон пул маблағига айлана олиши ҳам номаълумлигича қолади. Демак, ахборотдан фойдаланувчилар пул эквивалентлари тўғрисидаги тўлиқ ахборотни кўшимча сўровлар ҳамда ҳисоб-китоблар асосида олишга мажбурлар.

Таъкидлаш лозимки, бу борада бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ҳамда иқтисоди ривожланган мамлакатлар тажрибасида анчагина батафсил кўрсатмалар мавжуд.

МҲҲС (IFRS) ҳамда УҚБТ (GAAP, АҚШ) тушунтиришларига кўра пул маблағларининг эквивалентлари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- банкдаги омонатлар;
- депозит сертификатлари;
- пул бозоридаги молиявий инструментлар;
- корпоратив облигациялар;
- давлат облигациялари;
- евробондлар;

- банк овердрафтлари⁶¹.

Банк овердрафтлари бўйича бир муҳим ҳолат мавжуд. Хўжалик юритувчи субъект пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботида “Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари” таркибига банк овердрафтидаги кредит балансини киритади, аммо молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда банкнинг овердрафт суммаси жорий мажбуриятлар тарзида акс эттирилади ва мазкур ҳолат молиявий ҳисоботга изоҳларда тушунтириб берилади.

Хўжалик юритувчи субъектда қайси молиявий актив пул маблағлари эквивалентлари ёки қисқа муддатли инвестициялар таркибида акс эттирилиши керак деган саволга 7-сонли БҲХС нинг 7-бандида қуйидагича кўрсатма берилган.⁶²

Пул маблағларининг эквивалентлари инвестиция ёки бошқа мақсадлар учун эмас, балки қисқа муддатли мажбуриятлар бўйича тўловларни амалга ошириш мақсадида ушлаб турилади. Инвестицияни пул эквиваленти деб ҳисоблаш учун, у белгиланган суммадаги пул маблағига осон айлантириладиган ва қийматидаги ўзгаришлар rischi сезиларсиз даражада бўлиши лозим. Шу сабабли, инвестиция одатда унинг сўндириш муддати қисқа бўлсагина, яъни харид қилинган пайтдан бошлаб тахминан уч ой ёки ундан кам муддат ичида тўланадиган бўлса, пул маблағларининг эквиваленти деб ҳисобланиши мумкин. Мисол учун, бондлар, облигациялар, депозит сертификатлари ва бошқа юқори ликвидли молиявий инвестициялар.

Башарти, субъектнинг қисқа муддатли инвестициясининг юқори кредит-риск (яъни контрагент мажбуриятини ёпа олмаслик рискига) мавжуд бўлса ёки юзага келса, у ҳолда бу турдаги қисқа муддатли инвестициясини пул маблағлари эквиваленти таркибига киритиб бўлмайди.

Яна, 7-сонли БҲХС нинг 7-бандида улушли инвестициялар (капиталга, акцияларга, уставдаги улушга киритилган) пул эквивалентлари таркибига киритилмайди, балки қисқа ёки узоқ муддатли инвестициялар деб қаралади.

⁶¹ Ж.Умаров. 7-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти: Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот. <https://buxgalter.uz/uz>

⁶² 7-сонли БҲХС “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”

Бироқ, мазкур қарашда пул маблағларининг эквивалентлари бўлган ҳолатлари истисно қилинади. Мисол учун сўндирилишига қисқа муддат қолганда сотиб олинган ва сўндирилиш муддати аниқ белгиланган имтиёзли акциялар. Бундай тавсифнинг сабаби, уларда доимо қиймат ўзгаришини риски юқори бўлади.

Тадқиқот иши натижаларидан келиб чиқиб миллий ҳисоб тизимидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари ҳисобини МҲҲС ва иқтисоди ривожланган мамлакатларда амалда бўлган стандартларга мослаштириш ёки яқинлаштириш мақсадида қуйидаги ўзгаришларни амалга ошириш таклиф этилади.

Миллий ҳисоб тизимидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари, қисқа муддатли инвестиция ҳисобига оид таклифлар қуйидаги жадвалда келтириб ўтилган. (5-жадвал)

5-жадвалда кўриниб турибдики, 5600-Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётлар таркибан кўпайтирилган, яъни тегишли суб счётлар белгиланиши таклиф қилинди. Бу билан халқаро стандартдаги, халқаро тажрибадаги, қолаверса миллий ҳисоб тизимидаги пул эквивалентлари деб тан олинган барча молиявий активларни ҳаракати ва ҳолатини, ҳам уларнинг турлари, ҳам умумлашган тарзда аниқ ҳисобга олиш таъминланади. Мазмунан бир турдаги пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётлар (5610-; 5620-) бўйича аналитик ҳисоб, мазкур суб счёт таркибига кирувчи пул эквивалентлари турлари бўйича юритилади.

Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи 5610-“Қимматли қоғозлар” суб счёти пул бозоридаги молиявий инструментлар, корпоратив облигациялар каби қимматли қоғозлар учун тайинланган.

Таклиф этилаётган пул эквивалентлари счётларининг таркиби ҳамда уларнинг ҳисобда акс эттиришга асос бўлувчи тизимлаштирилган мезонлар⁶³

№	Пул эквивалентлари ва қисқа муддатли инвестициялар счётлари	Пул эквивалентлари ва қисқа муддатли инвестициялар счётларининг таркиби	Пул эквивалентлари ҳамда қисқа муддатли инвестицияларни тан олиш мезонлари							
			Мақсадига кўра		Пул маблағига осон айланишига кўра		Сўндириш муддатига кўра		Қийматидаги ўзгаришлар рискига кўра	
			Қисқа муддатли мажбуриятлар бўйича тўловлар учун	Инвестиция ёки бошқа мақсадлар учун	Тез ва осон	Тез ва осон эмас	3 ой ёки ундан кам муддатда	1 йил ёки ундан кам муддатда	Ўзгармайди ёки сезиларсиз ўзгаради	Сазиларли ўзгариш хавфи mavjud
1.	5600-Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётлар	А) 5610 “Қимматли қоғозлар”	+	-	+	-	+	-	+	-
		В) 5620 “Бошқа пул эквивалентлари”	+	-	+	-	+	-	+	-
2.	5800-Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар	А) 5810 “Қимматли қоғозлар”	-	+	-	+	-	+	-	+
		Б) 5820 “Берилган қисқа муддатли қарзлар”	-	+	-	+	-	+	-	+
		В) 5890 “Бошқа жорий инвестициялар”	-	+	-	+	-	+	-	+

5620-“Бошқа пул эквивалентлари” эса 5610 субсчётида ҳисобга олинмайдиган пул эквивалентларини, яъни маркалар, патталар ва бошқа шу кабиларни номинал қиймати бўйича ҳисобга олади. Бу субсчётларни ажратилишидан мақсад пул эквивалентлари бўйича инвестиция ёки бошқа тижорат фаолиятлари тўғрисидаги маълумотларни алоҳида шакллантириб олишдир.

5-жадвалда пул эквивалентлари ҳамда қисқа муддатли инвестицияларни тан олиш мезонлари тартиб асосида тизимлаштириб берилди. Мазкур мезонлар пул эквивалентларига тегишли муомалаларни Пул эквивалентларини ҳисобга

⁶³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

олувчи счётларда қайд қилиш учун асос ҳисобланади. Мазкур асосларни аниқ кўрсатиб берилиши юқорида қайд этиб ўтилган бу борадаги камчиликларни бартараф этади.

Яна бир муҳим жиҳат, пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётларда пул эквивалентлари номинал қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Башарти 5810-“Қимматли қоғозлар” счётида сотиб олинган облигация ва бошқа қимматли қоғозларнинг сотиб олиш баҳоси уларнинг номинал қийматидан фарқ қилса, у ҳолда сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги ижобий ёки салбий фарқ қўшимча ҳисоб-китоблар билан тўғриланади. Яъни, объектни сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ қопланадиган вақтгача бўлган даврда бартараф этилади.

Таклиф этилган счётлар бўйича амалга оширилган бухгалтерия ўтказмалари мураккаб тасниф касб этмагани учун улар бўйича мисолларни тадқиқот ишида кўрсатилмади.

Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида яна бир муҳим камчилик пул ва унга тенглаштирилган маблағларни бухгалтерия балансида акс эттириш масаласида маълум бўлди. Юқоридаги 4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжалик юритувчи субъектни бухгалтерия балансида пул маблағлари тўғрисидаги маълумотлар бешта (320, 330, 340, 350, 360) сатрларда акс эттирилмоқда. Гарчанд, объект таркиби кенг кўламда берилгани билан, улардан айрим фойдаланувчилар учун бу борадаги зарур ёки аҳамиятли маълумотларни аниқ олиш имконияти йўқ. Мисол учун, махсус мақсадларга мўлжалланган маблағлар тўғрисида ва шу кабилар. Аслида, махсус мақсадларга мўлжалланган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар бизнес қарорларин қабул қилишда жуда ҳам керак бўлади.

Бу борадаги иқтисоди ривожланган мамлакатлар тажрибаларига эътибор берсак, уларда қуйидаги ҳолатларни кўрамиз. Пул ва пул эквивалентлари (Cash and cash equivalents), шунингдек зарур аҳамиятли ҳолатлар учун чекланган пул маблағлари алоҳида модда тарзида берилади. Пул маблағларига тегишли қўшимча маълумотлар молиявий ҳисоботга тушунтиришларда (Note) берилади.

Мавжуд камчиликни бартараф этиш мақсадида қуйидаги таклифларимизни айтиб ўтамиз (6-жадвал).

6-жадвал

Бухгалтерия балансида пул маблағлари тўғрисидаги ахборотларни акс эттириш бўйича билдирилаётган таклифлар⁶⁴

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
Пул маблағлари, жами (сатр. 330+340), шу жумладан:	320	2633789	11928497
Ҳисоблашиш ва чет эл валютасидаги пул маблағлари. Пул эквивалентлари (5100, 5200, 5600)	330	227634	2994393
Чекланган пул маблағлари (5000, 5500, 5700)	340	2406155	8934104

6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики пул маблағлари тўғрисидаги маълумотларни бухгалтерия балансининг тегишли сатрларида таклиф этилаётган шакл ва тартибда акс эттириш бу борадаги халқаро стандартлар ҳамда иқтисоди ривожланган мамлакатлардаги ҳисоб принциплари ва талабларига мос келади. Буни қуйидагича асослаб берамиз.

Таклиф этилган сатрларда хўжалик юритувчи субъектларни жами пул маблағлари тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ акс эттира олади.

330 сатрдаги “Ҳисоблашиш ва чет эл валютасидаги пул маблағлари. Пул эквивалентлари (5100, 5200, 5600)” номли модда хўжалик юритувчи субъектларни бизнес фаолиятида турли мақсадларда эркин фойдалана оладиган чекланмаган таснифдаги пул ва унга тенглаштирилган маблағлар тўғрисидаги ахборотни кўрсатиб беради. Бу ахборотдан фойдаланувчиларга субъектнинг турли мақсадларда эркин фойдалана олиши мумкин бўлган пул ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳажми тўғрисида аниқ ахборотни беради.

340-сатрдаги “Чекланган пул маблағлари (5000, 5500, 5700)” номли модда эса хўжалик юритувчи субъектларни бизнес фаолиятида турли мақсадларда

⁶⁴ “NAMANGANDONMAXSULOTLARI” акциядорлик жамияти кўрсаткичлари бўйича тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

эркин фойдалана олмайдиган, фақат қатъий тайинланган объектлар учун сарфланадиган чекланган таснифга эга пул ва унга тенглаштирилган маблағлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этади.

Ушбу параграф бўйича хулоса қилиб айтиш мумкинки, миллий ҳисоб тизимимиздаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари ҳисобини МҲҲС ва иқтисоди ривожланган мамлакатлардаги бу борадаги стандартларига мослаштириш ёки яқинлаштириш учун қуйидаги ижобий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича таклифлар билдирилди.

1. 5600-Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи сётларни янги таркиби таклиф қилинди.

2. Пул эквивалентларини ҳисобда акс эттиришга асос бўлувчи мезонлар тизимлаштирилди.

3. Бухгалтерия балансида пул маблағлари тўғрисидаги ахборотларни акс эттиришнинг чекланган ва чекланмаган тавсифга асосланган янги тартиби ишлаб чиқилди.

Билдирилган таклифлар бу борада амалда таркиб топган иқтисодий муносабатларга қуйидаги ижобий ўзгаришларни киритади:

- бухгалтерия балансида пул маблағлари моддалари бўйича шаффофлик янада ортади. Яъни, ахборотдан фойдаланувчиларга пул маблағлари бўйича зарур ва фойдали маълумотлар олиш имконияти пайдо бўлади;

- пул маблағлари моддалари бўйича миллий бухгалтерия балансида бериладиган ахборотлар халқаро ҳисоб тизими талабларига мос келиши таъминланади;

- хорижий инвесторлар ёки бошқа ташқи ахборотдан фойдаланувчиларга миллий бухгалтерия балансида пул маблағлари бўйича берилган ахборотларни тушуниши осонлашади;

- маълумотларни етарли бўлиши бизнес фаолиятида ўз вақтида, ишончли ва асосланган қарорларни қабул қилиш имкониятини оширади.

2.2. Олинадиган счётлар ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда уларни халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш

Мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботида тақдим этиладиган маълумотларни шакллантиришда, уларни халқаро стандартлар ёки иқтисоди ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлган тажрибаларга мувофиқлаштириш масаласида қатор жиддий камчиликлар мавжуд. Ушбу фикр тўла маънода миллий ҳисоб тизимимиздаги олинадиган счётлар ёки дебиторлар ҳисоби мавзусига ҳам тегишли. Албатта, бу борадаги барча камчиликларни кўрсатиб, улар тўғрисида муносабат билдиришни тадқиқот ишининг бир параграфи доирасида амалга ошириш имконияти йўқ. Шу сабабли фикримизни параграф номланишидаги энг муҳим масалалар деб белгиланган ҳисоб объектларига қаратамиз.

Миллий бухгалтерия ҳисобида олинадиган счётлар ёки дебиторлар ҳисоби амалдаги счётлар режасида икки гуруҳга ажратилиб ҳисобга олиниши белгилаб берилган. Шундан, счётлар режасининг биринчи қисмида “Узоқ муддатли активлар” таркибидаги “Асосий воситалар, номоддий ва бошқа узоқ муддатли активлар” деб номланган биринчи бўлимида “Узоқ муддатли дебитор қарзлари ва кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар” (0900) хўжалик юритувчи субъектларда узоқ муддатли дебитор қарзларни ҳисобга олиш учун белгиланган.

Счётлар режасининг “Жорий активлар” деб номланувчи иккинчи қисми IV бўлимда “Олинадиган счётлар - жорий қисми” даги счётлар эса хўжалик юритувчи субъектлардаги дебитор қарзларнинг жорий қисмини ҳисобга олиш учун фойдаланилади. Улар қуйидагилардан иборат:

4000 - Олинадиган счётлар;

4100 - Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар;

4200 - Ходимларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар;

4300 - Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар;

4400 - Бюджетга бўнак тўловларини ҳисобга олувчи счётлар;

4500 - Мақсадли давлат жамғармаларига ва суғурталар бўйича бўнак тўловларини ҳисобга олувчи счётлар;

4600 - Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзини ҳисобга олувчи счётлар;

4700 - Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзини ҳисобга олувчи счётлар;

4800 - Турли дебиторлар қарзларини ҳисобга олувчи счётлар;

4900 - Даргумон қарзлар бўйича резервни ҳисобга олувчи счётлар.⁶⁵

Амалдаги миллий молиявий ҳисоботнинг 1-сон шакли “Бухгалтерия баланси” да узоқ муддатли дебиторлик қарзи қуйидаги тартибда акс эттирилади (7-жадвал).

7-жадвал

**Молиявий ҳисоботнинг 1-сон “Бухгалтерия баланси”
шаклидан кўчирма⁶⁶**

Кўрсаткичлар номи	Сатр рақами	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
АКТИВ			
Узоқ муддатли дебиторлик қарзи	110		
Шулардан: дебиторлик қарзини муддати ўтган қисми	111		

Мазкур “Бухгалтерия баланси”нинг “Жорий активлар” бўлимида акс эттириладиган жорий дебиторлик қарзларини тақдим этиш тартиби қуйидаги 8-жадвалда кўрсатилган.

Фикримизни 8-жадвалда келтирилган “Бухгалтерия баланси”нинг 210 сатрида жойлашган активларни “Дебиторлар” деб номланганлигини муҳокама қилишдан бошлаймиз. Бизнинг республикамиз ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи айрим давлатлар ҳисоб тизимидаги молиявий ҳисоб ва ҳисоботларда “Дебитор(лар)” термини қўлланилади.

⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС №21) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисоботлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома», Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган. <https://www.lex.uz/docs/809350>

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоидалари”. <https://lex.uz/docs/821320>

**Молиявий ҳисоботнинг 1-сон “Бухгалтерия баланси”
шаклидан кўчирма⁶⁷**

“UCHQO’RG’ON-YOG’” акциядорлик жамияти кўрсаткичлари бўйича

Кўрсаткичлар номи	Сатр рақами	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
АКТИВ			
Дебиторлар, жами (220+240+250+260+270+280+290+300+310 сатрлар)	210	7859124.00	15333847.00
Шулардан: дебиторлик қарзини муддати ўтган қисми	211	971255.00	1039308.00
Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	220	1344993.00	4438011.00
Алоҳида бўлинмаларнинг қарзлари (4110)	230		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзлари (4120)	240		
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	250		300.00
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300)	260	3053731.00	6966677.00
Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	270	3458445.00	3904653.00
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500)	280	1509.00	
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзлари (4600)	290		
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзлари (4700)	300		
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310	446.00	24206.00

Иқтисоди ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектларни молиявий ҳисобот шаклларида “Дебитор(лар)” (Debtor(s)) термини қўлланилмайди, балки унинг ўрнига “Олинадиган сёт(лар)” (Receivable(s)) тушунчаси ишлатилади.

Қайд ўтиш керакки, мамлакатимизда молиявий ҳисобда фойдаланиладиган амалдаги сётлар режасининг IV-бўлими “Олинадиган

⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоидалари”. <https://lex.uz/docs/821320>

счётлар - жорий қисм” деб номланган.⁶⁸ Лекин, нимагадир мазкур номланиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига 1-сонли илова: “Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича қоидалар” да келтирилган “Бухгалтерия баланси” шаклини тўлдириш бўйича кўрсатмаларида акс этмаган.

Молиявий ҳисобот шакллари тузиш ва тақдим қилишнинг халқаро тажрибаларини амалдаги тартибларидан келиб чиқиб ҳамда бизнинг фикримизча ҳам республикамиз ҳисоб тизимидаги молиявий ҳисоботнинг 1-сон шакли “Бухгалтерия баланси”нинг “Жорий активлар” бўлимида акс этириладиган “Дебиторлар” номли модда (210 сатр) “Олинадиган счётлар - жорий қисм” деб номланиши мақсадга мувофиқ. Бундай хулосага келишнинг асослари куйидагичадир:

Биринчидан. “Олинадиган счётлар” термини хўжалик юритувчи субъектларда юзага келадиган барча юридик ёки жисмоний шахслардан, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг ажратилган бўлинмаларидан савдо ҳамда бошқа муомалалардан келиб чиқадиган олишга тегишли қарз суммаларини ифода этади. Ушбу тушунча кенг кўламдаги тавсифга эга.

“Дебитор(лар)” тушунчаси эса халқаро ҳисоб тизимида кўп жиҳатдан, фақат хўжалик юритувчи субъектни савдо ва носавдо фаолиятдан келиб чиқадиган олишга тегишли қарзлар миқдорини акс этириш учун қўлланилади. Мазкур терминлардан фойдаланилганда хўжалик юритувчи субъектнинг олишга тегишли бошқа барча маблағлари назарда тутилмайди. Демак, дебиторлар тушунчаси хўжалик юритувчи субъектнинг олишга тегишли маблағларининг барча турини қамраб олмайди. Шунинг учун у мазмунан тор доира касб этади.

Фикримизнинг далили сифатида 8-жадвалда 210 сатр қаторидаги ҳамда 210 сатрдан то 310 сатр оралиғидаги жами дебиторларни таркибий тузилишини келтириб ўтамиз. Эътибор берилса 210 сатрдаги “Дебиторлар, жами”

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС №21) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисоботлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома», Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган. <https://www.lex.uz/docs/809350>

220+240+250+260+270+280+290+300+310 сатрлардаги маълумотлар йиғиндисидан ташкил топмоқда. Бироқ, ушбу йиғинди таркибга 230 сатрдаги “Алоҳида бўлинмаларнинг қарзлари” киритилмаган. Шу ҳолатнинг ўзи ҳам “Олинадиган счётлар” тушунчасини мазмунини “Дебиторлар, жами” моддасидан кенг эканлигини кўрсатиб бермоқда.

Таъкидлаш керакки, 210 сатрдаги “Дебиторлар, жами” таркибидаги 220+240+250+260+270+280+290+300+310 сатрлардаги турли дебиторларнинг барчаси хўжалик юритувчи субъектнинг фақат тижорат фаолиятдан келиб чиқадиган олишга тегишли қарз маблағлари тавсифига эга эмас. Бунинг таркибида савдо тавсифига эга бўлмаган бошқа муомалалар натижасидан келиб чиқадиган олишга тегишли маблағлар ҳам акс этган. Демак, миллий ҳисоб тизимида амалдаги дебиторлар таркибини тақдим этишни халқаро талабларга мувофиқлаштириб таснифлаш ҳам молиявий ҳисоб ва ҳисоботда амалга ошириладиган аҳамиятли тадбирлардан бири экан.

Иккинчидан. Сўнгги йилларда республикада йирик турдаги, хорижий ҳамкорлар билан биргаликда фаолият кўрсатаётган ёки келгусида улар билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг молиявий ҳисоботларини Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида тузиб ҳамда инглиз тилига таржима қилиб чет эллик фойдаланувчиларга тақдим этмоқдалар. Худди шу жойда яна бир муаммо юзага чиқмоқда. Башарти, “Дебитор” термини инглиз тилига тўғридан-тўғри Debtor деб таржима қилинса, ахборотдан фойдаланувчи хорижлик ҳамкорлар ушбу термин ва унда акс этган ахборотни ўз қарашлари билан тушунадилар. Натижада, мазкур ҳолат бизнес фаолиятида айнан мазкур ҳисоб объекти асосида ёки уни иштирокида тегишли қарорлар қабул қилишга салбий таъсир қилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. “Олинадиган счётлар”ни “Receivables” деб таржима қилиниши келажакда ҳеч қандай тушунмовчиликни келтириб чиқармайди.

Бу борадаги яна бир муаммо. Муаммо 8-жадвалдаги 220 сатр “Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари (4000 дан 4900 нинг айирмаси)”

моддасининг номланиши ва унинг мазмунида намоён бўлади. Мазкур номланишдаги “4000 дан 4900 нинг айирмаси” жумласига эътибор қаратамиз. Таъкидлаш керакки, миллий мутахассислар мазкур жумлада нима назарда тутилганини биладилар. Бироқ, мазкур маълумотдан фойдаланувчи хорижлик мутахассис ёки инвестор бу жумлани қандай тушунсин. Ахир уларда бизнинг ҳисоб тизими бўйича етарли билим ёки амалиёт мавжуд эмас. Қолаверса, бизнинг амалдаги БҲМСлари, МҲХСлари билан бошқа ривожланган ёки ривожланаётган мамлакатлардаги каби ўзаро уйғунлашиб кетган эмас.

Тўғри, миллий ҳисоб тизимиздаги “Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича қоидалар”да “Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзи” моддаси бўйича (220-сатр) буюртмачилар (харидорлар)га сотилган маҳсулот, товарлар, топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун қарз кўрсатилади, бунда шубҳали қарзлар бўйича резерв чегирилади” деб кўрсатма берилган.⁶⁹ 220-сатрдаги “4000 дан 4900 нинг айирмаси” жумласи мазмуни қоидадаги кўрсатмани ифодаси тарзида ёзилмоқда. Бироқ “Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзи” (4000 дан 4900 нинг айирмаси) моддасини (220-сатр) бундай тарзда ифодалаш молиявий ахборотдан фойдаланувчи хорижий ҳамкор ёки бу борадаги бошқа чет эллик қизиқувчилар учун мураккаб тавсиф касб этади.

Молиявий ҳисоботда маълумотларни акс эттириш ҳамда тақдим этишнинг халқаро тажрибаларида республикамиз ҳисоб тизимида амалдаги молиявий ҳисоботнинг 1-сон шакли “Бухгалтерия баланси”нинг “Жорий активлар” бўлимида акс эттириладиган 220 сатр “Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари (4000 дан 4900 нинг айирмаси)” деб номланган модда “Харидорлардан олинадиган счётлар, соф қийматда”(Trade receivable, net) ёки “Харидорлардан олинадиган счётлар, даргумон қарзлар бўйича резерв суммаси айирилган ҳолда” (Trade receivables, less allowance for doubtful accounts of “summa”) деб ёзилади. Бундай номланиш мазкур модда мазмунини тўғри ва

⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоидалари”. [2, 2-§.] <https://lex.uz/docs/821320>

содда тарзда ифодалайди ҳамда барчага бирдай тушунарли бўлади.

Амалдаги “Бухгалтерия балансида” дебитор қарзларини тизимли шакллантиришда улар бизнес мақсадлари учун таснифлаштирилмаган ёки у ўта мураккаб тарзда ифодаланган. Яъни, дебитор қарзлар асосан ёйиб акс эттириш тарзида очиб берилган. Хорижий тажрибаларда бу борада қуйидаги ижобий ёндашувлар мавжуд.

Иқтисоди ривожланган мамлакатлардаги компаниялар бухгалтерия балансида олишга тегишли маблағларни асосан икки – Савдо бўйича олишга тегишли (Trade receivables) ҳамда Носавдо бўйича олишга тегишли (Non trade receivables) счётлар гуруҳларига ажратиб тақдим этадилар. Бухгалтерия балансидаги Trade receivables (Савдо бўйича олишга тегишли счётлар) гуруҳи Debtors (Дебиторлар) ҳамда Bills Receivables (Векселлар) моддалари кўринишида алоҳида-алоҳида тарзда акс эттирилади. Debtors ҳамда Bills Receivables моддаларини йиғиндиси Trade receivables моддаси суммасига тенг бўлади.

Дебиторлар (Debtors) моддаси – компаниядан одатдаги бизнес фаолияти бўйича маҳсулотларини, иш ва хизматларини кредит асосда сотиб олган юридик ёки жисмоний шахслардан, шу товарлар учун олишга тегишли пул суммаларини кўрсатиб беради.

Векселлар (Bills Receivables) моддасида эса компанияни савдо фаолиятида молиявий инструментлар (векселлар) воситасида юзага келган олишга тегишли маблағлар акс эттирилади. Векселда тўловчига тўланадиган сумма ва тўлов вақти аниқ қайд этиб берилади.

Носавдо бўйича олишга тегишли счётлар (Non trade receivables) гуруҳида юқоридаги гуруҳ (Trade receivables) таркибига кирмайдиган, яъни носавдо тавсифига эга бўлган олишга тегишли қарзларни акс эттиришга тайинланган. Мисол учун, ходимларга олдиндан берилган аванслар, қарзлар, олишга тегишли солиқ ёки суғурта тўловлари кўрсатилади.

АҚШ компаниялари молиявий ҳисобида носавдо бўйича олишга тегишли счётлар таркиби қуйидаги муомалалардан иборат бўлиши мумкинлиги

кўрсатиб ўтилган⁷⁰. Носавдо бўйича олишга тегишли счётлар таркибига мисоллар:

1. Хизматчилар ва ходимларга бўнақлар.
2. Шерик ёки боғлиқ тавсифидаги корхона ёки бўлинмага бўнақлар.
3. Потенциал зарар ва йўқотишларни қоплаш учун депозитлар.
4. Тўлаш ёки бажаришга кафолат учун депозит
5. Дивиденд ва фоизларни олишга тегишли счётлар.
6. Қарши томонга талаблар:
 - а) суғурта компаниясига аҳамиятли бахтсиз ходисалар учун.
 - б) жавобгарларга даъволар учун.
 - в) солиқ идораларига солиқ тўловларини қайтариш учун.
 - г) ташувдан келтирилган зарар ёки йўқотилган товарлар учун.
 - д) кредиторларга қайтарилган, бузилган ёки йўқотилган товарлар учун.
 - е) харидорларга қайтарилиши мажбур бўлган буюмлар (яшик, идиш, контейнер) учун.

Демак, иқтисоди ривожланган мамлакатларда жорий молиявий активларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишида уларнинг молиявий мазмуни ва корхона бизнес фаолиятидаги ролини устун қўйган ҳолда ёндашилади ва бу бухгалтерия ҳисобининг тегишли стандартлари ва қоидаларида ўз ифодасини топган. Жумладан, ГААР талабига кўра бухгалтерия балансида моддалар аҳамиятига ёки компаниянинг ҳисоб сиёсатидан келиб чиқиб умумлашган (бир гуруҳ моддалар биргаликда) ёки аналитик (бир гуруҳдаги ҳар бир модда аҳамиятидан келиб чиқиб алоҳида) тарзда акс эттирилиши мумкин. АҚШ компанияларининг бухгалтерия балансида муайян модда ягона тарзда бир сатрда алоҳида ёки гуруҳ бўлиб унинг таркибида умумлашган шаклда кўрсатилсин деган кўрсатма мавжуд эмас. Мазкур масала компанияларнинг бу борадаги мақсадидан келиб чиқиб амалга оширилади.

⁷⁰ Donald E. Kieso, J. Weygandt, Terry D. Warfield. INTERMEDIATE ACCOUNTING. John Wiley & Sons, USA. 2004. 319 p.

Бухгалтерия балансининг 110 сатридаги “Узоқ муддатли дебитор қарзлари ва кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар” (0900) моддасида ҳам юқорида жорий дебитор қарзлар бўйича айтиб ўтилган камчиликлар мавжуд.

Мазкур параграфда кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги таклифларимизни билдириб ўтамиз. Бунинг учун, олишга тегишли счётларнинг бухгалтерия балансида акс эттиришнинг янги тартибини таклиф этамиз (9-жадвал)

9-жадвал

**Олишга тегишли счётларнинг бухгалтерия балансида акс
эттиришнинг таклиф этилаётган модели⁷¹**

Кўрсаткичлар номи	Сатр рақами	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
АКТИВ			
Олишга тегишли қарзлар, жами (220+260+310)	210	7859124.00	15333847.00
Шулардан: Олишга тегишли қарзларни муддати ўтган қисми	211	971255.00	1039308.00
Савдо дебиторлик қарзлари, жами (230+240+250)	220	1344993.00	4438011.00
Харидорлар ва буюртмачиларнинг савдо дебиторлик қарзлари, даргумон қарзлар бўйича резерв суммаси айрилган ҳолда (4010 - 4900)	230	1344993.00	4438011.00
Шерик ёки боғлиқ тавсифидаги корхоналарнинг (Шўъба, қарам жамиятлар) савдо дебиторлик қарзлари (4120)	240		
Векселлар бўйича савдо дебиторлик қарзлари (4020)	250		
Носавдо дебиторлик қарзлари, жами (270+280+290+300)	260	6514131.00	10895836.00
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	270		300.00
Бюджетга солиқлар ва йиғимлар ҳамда мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (4400, 4500)	280	3459954.00	3904653.00
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзлари (4600)	290		
Бошқа дебиторлик қарзлари (4300, 4700, 4800)	300	3054177.00	6990883.00
Алоҳида бўлинмаларнинг қарзлари (4110)	310		

⁷¹ “UCHQO’RG’ON-YOG” акциядорлик жамияти кўрсаткичлари бўйича тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Мазкур моделда молиявий ҳисоботда маълумотларни акс эттириш ҳамда тақдим этишнинг халқаро тажрибаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланган. Улар қуйидаги жиҳатларда яққол кўринади. Республикамиз ҳисоб тизимида амалдаги молиявий ҳисоботнинг 1-сон шакли “Бухгалтерия баланси”нинг “Жорий активлар” бўлимида акс эттириладиган 220 сатр “Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари (4000 дан 4900 нинг айирмаси)” деб номланган моддани (8-жадвал) “Харидорлар ва буюртмачиларнинг савдо дебиторлик қарзлари, даргумон қарзлар бўйича резерв суммаси айрилган ҳолда (4010 - 4900)” деб ўзгартирилди (9-жадвал, 230 сатр).

Бу билан мазкур моддани номланиши барча ахборотдан фойдаланувчилар учун тушунарли бўлади. Зарурат туфайли ушбу модда бошқа тилларга таржима қилинганда эса бу борада юқорида айтиб ўтилган камчиликлар юзага келмайди.

Таклиф этилган янги тартибда олишга тегишли счётларни савдо дебиторлик қарзлари ҳамда носавдо дебиторлик қарзларига яққол ажратиб берилган. Шу билан бирга ҳар икки гуруҳни таркиби аниқ кўрсатилган ва уларнинг мазмуни тўғри белгиланган.

Савдо дебиторлик қарзлари (220 сатр) таркибидаги “Харидорлар ва буюртмачиларнинг савдо дебиторлик қарзлари, даргумон қарзлар бўйича резерв суммаси айрилган ҳолда” деб номланувчи моддада (230 сатр) харидорлар ва буюртмачилар билан товарлар, тайёр маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун савдо дебиторлик қарзлари бўйича қарзлардан (4010) шубҳали қарзлар бўйича резерв (4900 счёт) суммаси чегирилиб акс эттирилади.

Шерик ёки боғлиқ тавсифидаги корхоналарнинг (Шўъба, қарам жамиятлар) савдо дебиторлик қарзлари моддасида (240 сатр) шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига товар, маҳсулот, иш, хизматларни сотиш ва бошқа жорий операциялар бўйича қарзлар тўғрисида ахборотлар берилади. Башарти, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларида дивиденд ёки фоизлар бўйича муомала суммалари сезиларли аҳамиятга эга бўлса, у ҳолда бу муомалаларга тегишли

ахборотлар носавдо дебиторлик қарзлари (260 сатр) таркибидаги “Бошқа дебиторлик қарзлари” моддасида (310 сатр) акс этириш тавсия қилинади. Чунки, дивиденд ёки фойза тўловлари субъектларнинг савдо фаолиятига тегишли эмас. Мазкур турдаги маълумотларни сезиларли аҳамиятда бўлиши шерик ёки боғлиқ тавсифидаги корхоналар бўйича савдо дебиторлик қарзларини нотўғри ёки бузиб кўрсатишни келтириб чиқаради. Бу эса фойдаланувчиларнинг бу борадаги ҳисоб объектдан келиб чиқиб қабул қилинадиган қарорларига таъсир қилиши эҳтимолдан холи эмас. Агар, хўжалик юритувчи субъектда мана шундай муомалалар содир бўлса ва у юқоридаги тартибда бухгалтерия балансида акс этирилса, у ҳолда молиявий ҳисоботга ёзиладиган тушунтириш хатида бу бўйича изоҳлар берилиши шарт.

Мазкур моддага тегишли яна бир муҳим ҳолат. Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан бош жамиятнинг молиявий ҳисоботида консолидацияланади.⁷² Мазкур ҳисоб объекти алоҳида йирик мавзу бўлганлиги сабабли ҳамда илмий тадқиқот ишимизнинг мақсад вазифаларидан келиб, чиқиб бу борадаги масалаларни ушбу параграфда кўриб чиқмаймиз.

Моделнинг носавдо дебиторлик қарзлари (260 сатр) моддаси таркибидаги моддалар носавдо тавсифига эга бўлган олишга тегишли қарзларни акс этиради. Носавдо дебиторлик қарзлари таркибини моддалар бўйича тузилиши уларнинг яъни ҳар бир алоҳида олинган модда амалдаги, ҳам халқаро, ҳам миллий иқтисодий муносабатлардаги аҳамиятига кўра ташкил қилинди. Шу сабабли улар тўғрисидаги ахборотлар фойдаланувчиларга бевосита тақдим этиш усули белгиланди.

Юқорида билдирилган олишга тегишли счётлар ҳисоби ва ҳисоботида тегишли фикрларни умумлаштириб қуйидаги хулосалар бериш мумкин.

Биринчидан, хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия балансида олишга тегишли счётлар – жорий қисми таркиби мантиқий кетма-кетликда

⁷² Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 октябрда 50-сон билан тасдиқланган (рўйхат рақами 580, 1998 йил 28 декабрь, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 йил 6-сон) Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (8-БХМС) “Консолидацияланган молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби”.

жойлашиши таъминланади. Бу жойлашув иқтисодий муносабатларда олинадиган счётлар бўйича фойдаланувчиларга зарур бўлган ахборотларни шакллантириш ҳамда тақдим этиш имконини беради.

Иккинчидан, энг асосийси, олинадиган счётлар бўйича миллий ҳисоб ва ҳисоботни шакл ҳамда мазмунига кўра бу борадаги амалдаги ривожланган хорижий амалиёт билан мувофиқ келишига эришилади. Бу натижа, ҳам хорижий, ҳам миллий молиявий ахборотдан фойдаланувчилар учун жуда зарурлиги билан катта аҳамият касб этади.

Учинчидан, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар принциплари ва талабларига мос келади. Миллий ҳисоб ва ҳисобот тизимида олинадиган счётлар бўйича шакллантирилган маълумотлар ҳамда тақдим этиладиган ахборотлар фаолиятини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари билан амалга оширадиган мутахассислар учун аниқ ва тушунарли бўлишига эришилади.

2.3. Узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларни ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда уларни халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш

Бухгалтерия ҳисоби тизимлашган воқелигининг тўғри ва самарали ишлаб кетиши учун, унинг элементларидан бири бўлган инвестициялар ҳисоби ва ҳисоботини чуқур ҳамда ҳар томонлама ўрганилиши лозим. Бундан ташқари, миллий тизимдаги элементни ўзининг ўтмишдошларига, шу билан бирга амалдаги ривожланган халқаро тажрибалардаги айнан шу каби элементларга таққослаб уларнинг ўзаро мос ҳамда фарқли жиҳатларини аниқлаш керак. Бу эса, бу борада навбатдаги жараёнда бажарилиши керак бўлган вазифаларни белгилаб олишда муҳимдир.

Хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялар ҳисоби ва ҳисоботи ҳам худди шу тартибда ўрганилади ва белгиланган мақсадга қараб ўзгартирилади. Пировард натижада ўзгаришлар туфайли такомиллашиб юзага келган элемент (инвестициялар ҳисоби ва ҳисоботи) янги муносабатни (молиявий ҳисоботни халқаро стандартларига ўтган миллий молиявий ҳисоб ва ҳисобот тизимини)

самарали амал қилишини таъминлашга хизмат қилади.

Қисқача қилиб айтганда, муайян элемент (инвестициялар ҳисоби ва ҳисоботи) бажарадиган вазифани, тизимдаги (молиявий ҳисоботни халқаро стандартларига ўтган миллий молиявий ҳисоб ва ҳисобот) бошқа элементлар айнан бажариб бера олмайди. Демак, воқеликдаги мазкур элементни ўзига хос жиҳатларини белгиланган мақсадлар аосида янада чуқур ҳамда ҳар томонлама ўрганиш ва асослаш зарур. Бирок, тадқиқ этилаётган элементни ҳар томонлама ўрганиб чиқиш мураккаб ва катта ҳажмдаги иш эканлигини ҳисобга олган ҳолда, биз, тадқиқот ишимизда белгилаб олинган мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб мазкур объект ҳисобини такомиллаштириш, халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва янада ривожлантириш тўғрисидаги ўз фикрларимизни билдирамыз.

Маълумки, бухгалтерия ҳисоби қай тарзда олиб борилиши жамиятнинг ва корхонанинг иқтисодий ҳаётига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Бир томондан, у иқтисодий субъектларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларига монанд ва уларни қондириш учун шакллантирилади. Иккинчи томондан эса мазкур субъектнинг манфаатлари бирлашиши, алоҳидалашиши, зиддиятларга киришиши ёки уйғунлашиши бухгалтерия ҳисоби иштирокида ҳам муҳим равишда содир бўлади. Шу сабабли иқтисодий муносабатлардаги қатнашчиларининг мақсад ва манфаатларини алоҳидалашуви, иштирок ва тақсимотдаги ҳуқуқларнинг тўлиқ ёки чекланганлиги кабилар хўжалик юритувчи субъект ҳисоб тизимига жиддий таъсир қила олади. Яъни, уни ўз субъектив мақсадида ишлата олади. Лекин, бу ёндашув ноҳалол тадбир бўлиб бошқа иштирокчилар, ҳатто жамият ҳамда давлат манфаатларига ҳам зид келиши мумкин. Шундай ҳолатларга йўл қўймаслик ва уни олдини олиш мақсадида биз бу борадаги хориж тажрибасини ўрганиш ўринли бўлади.

Мақсад ва манфаатлар тўқнашувига кўра ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги компаниялардаги бухгалтерия ҳисоби шартли равишда тўрт йирик турга ажратилган:⁷³.

⁷³ Б.Ҳакимов, А.Абдуллаев, Корпоратив бошқарув ва бухгалтерия ҳисоби. Молия журнали//2016.№4. 66-73 б.

1. Консерватив бухгалтерия ҳисоби (Conservative accounting).
2. Мақбул (Мувофиқ келувчи) бухгалтерия ҳисоби (Moderate accounting).
3. Агрессив бухгалтерия ҳисоби (Aggressive accounting).
4. Фирибгарликка асосланган бухгалтерия ҳисоби (Fraud accounting).

Бу ердаги энг асосий ва хавфли ҳолат фирибгарликка асосланган бухгалтерия ҳисобини иқтисодиётда кенг кўламда мавжуд бўлишидир. Фирибгарликка асосланган бухгалтерия ҳисоби кескин рақобот мавжуд шароитларда юзага чиқиши ҳақиқатдир. Яшаш учун кураш қонуни баъзан айрим шахс ёки гуруҳларни шундай йўлни танлашига сабаб бўлади. Бироқ, жаҳон тажрибасида, гарчанд кам сонли бўлсада бундай воқелик доимо мавжуд бўлиб келган. Мисол учун, “Enron” компанияси ҳисоб тизимида (АҚШ) ҳам худди шундай ёндашувлар мавжуд бўлган⁷⁴.

Энди бу борада миллий иқтисодиётдаги ҳолат қандайлигига эътибор қаратайлик. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида иқтисодиётимизда ҳалол тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида “яширин иқтисодиётни” қисқартиришга қаратилган механизмлар жорий этилиши тўғрисида айтиб ўтилган⁷⁵ ва бу борада тегишли фармонлар эълон қилинган⁷⁶.

Бош прокуратура Академияси катта ўқитувчиси Б.Турдиев илмий тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотда яширин иқтисодиётнинг улуши 50 фоиздан кўпроқни ташкил этиши билдириб ўтган.⁷⁷ Шу сабабли хўжалик юритувчи субъектлардаги ҳисоб тизимида инвестициялар ҳисоби ва ҳисоботини, умуман олганда миллий молиявий ҳисоб ва ҳисоботини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтказишда мақбул (мувофиқ келувчи) бухгалтерия ҳисоби (moderate accounting)

⁷⁴ Б.Хақимов, А.Абдуллаев, Корпоратив бошқарув ва бухгалтерия ҳисоби. Молия журнали//2016.№4. 66-73 б.

⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020. <https://president/uz/uz/lists/view/4057>

⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2020 йил 30 октябрь ПФ-6098-сон:

Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида.

⁷⁷ Б.С.Турдиев. “Яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш ва унга қарши самарали кураш йўллари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar instituti” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2020 yil. <http://iqtisodiyot.tsue.uz>

ёндашувлари асосида амалга оширилишини энг мақбул йўл ҳисоблаймиз.

Ривожланган мамлакатларда молия бозорида фаолият кўрсатаётган ёки унда қатнашчи сифатида иштирок этаётган субъектларни молиявий сектор фаолиятларидан олаётган даромадлари, реал иқтисодиёт секторига тегишли фаолиятларидан юқоридир. Бундан ташқари, бизнес фаолиятларини молиялаштириш, бошқа корхоналарни молиявий воситалар билан назоратини қўлга олиш ёки ўзининг манфаати учун ҳамкорлик тарзида ишлатиш масаласида уларни молиявий қўллаб шерикликга асосланган ҳамкорликларни амалга оширишда муҳим ўрин ва аҳамиятга эга бўлмоқда.

Юқорида келтириб ўтилган камчиликларни бартараф қилиш ва бу борадаги фаолиятларни ҳам макро, ҳам микро даражада халқаро талабларга жавоб берадиган ҳолда ташкил этиш ва юритишни амалга оширишнинг йўлларида бири хўжалик юритувчи субъектлардаги ҳисоб тизимида инвестициялар ҳисоби ва ҳисоботини, умуман олганда молиявий ҳисоб ва ҳисобот тизимини халқаро стандартларга ўтказиш ҳамда ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиб ташкил этишдир.

Молиявий инвестициялар ҳисоби ва ҳисоботининг оқилона ташкил этилиши учун унда қўлланилаётган инвестициялар атамаси қандай мазмунда ишлатилаётганлигига аниқлик киритилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга ва алоҳида тадқиқ этилиши зарур.

Мамлакатимизда амал қилиб турган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунинг янги таҳрирининг 5-моддасида инвестициялар капитал, молиявий ва ижтимоий турларга бўлиниши қайд этилган⁷⁸.

Илмий тадқиқот ишининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, фақат молиявий инвестицияларни ҳамда уларнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритилиши жиҳатидан ўрганамиз. Халқаро ҳисоб стандартларига кўра хўжалик юритувчи субъектлардаги молиявий инвестициялар молиявий инструментлар таркибига

⁷⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 25 декабрь.

киритилади ва молиявий активлар номи билан тавсифланади.⁷⁹ Бунга сабаб “Инвестициялар ҳисоби” номли 25-сон БҲҲС бекор қилинганлигидир.

Даставвал, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий активларнинг бир бўлаги бўлган қимматли қоғозлар ҳамда ҳиссали инструментларга эгалик қилишдаги мақсадларни қуйдагича гуруҳга бўлиниши мумкин:

1. Қарзли қимматли қоғозлардан (Debt Securities) – имкон қадар юқори ставкада қайтим (фоиз ва шу кабилар) олишга эришиш.

2. Ҳиссали қимматли қоғозлардан – имкон қадар юқори ставкада қайтим ёки дивиденд олишга эришиш.

3. Қарзли ҳамда ҳиссали қимматли қоғозларни актив (капитал) тарзида сотиб фойда олиш.

4. Ҳиссали қимматли қоғозлар – ҳисса қўшилган хўжалик юритувчи субъектлар бизнес фаолиятини назорат қилиш ҳамда улар фаолиятни барқарорлигини таъминлаш учун молиявий қўллаб-қувватлашни амалга ошириш.

5. Ҳиссали қимматли қоғозлар – ҳисса қўшилган хўжалик юритувчи субъектлар бизнес фаолиятини тасарруф этиш ҳамда даромад олиш.

Мазкур ҳисоб объектлари тўғри бошқарилгандагина самара бериши мумкин. Бошқарув эса ўз вақтида олинган, сифатли ва етарли маълумотлар асосида амалга оширилади. Бошқарув учун талаб этиладиган маълумотлар хўжалик юритувчи субъектлардаги молиявий менежментнинг мақсади ҳамда, қарзли ва ҳиссали қимматли қоғозларни ўзига хос жиҳатларини эътиборга олган ҳолда бухгалтерия ҳисоби ёрдамида шакллантирилади. Менежмент мақсадида фақат ички фойдаланувчилар эмас, балки ташқи фойдаланувчиларнинг талаблари ҳамда бу борадаги расмий мажбуриятлар (стандартлар) ҳам эътиборга олинади. Фикримизни қуйидаги 10-жадвалда ифодаб берамиз.

⁷⁹ 32-сонли БҲҲС “Молиявий инструментлар: ахборотларни тақдим этиш”, 7-;9-сон МҲҲС, 39-сон БҲҲС.

Қарзли ҳамда ҳиссали қимматли қоғозлар ҳисобида ёндашув модели⁸⁰

Қимматли қоғозлар тури	Менежмент мақсади	Баҳолаш тури	Ички фойдаланувчилар учун маълумотлар шакллантирилиши	Барчага тақдим қилинадиган молиявий ҳисобот учун
1	2	3	4	5
Қарзли қимматли қоғозлар (1-йирик бўлим)	Сотиш режалаштирилмаган	Амортизацияланадиган қийматда	Барча талаб этиладиган маълумотларни беришга мос ҳисоб механизми ташкил этилади	БҲМС ёки БҲҲС ва МҲҲС асосида
	Сотиш режалаштирилган	Ҳаққоний қийматда	Барча талаб этиладиган маълумотларни беришга мос ҳисоб механизми ташкил этилади	БҲМС ёки БҲҲС ва МҲҲС асосида
Ҳиссали қимматли қоғозлар (2-йирик бўлим)	Сотиш режалаштирилган	Ҳаққоний қийматда	Барча талаб этиладиган маълумотларни беришга мос ҳисоб механизми ташкил этилади	БҲМС ёки БҲҲС ва МҲҲС асосида
	Назоратни амалга ошириш	Ҳиссали методда	Барча талаб этиладиган маълумотларни беришга мос ҳисоб механизми ташкил этилади	БҲМС ёки БҲҲС ва МҲҲС асосида

10-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжалик юритувчи субъектда мазкур турдаги молиявий активлар икки йирик - қарзли ҳамда ҳиссали қимматли қоғозлар турларига ажратилмоқда. Ҳар бир алоҳида олинган йирик тур эса менежмент мақсадидан келиб чиқиб сотиш режалаштирилмаган, сотиш режалаштирилган ёки зарур назоратларни амалга оширишда фойдаланиши мўлжалланганлигига қараб тегишли кичик турлар бўйича тавсифланмоқда. Алоҳида кичик турда таснифланган қимматли қоғозга мос баҳолаш усули белгиланган. Жадвалнинг 4-устунида ҳар бир алоҳида олинган кичик тур тўғрисида барча талаб этиладиган маълумотлар ва ахборотларни шакллантириб беришга хизмат қиладиган ҳисоб механизми бўлиши зарурлиги кўрсатилган. Жадвалнинг 5-устунида эса объект бўйича молиявий ҳисоботда барчага эълон қилинадиган ахборотларни БҲМС ёки БҲҲС ҳамда МҲҲС асосида тақдим этиш зарурлиги қайд этилган. Молиявий ҳисоб ва ҳисобот тизимини ҳали БҲҲС ёки МҲҲС га ўтказмаган мамлакатлар мазкур жараёни

⁸⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

БҲМС асосида амалга оширади. Аксинча, молиявий ҳисоб ва ҳисобот тизимини БҲҲС ҳамда МҲҲС га ўтказган мамлакатлар эса халқаро стандартлар бўйича бажарадилар. Миллий молиявий ҳисоб ва ҳисобот тизими БҲҲС ҳамда МҲҲС га мувоқлаштириб ишлаб чиқилган мамлакатларда тақдим қилинган мазкур ҳисоб объектларига, уларнинг фарқли жиҳатларига БҲҲС ҳамда МҲҲС талабларидан келиб чиқиб тушунтиришлар берилади.

Қарзли ҳамда ҳиссали қимматли қоғозлар ҳисобига ёндашувнинг таклиф этилаётган модели асосида ҳисоб сиёсатида тактик ва стратегик мақсадларни эътиборга олган ҳолда қарзли ҳамда ҳиссали қимматли қоғозлар ҳисоби ва ҳисоботининг корхона ички қоидаларини белгилаб олиш бухгалтерия ҳисоби юритишни халқаро қоидаларга янада яқинлаштиришга, молиявий ахборот мазмуни ва сифатининг ички ва ташқи инвесторлар талаблари ва эҳтиёжларига мослаштиришга ёрдам беради.

Миллий ҳисоб тизимимизда молиявий активлар таркибига кирувчи қарзли ҳамда ҳиссали қимматли қоғозлар ҳисоби ва ҳисоботи БҲМС қоидалари асосида олиб борилмоқда. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома”га 2-иловада узок ва қисқа муддатли инвестициялар ҳисоби куйидаги счётларда олиб борилиши ва уларнинг ҳисоб тартиби ёритилган.

Узок муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар (0600), бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозларига, мамлакат ҳудудида ва хорижда тузилган шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари ва бошқа корхоналарнинг устав капиталларига қилинган узок муддатли инвестициялар (қўйилмалар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун белгилаб қўйилган. Унинг таркиби куйидаги счётлардан ташкил топган:

0610 "Қимматли қоғозлар";

0620 "Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар";

0630 "Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар";

0640 "Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар";

0690 "Бошқа узоқ муддатли инвестициялар".⁸¹

Айнан шу меъерий ҳужжатда, узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича аналитик ҳисоб узоқ муддатли инвестицияларнинг турлари ва ушбу инвестициялар амалга оширилган объектлар (қимматли қоғозларни сотувчи-корхоналар, корхона иштирокчиси ҳисобланган шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари ва шу кабилар) бўйича юритилади. Бунда аналитик ҳисобнинг ташкил қилиниши Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва хориждаги объектларга қилинган узоқ муддатли инвестициялар тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши лозим, деб кўрсатма берилган.⁸²

Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар (5800) корхонанинг бошқа корхоналар қимматли қоғозларига қилинган қисқа муддатли (бир йил муддатдан кўп бўлмаган) инвестициялари (қўйилмалар) давлат қарзларининг фоизли облигациялари, бошқа корхоналарга берилган қарзлар ва бошқаларнинг нақдлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун белгиланган бўлиб, унинг таркиби:

5810 "Қимматли қоғозлар";

5820 "Берилган қисқа муддатли қарзлар";

5890 "Бошқа жорий инвестициялар" счётлардан иборат.

Мазкур счётлар бўйича аналитик ҳисоб қисқа муддатли инвестицияларнинг турлари ва ушбу қўйилмалар амалга оширилган объектлар (қимматли қоғозларни сотувчи-корхоналар, омонатлар ва ҳоказолар) бўйича юритилади деб кўрсатилган.⁸³

Счётлар режасида қисқа ва узоқ муддатли молиявий инвестициялар ҳисоби учун белгилаб қўйилган счётлар хўжалик амалиётида қўлланиб келаётган ва иқтисодий субъектлар ахборотга эҳтиёжларини маълум даражада қондираётган бўлсада, иккита жиҳатга эътибор қаратиш лозим.

⁸¹ Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) "Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома"га 2-илова.

⁸² Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) "Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома"га 2-илова.

⁸³ Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) "Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома"га 2-илова.

Биринчиси, йўриқномада аналитик ҳисобни қандай тартибда юритиш бўйича аниқ кўрсатмалар бор, лекин улар етарлича эмас.

Иккинчиси, аналитик ҳисобни қандай тартибда юритиш бўйича берилган кўрсатмалар асосида ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузиш, пировард натижада БҲҲС ҳамда МҲҲСнинг, ёки иқтисоди ривожланган мамлактларнинг бу борадаги амалдаги талаблари ҳамда тартибларига мос келмайдиган томонларини келтириб чиқаради.

Бунга сабаб аналитик ҳисобни ташкил қилиш ва юритиш қуйидаги жиҳатлардан келиб чиқиб амалга оширилишига асосланганлигидир.

Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича аналитик ҳисоб:

а) инвестицияларнинг турлари;

б) инвестициялар амалга оширилган объектлар (қимматли қоғозларни сотувчи-корхоналар, корхона иштирокчиси ҳисобланган шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари ва шу кабилар);

в) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва хориждаги объектларга қилинган узоқ муддатли инвестициялар тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш бўйича.

Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар (5800) да эса бу тартиб:

а) қисқа муддатли инвестицияларнинг турлари

б) қўйилмалар амалга оширилган объектлар (қимматли қоғозларни сотувчи-корхоналар, омонатлар ва ҳоказолар) асосида амалга оширилиши белгиланмоқда.

Биринчи камчилик натижасида, менежмент эҳтиёжларига зарур бўлган маълумотларни тўлиқ шакллантириш имконияти чегараланади. Айрим бошқарув учун аҳамиятли маълумотлар қўшимча ҳисоб-китоблар асосида олинади.

Иккинчи камчилик натижаси биринчи камчиликдан келиб чиқиб ташқи хорижий фойдаланувчиларга бу борада молиявий ҳисоботда очиб берилиши

шарт бўлган ахборотларни сифатсиз тарзда тақдим этилишига сабаб бўлади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш учун қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилган.

5810 “Қимматли қоғозлар” счёти бўйича аналитик ҳисобни ташкил этиш ва юритишда, даставвал қимматли қоғозларнинг категориясига эътибор бериш зарур, деб ҳисоблаймиз. Ушбу тартиб халқаро амалиётда кенг қўлланилади. Лекин, юқорида келтириб ўтилган меъёрий ҳужжатларда масалага тегишли жойларда бу жиҳат эътибордан четда қолдирилган.

Қимматли қоғозларни ҳисоб ва ҳисоботдаги категориясининг ўрнини тушунтириш учун қуйидаги жадвал маълумотлари келтириб ўтилган (11-жадвал).

11-жадвалдаги қимматли қоғозларга тегишли бўлган жиҳатлар бу борадаги аналитик ҳисобни ташкил этишда албатта эътиборга олиншини мақсадга мувофиқ.

Жадвалда муддати келгунча ушлаб туриладиган қимматли қоғозлар (Held to maturity securities) категорияси қисқа муддатли қимматли қоғозлар таркибига киритилаётганлигини халқаро тажриба билан асослаш мумкин. Маълумки, жаҳон тажрибаси ҳамда халқаро ҳисоб стандартларига кўра муддати келгунча ушлаб туриладиган қимматли қоғозлар фақат фоизлар ва дивидендлар олишга йўналтирилган узоқ муддатли инвестицияларга тегишлидир. Биз мазкур категорияни қисқа муддатли қимматли қоғозлар таркибига киритишимиз бу борадаги ҳисобни қуйидаги томонлари билан такомиллаштиради.

11-жадвал

Қарзли қимматли қоғозларни категориялар бўйича ҳисобга олиш усуллари⁸⁴

Бухгалтерия балансида ифодалаш учун		Молиявий натижаларга таъсири бўйича	
Категорияси	Баҳолаш усули	Материаллашмаган даромад ёки йўқотиш	Материаллашган даромадга таъсири
Муддати келгунча ушлаб туриладиган қимматли қоғозлар	Амортизация ланадиган қиймат	Тан олинмайди ёки молиявий натижаларда акс эттирилмайди	Даромад тан олинади. Фоизлар ҳисобланганда. Актив сотилганда. Сотиб олиш

⁸⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

(Held to maturity securities)		(қадрсизланиш ҳолати мустасно)	ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ қопланадиган вақтгача бўлган даврда даромад ёки зарар тарзида.
Олиб-сотиладиган қимматли қоғозлар (Trading securities)	Ҳаққоний қиймат	Тан олинмайди ёки молиявий натижаларда акс эттирилмайди	Даромад тан олинади. Фоизлар ҳисобланганда. Актив сотилганда.
Сотиш учун нақд бўлган қимматли қоғозлар (Available for sale securities)	Ҳаққоний қиймат	Тан олинмайди ёки молиявий натижаларда акс эттирилмайди	Даромад тан олинади. Фоизлар ҳисобланганда. Актив сотилганда.

Биринчидан. Миллий иқтисодиётимиздаги хўжалик юритувчи субъектлар бизнес фаолиятида иқтисодиётни молиявий секторида иштирок этиши натижасида шу ҳисобот даврида қанча фоиз ёки дивиденд кўринишидаги даромадни ёки шу миқдордаги пул қийматини олиши мумкинлигини прогноз қила олади. Мазкур маълумот режалаштириш ёки таҳлил ишларида ўта муҳим ҳисобланади.

Иккинчидан. Шериклик ва назорат мақсадидаги ҳамкорликни қай тарзда молиявий жиҳатдан давом эттириш ёки тўхтатиш борасида бизнес қарорларни қабул қилиш масалалари учун мазкур тартибдаги маълумотлар зарур.

Олиб-сотиладиган қимматли қоғозлар эса қисқа муддатда фоизлар келтириши мумкин бўлган ҳамда вазияти келганда баҳолар фарқидан даромад олиш учун сотиб юбориладиган қимматли қоғозлардан ташкил топади.

Сотиш учун нақд бўлган қимматли қоғозлар эса юқорида кўрсатиб ўтилган гуруҳларга кирмайдиган қимматли қоғозлардир.

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиқиб 5810 “Қимматли қоғозлар” счётлари бўйича аналитик ҳисобни ташкил этиш ва юритишни қуйидаги тартибда амалга оширилишини таклиф қиламиз.

1. Категориясига кўра (категориялар 11-жадвалда берилган).
2. Турларига кўра (акциялар, давлат қарзларининг фоизли облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлар).
3. Қўйилмалар амалга оширилган объектлар (қимматли қоғозларни сотувчи-корхоналар, омонатлар ва ҳоказолар).
4. Бошқа зарур белгиларига кўра (бир донасини сотиб олиш баҳоси,

бир донасини номинал қиймати, жами миқдори, дона, жами қиймати сотиб олиш баҳосида ҳамда номинал қийматида ва ҳоказо).

Қимматли қоғозлар счётлари бўйича аналитик ҳисобни таклиф этилган тартибда ташкил этиш ва юритиш қуйидаги ижобий жиҳатларга эга. Аввало, хўжалик юритувчи субъектдаги ички фойдаланувчилар учун қимматли қоғозларга оид маълумотларни, ҳар бир турдаги қимматли қоғоз бўйича алоҳида ҳамда қимматли қоғозлар бўйича умумлашган тарзда тўлиқ, ўз вақтида шакллантириб бера олади.

Шунингдек, мазкур шакллантирилган маълумотлар ташқи фойдаланувчилар учун тақдим этувчи хўжалик юритувчи субъект томонидан ҳамкорлик доирасидаги манфаатлар эътиборга олиниб молиявий ҳисоботни тушунтиришлар қисмида қимматли қоғозлар бўйича керакли ахборотлар қўшимча ҳисоб-китобларсиз, ўз вақтида сифатли тақдим этилади.

Миллий ҳисоб тизимидаги узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар ҳисобига боғлиқ бўлган масалалардан бири, улардан олинмаган молиявий натижаларни тегишли объектларда тўғри акс эттиришдир. Бироқ, бу борада ҳам бир қатор муаммоли ҳолатлар мавжуд. Мисол учун, АҚШ GAAP тизимидаги молиявий ҳисоботнинг “Даромадлар тўғрисидаги ҳисобот шакли”да “Умумлашган даромад” (Comprehensive Income) моддаси мавжуд. Ушбу моддада материаллашган (тан олинган) даромад ва харажатлар натижаси (соф фойда) дан ташқари материаллашмаган (тан олинмаган) даромад ва харажатлар ҳамда уларнинг натижаси ҳам ҳисобга олиниб ҳисоботда акс эттирилади. Материаллашмаган (тан олинмаган) даромад ва харажатлар ва уларнинг натижасига мисол тарқасида сотиш учун нақд бўлган қимматли қоғозларни (Available for sale securities) сотиб олиш қиймати билан бозор баҳоси ўртасида вақтлар давомида вужудга келадиган фарқ суммаси. Мазкур тартибдаги фарқ суммаси шу ҳисобот даврдаги “Умумлашган даромад” (Comprehensive Income) таркибида акс эттирилади⁸⁵.

⁸⁵ Donald E. Kieso, J. Weygandt, Terry D. Warfield. INTERMEDIATE ACCOUNTING. John Wiley & Sons, USA. 2004. P. 145.

Мамлакатимиз олими Б.Бўронов халқаро стандартларда “Сотиш учун мақбул бўлган (Available for sale-AFS) активини, олдинги бозор қиймати билан кейинги баҳоланган бозор қиймати ўртасидаги фарқ “бошқа умумлашган даромадлар”да акс эттирилади деб таъкидлаб ўтган⁸⁶.

Бироқ, миллий молиявий ҳисоботларнинг 2-сон “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” шаклида ёки унинг иловаларида бундай номдаги модда мавжуд эмас.

Хулоса қилиш мумкинки, миллий ҳисоб тизимимиздаги узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар ҳисобининг юқорида кўрсатиб ўтилган жиҳатлари халқаро ҳисоб стандартлари ёки ривожланган мамлакатлардаги тартибларга мос келмайди.

Демак, мазкур турдаги камчиликни бартараф этиш учун миллий молиявий ҳисоботларнинг 2-сон “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” шаклига ёки унинг иловаларига “Умумлашган даромад” (Comprehensive Income) моддасини киритиш зарур. Ушбу моддани ҳисоб тизимимизга киритилиши нафақат қимматли қоғозлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилади, балки иқтисодий муносабатларда “Умумлашган даромад” (Comprehensive Income) га тегишли бошқа муоммоларнинг ҳам ижобий ечимларини беради. Шунингдек, ҳисоб ва ҳисоботда объект бўйича ахборотларнинг янада сифатли очиб берилиши таъминланади. Мазкур бобда ифодаланган тадқиқотга таяниб айтиш мумкинки, миллий ҳисоб тизимимиздаги молиявий активлар, яъни пул ва унга тенглаштирилган маблағлар, олишга тегишли счётлар ва узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар ҳисоби ва ҳисоботининг амалдаги тартибларини бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ёки молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, ривожланган илғор хорижий мамлакатлар тажрибалари асосида такомиллаштириш зарур.

Бу борада қуйидаги таклифлар билдирилмоқда.

⁸⁶ Б.Ф.Бўронов. Корхоналар молиявий активлари ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартларига мувофиқлаштириш. Монография. СамДЧТИ нашр-матбаа маркази. 2020 йил. 68-69 б.

1. 5600-Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётларни янги таркиби таклиф қилинди. Янги таркиб пул эквивалентларини турлари бўйича ахборотларни субсчёт ва аналитик счёт тарзида шакллантириш имконини беради. Бу билан пул эквивалентларига оид счётлар тартибга солинади ва унда шакллантириладиган маълумот тури кўпаяди.

2. Пул эквивалентларини ҳисобда акс эттиришга асос бўладиган мезонлар тизимлаштирилди. Натижада, пул эквивалентлари счётида ҳисобга олинadиган муомала турлари бошқа муомала турларидан аниқ мезонлар асосида фарқлаб берилди.

3. Бухгалтерия балансида пул маблағлари тўғрисидаги ахборотларни акс эттиришнинг чекланган ва чекланмаган тавсифга асосланган янги тартиби ишлаб чиқилди. Ахборотдан фойдаланувчиларга пул маблағлари бўйича зарур ва фойдали маълумотлар кўпроқ олиш имконияти пайдо бўлди. Хорижий инвесторлар ёки бошқа ташқи ахборотдан фойдаланувчиларга миллий бухгалтерия балансида пул маблағлари бўйича берилган ахборотларни тушуниш осонлашди.

4. Бухгалтерия балансида олишга тегишли счётларнинг савдо ва носавдо тавсифига ажратиб акс эттиришни тартиби таклиф этилди. Ушбу тартиб молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари принциплари ва талабларига мос келади. Миллий ҳисоб ва ҳисобот тизимида олинadиган счётлар бўйича шакллантирилган маълумотлар ҳамда тақдим этиладиган ахборотлар фаолиятини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари билан амалга оширадиган мутахассислар учун аниқ ва тушунарли бўлишига эришилади.

5. 5810 “Қимматли қоғозлар” счётлари бўйича аналитик ҳисобни ташкил этиш ва юритишни қимматли қоғозларни категорияси, турлари, қўйилмалар амалга оширилган объектлар ва бошқа зарур белгиларига кўра олиб бориш таклиф этилди. Таклиф этилган тартиб қуйидаги ижобий жиҳатларга эга. Хўжалик юритувчи субъектдаги ички фойдаланувчилар учун қимматли қоғозларга оид маълумотлар ҳар бир турдаги қимматли қоғоз бўйича алоҳида ҳамда қимматли қоғозлар бўйича умумлашган тарзда тўлиқ ва ўз вақтида

шакллантириш имконини бера олади. Ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботнинг тушунтиришлар қисмида қимматли қоғозлар бўйича керакли ахборотларнинг сифатли тақдим этишга эришилади.

6. Мазкур бобда миллий ҳисоб тизимимиздаги узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг молиявий натижаларини тегишли объектларда тўғри акс эттириш масаласига тегишли бўлган: материаллашган (тан олинган) даромад ва харажатлар натижаси (соф фойда ёки зарар), шунингдек материаллашмаган (тан олинмаган) даромад ва харажатлар ва уларнинг натижаси (соф фойда ёки зарар) ҳисоби ва ҳисоботда акс эттиришларга оид тақлифлар илгари сурилган.

III БОБ. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Олишга тегишли счётлар ва пул маблағлари таҳлили ҳамда уларнинг ахборот таъминотини такомиллаштириш

Олишга тегишли счётлар, соҳага оид миллий адабиётларда ёки меъёрий ҳужжатларда эса дебитор қарзлари тайёр маҳсулотнинг (бajarилган иш, кўрсатилган хизматни) пулга айланиши жараёнида юзага келадиган иқтисодий муомалаларнинг бир туридир. Ушбу жараённинг секинлашуви кўп ҳолларда хўжалик юритувчи субъектларда капитал айланишини узлуксиз таъминлаш учун зарур бўлган пул маблағларининг етишмай қолишига сабаб бўлади. Шу туфайли ҳам дебитор қарзлари бизнес фаолиятида молиявий бошқарув мақсадларида кенг кўламда ўрганилиши шарт бўлган ҳисоб ва таҳлил объектларидан бири саналади.

Иқтисодий таҳлилга оид миллий адабиётларда дебитор қарзларини таҳлил қилиш масалаларига атрофлича эътибор берилган. Бироқ, мазкур масала бўйича улардаги ёндашувлар ҳамда қарашларда деярли бир хилликни кўриш мумкин. Яъни, дебитор қарзларини таркиби, тузилиши ва динамикасининг таҳлили, дебитор қарзларини ҳолатининг (айланиши, қопланиши, активлар таркибидаги салмоғи, даргумон қарзларнинг жами дебиторлик қарзлардаги салмоғи ва шу кабилар) таҳлили, дебиторлик қарзларининг юзага чиқишини муддатлари бўйича таҳлили, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ўзаро таққослаш таҳлили ҳамда дебиторлик қарзлари бўйича умумлаштириб таҳлилий хулоса бериш. Дебиторлик қарзларининг ўзгариши, уларнинг тенденцияси, натижаларнинг ижобий ёки салбий томонлари, ўзгаришларга таъсир этаётган энг муҳим омиллар амалдаги таҳлил қилиш жараёнида очиқ берилади. Бу таҳлил билан дебиторлик қарзларининг турли томонлари кўрсатилади ва уларга тегишли баҳо берилади. Натижада, бошқарувчиларга бу борадаги мақбул қарорларни қабул қилишга асос бўладиган маълумот ва ахборотлар шакллантирилади ҳамда етказилади.

Монография олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб биз дебиторлик қарзларининг таҳлилини такомиллаштириш учун қатор масалаларга эътибор қаратилиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, анъанавий дебитор қарзларини таҳлил қилишда дебиторлик қарзларига ягона схема асосида ёндашилган. Яъни, ҳар бир алоҳида олинган аҳамиятли олишга тегишли қарзлар (баланс моддалари) бир хил тасниф касб этган. Уларнинг ҳар бирини ҳажмини камайтириш ёки тезроқ ундирилиши йўллари топиш масаласи асосий ҳисобланган. Бошқачасига айтганда, дебиторлик қарзларининг бизнес фаолиятидаги ўрни қайси ҳолда ижобий ёки қачон салбий бўлишига алоҳида эътибор қаратилмаган ёки етарлича аҳамият берилмаган. Бу, хусусан олишга тегишли қарзларни (дебитор қарзлари) бевосита савдо фаолиятига ёки билвосита носавдо фаолиятига ажратиб ўрганилмаслигида ўз ифодасини топган. Таъкидлаш керакки, бу борадаги ахборот манбаларининг бундай таҳлилга мослаштирилмагани ҳам таҳлилнинг сифатига салбий таъсир этмоқда. Ҳатто, соҳа адабиётларида дебиторлик қарзларини савдо фаолиятига ёки носавдо фаолиятига ажратиб таҳлил қилиш бўйича аҳамиятли фикрлар, услубий кўрсатмалар берилмаган.

Бирок, иқтисоди ривожланган мамлакатлардаги хўжалик юритувчи субъектларда дебиторлик қарзларини савдо фаолиятига ёки носавдо фаолиятига ажратиб таҳлил қилиш ҳамда уларнинг аҳамияти борасида қарашлар мавжуд.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, биз ҳам миллий хўжалик юритувчи субъектларда ҳам дебиторлик қарзларини савдо фаолиятига ёки носавдо фаолиятига ажратиб таҳлил қилиш ёндашувини маъқул деб топдик. Чунки, дебиторлик қарзларини савдо фаолияти ҳамда носавдо фаолияти бўйича таҳлил қилиш олинадиган қарзларни самарали бошқаришни янада кучайтиради. Бу борадаги фикримизни қуйидаги 12-жадвал асосида тушунтириб берамиз.

**Дебиторлик қарзларини савдо фаолияти ҳамда носавдо фаолияти
бўйича таҳлил қилиш⁸⁷**

Кўрсаткичлар номи	Сатр рақами	Ҳисобот даври бошига		Ҳисобот даври охирига		Фарқи (+;-)	
		Мутлақ қиймати, минг сўм	Салмоғи, %	Мутлақ қиймати, минг сўм	Салмоғи, %	Мутлақ қиймати, минг сўм	Салмоқ, %
Олишга тегишли қарзлар, жами (220+260+310)	210	7859124.00	100	15333847.00	100	7474723.00	x
Шулардан: Олишга тегишли қарзларни муддати ўтган қисми	211	971255.00	12.36	1039308.00	6.78	68053.00	-5.58
Савдо дебиторлик қарзлари, жами (230+240+250)	220	1344993.00	17.11	4438011.00	28.9	3093018.00	11.79
Харидорлар ва буюртмачиларнинг савдо дебиторлик қарзлари, даргумон қарзлар бўйича резерв суммаси айрилган ҳолда (4010 - 4900)	230	1344993.00	17.11	4438011.00	28.9	3093018.00	11.79
Шерик ёки боғлиқ тавсифидаги корхоналарнинг (Шўъба, қарам жамиятлар) савдо дебиторлик қарзлари (4120)	240	-	-	-	-	-	-
Векселлар бўйича савдо дебиторлик қарзлари (4020)	250	-	-	-	-	-	-
Носавдо дебиторлик қарзлари, жами (270+280+290+300)	260	6514131.00	82.89	10895836.00	71.1	4381705.00	-11.79
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	270	-	-	300.00	00.2	300.00	00.2
Бюджетга солиқлар ва йиғимлар ҳамда мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (4400, 4500)	280	3459954.00	44.03	3904653.00	25.46	444699.00	-18.57
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзлари (4600)	290	-	-	-	-	-	-
Бошқа дебиторлик қарзлари (4300, 4700, 4800)	300	3054177.00	38.86	6990883.00	45.59	3936706.00	6.73
Алоҳида бўлинмаларнинг қарзлари (4110)	310	-	-	-	-	-	-

12-жадвал бўйича дебиторлик қарзларини савдо фаолияти ҳамда носавдо фаолияти бўйича таҳлил қилиш, олишга тегишли счётларнинг бухгалтерия балансида акс эттиришнинг таклиф этилаётган моделдан (2.2. параграф, 80-бет, 9-жадвал) маълумот олиш асосида амалга оширилди. Демак, бу борада таклиф қилинган бухгалтерия счётлари ёки бухгалтерия балансидаги

⁸⁷ “UCHQO’RG’ON-YOG” акциядорлик жамияти кўрсаткичлари бўйича тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

ахборотлар таҳлил ва бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларини мақсадга мувофиқ боришида ўз ўрнига эга.

12-жадвал маълумотларига кўра хўжалик субъектида олишга тегишли қарзлар ҳисобот даври бошида 7859124.0 минг сўми, ҳисобот даври охирида 15333847.0 минг сўми ташкил этган. Олишга тегишли қарзлар ҳисобот охирида 7474723.0 минг сўмга кўпайган.

Ҳисобот даври бошида олишга тегишли қарзларнинг муддати ўтган қисми 971255.0 минг сўми ёки жамига нисбатан 12 фоизни ташкил этган. Олишга тегишли қарзларнинг муддати ўтган қисми ҳисобот даври охирида 1039308.0 минг сўм ёки жамига нисбатан 6.78 фоизни ташкил этиб, ўтган даврга нисбатан 68053.0 минг сўмга ёки 5.58 фоизга камайган.

Олишга тегишли қарзларни таркибига кўра савдо дебиторлик қарзлари ҳисобот даври бошида 1344993.0 минг сўм, ҳисобот даври охирида 4438011.0 минг сўми ташкил этган бўлса, жами олишга тегишли қарзларни жамига нисбатан олишга тегишли қарзлар таркибида ҳисобот даври бошланишида 17.11 фоизни, ҳисобот даври охирида 28.9 фоиз бўлиб, 11.79 фоизга кўпайган. Корхонани олишга тегишли қарзлари савдо дебиторлик қарзлари таркибида асосан харидор ва буюртмачиларнинг савдо дебиторлик қарзлари суммасини ташкил этган.

Олишга тегишли қарзларни таркибида носавдо дебиторлик қарзлари ҳисобот даври бошида 6514131.0 минг сўм, ҳисобот даври охирида 10895836.0 минг сўми ташкил этиб, мос равишда ҳисобот даври боши ва охирида 82.89 фоиз ва 71.1 фоизда бўлган. Носавдо дебиторлик қарзлари таркибида ходимларга берилган бўнақлар, бюджетга солиқ ва йиғимлар ҳамда мақсадли давлат жамғармалари ва суғурта бўйича бўнақ тўловлари, бошқа дебиторлик қарзлари бўлган.

Айнан, таклиф этилган ахборот базаси асосида дебитор қарзларини таркиби, тузилиши ва динамикаси таҳлили, дебитор қарзларини ҳолати (айланиши, қопланиши, активлар таркибидаги салмоғи, даргумон қарзлар жами дебиторликдаги салмоғи ва шу кабилар кўрсаткичлар) таҳлили, дебиторлик

қарзларини юзага чиқишини муддатлари бўйича таҳлили, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ўзаро таққослаш таҳлилларини хўжалик юритувчи субъектни савдо фаолияти ҳамда носавдо фаолияти бўйича таҳлил қилиш имконини яратади.

Бу дебиторлик қарзлари бўйича маълумотларни қайта ишлашни, унинг натижасида олинadиган кўрсаткичларни аналитик турини кўпайтиради ҳамда уларнинг аналитик тавсифини кучайтиради. Натижада эса, бу борадаги етарлича бўлган сифатли ахборотлар олинади. Ахборотлар бошқарув қарорларини янада тўғри қабул қилишда муҳим асослардан бири ҳисобланади.

Бизнес амалиётидаги молиявий бошқарув ва молиявий назоратга оид адабиётларни ўрганиш шу ҳолатни кўрсатмоқдаки, уларда дебитор қарзларини таҳлил қилиш масалаларида алоҳида олинган кўрсаткичларни аниқлашда турлича ҳисоб-китоблар, усуллар қўлланилиши, шунингдек уларда муайян камчиликлар мавжуд. Шу ўринда дебитор қарзларини айланиши кўрсаткичи ҳисобланишига эътибор қаратамиз.

Дебитор қарзларини айланиши кўрсаткичинини аниқлаш ва таҳлил қилиш борасида адабиётларда билдирилган фикрларни шартли равишда йирик икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчиси. МДХ олимлари ва мутахассисларининг қарашлари.

Иккинчиси. Иқтисоди ривожланган мамлакатлардаги олимлар ва мутахассисларнинг ёндашувлари.

Республикаимиз олимлари М.Ю.Рахимов, Н.Н.Қаландарова⁸⁸, М.К.Пардаев, Ж.И.Исроилов, Б.И.Исроилов⁸⁹, З.А.Сагдиллаева, И.Ҳ.Чориев, А.Маҳмудов⁹⁰, Б.А.Хасанов, З.А.Муқумов, А.И.Алиқулов, А.Б.Жуманова, Т.Ш.Хажимуратов, Р.Б.Хасанова⁹¹, Россиялик олимлар Л.В.Донцова,

⁸⁸ Рахимов М.Ю., Қаландарова Н.Н. Молиявий таҳлил. Дарслик.-Т.; “Iqtisod-Moliya”, 2019. 455 б.

⁸⁹ Пардаев М.К., Исроилов Ж.И., Исроилов Б.И. Ўқув қўлланма.-Т.; 2017. 414 б.

⁹⁰ Сагдиллаева З., Чориев И., Маҳмудов А., Юлдашева У. Касб-хунар коллежлари учун дарслик. -Т.; “Iqtisod-Moliya”, 2017. 237 б.

⁹¹ Б.А.Хасанов, М.Ю.Рахимов, З.А.Муқумов, А.И.Алиқулов, А.Б.Жуманова, Т.Ш.Хажимуратов, Р.Б.Хасанова. “Молиявий таҳлил”: Дарслик. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2019. – 304-305 бет.

Н.А.Никифорова⁹², М.А.Вахрушина, Н.С.Пласкова⁹³ ва бошқа қатор мутахассисларнинг асосларида хўжалик юритувчи субъектларда дебитор қарзларини айланишини таҳлил қилишда ҳисобот давридаги маҳсулот сотишдан соф тушум ҳамда жами дебитор қарзларини ўртача миқдори кўрсаткичларидан фойдаланиш кўрсатиб ўтилган. Бизнинг фикримизча бу тартибда маҳсулот сотишдан соф тушум кўрсаткичи сотилган маҳсулот ҳажми ёки сотишдан олинган даромад кўрсаткичи билан бир мазмунда берилмоқда. Бироқ амалий бизнес фаолиятида мазкур тушунчалар бир-бирларидан, ҳам мазмунан, ҳам маълумот олиш манбаси жиҳатдан жиддий фарқ қилувчи томонларига эга. Айниқса, йирик турдаги хўжалик юритувчи субъектларни ҳисобот даври якунида уларнинг фарқини яққол кўриш мумкин (Фақат, айрим ҳолатларгина истисно қилинади).

Бундан ташқари, жами дебитор қарзларининг ўртача миқдори кўрсаткичларидан фойдаланиш мазкур турдаги маблағни айланиш тезлиги ҳамда даврини савдо тартибидаги ҳамда савдо тартибида бўлмаган ҳолатлар бўйича ажратиб уларни алоҳида тарзда аниқлаб бера олмайди.

Юқоридаги камчиликлар дебиторлик қарзларини айланишини кўрсатувчи кўрсаткичлардан келиб чиқиб ёки уларга асосланиб амалга ошириладиган барча таҳлил ишларига ўз салбий таъсирини кўрсатиши мумкин.

АҚШлик олимлар Lavrence Revsin, Daniel W. Collins, W. Bruce Johnson⁹⁴, Donald E. Kieso, J. Weygandt, Terry D. Warfieldлар⁹⁵ эса бу борадаги коэффицентни аниқлаш учун сотилган маҳсулот ҳажми ёки сотишдан олинган даромад ва савдо тартибидаги дебиторнинг ўртача кўрсаткичидан фойдаланиш лозимлигини кўрсатмоқдалар.

Бу ҳолатда дебитор қарзларини айланишини ҳисоблашда маҳсулот сотишдан соф тушум кўрсаткичи эътиборга олинмаяпти. Ўтказилган тадқиқот

⁹² Донцова Л.В., Никифорова Н.А. Анализ финансовой отчетности: учебник. – 3-е изд., перераб. И доп.-М.: Издательство “Дело и сервис”, 2005. 278 с.

⁹³ Вахрушина М.А., Пласкова Н.С. Анализ финансовой отчетности: учебник. –М.: Вузовский учебник, 2008. 91 с.

⁹⁴ Lavrence Revsin, Daniel W. Collins, W. Bruce Johnson. Financial reporting and analysis. Prentice Hall, Inc. Simon & Schuster / Aviacom company. (USA) 1999. 335 p.

⁹⁵ Donald E. Kieso, J. Weygandt, Terry D. Warfield. INTERMEDIATE ACCOUNTING. John Wiley & Sons, USA. 2004. 338 p.

натижалари кўрсатмоқдаки, сотилган маҳсулот ҳажми ёки сотишдан олинган даромад кўрсаткичи ҳар доим сотишдан соф тушум кўрсаткичи билан бир хил бўлмайди.

Фақат савдо тартибидаги дебитор қарзлари кўрсаткичларидан фойдаланиш эса, жами дебиторлар ҳамда савдо тартибида бўлмаган дебитор қарзларнинг бўйича айланиш эътибордан четда қолишига олиб келади.

Биз ўрганилаётган масалага оид фикрларидаги янада такомиллаштириш бўйича ўз қарашларимизни билдирмоқчимиз.

Ҳозирги давр иқтисодий муносабатларида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги дебитор қарзлари объектив воқеликнинг натижаси бўлиб, у тобора бизнес фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб бормоқда. Амалдаги “Бухгалтерия баланси”нинг (1-шакл) актив қисмининг “Жорий активлар” бўлимидаги 210- дан то 310 моддалар фақат дебитор қарзларини акс эттириб беради. Иқтисоди ривожланган мамлакатлардаги хўжалик юритувчи субъектлардаги “Бухгалтерия баланси”да (Balance sheet) ҳам дебитор қарзларига оид моддалар мавжуд. Бундан кўринадики, дебитор қарзлар, уларнинг таркиби, улар тўғрисидаги маълумотлар, маълумотларнинг ўзгариши хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тушунишда ҳамда улар бўйича тўғри бизнес қарорларини қабул қилишда ўта муҳим аҳамиятга эга.

Ҳисоб тизимида дебитор қарзларини таҳлил қилиш учун, аввало уларнинг таркибини ва ахборот манбаларини тўғри белгилаб олиш керак. Шу билан бирга дебиторлик қарзларини таҳлил қилишнинг асосланган тизими бўлиш зарур. Бу борадаги хорижий тажрибаларига эътибор берсак, иқтисоди ривожланган мамлакатларда халқаро талабларга жавоб берадиган ҳамда бошқа ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатлар билан умумий уйғунликка эга тизим бор ва у яхши ишламоқда.

Республикамиз миллий ҳисоб тизимида ҳам синовдан ўтган, тажрибаларда тўпланган ва амалиётда самарали қўлланилаётган илғор хорижий усуллар мавжуд. Бундан ташқари миллий ҳисоб тизимда амалдаги халқаро тажрибалардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш имкони бор.

Бирок, тайёр усуллардан фойдаланиш ёки уларга уйғунлашиш учун биз мавжуд халқаро тажрибаларни ҳар томонлама ўрганишимиз керак бўлади. Бунинг учун қатор вазифаларни бажариш талаб этилади.

Дебитор қарзлари айланиши таҳлилида ҳам мунозара талаб этадиган масалалар борки, уларни ҳам ўз вақтида мақбул ечимини топиш ҳисоб тизимидан олинadиган маълумотлар ва ахборотларни объективлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу сабабли дебитор қарзларининг айланишлари сонини ҳамда даврни кўрсатиб берадиган кўрсаткичларни аниқлаш тартиби ҳамда уларда қўлланиладиган маълумотларни давр талаблари асосида қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

МДҲ ҳамда мамлакатимиздаги соҳага доир кўплаб адабиётларда дебитор қарзларининг айланишлари сонини қуйидагича аниқланиш тавсия этилган:

$$D_{\text{ка}} = C_{\text{ст}} / D_{\text{кў}} \quad (1)$$

Бу ерда: $D_{\text{ка}}$ – дебитор қарзларининг айланишлари сони;
 $C_{\text{ст}}$ - сотишдан соф тушум;
 $D_{\text{кў}}$ – дебитор қарзларининг ўртача қиймати.

Дебитор қарзларини айланиш даврини аниқлаш эса қуйидаги тартибда берилган:

$$D_{\text{кад}} = (D_{\text{кў}} * 360) / C_{\text{ст}} \quad (2)$$

Бу ерда: $D_{\text{кад}}$ – дебитор қарзларининг айланиш даври, кунда.

Ушбу 1- ҳамда 2- формулалар учун маълумотлар амалдаги молиявий ҳисоботнинг 1-шакли “Бухгалтерия баланси” ҳамда 2-шакл “Молиявий натижалар тўғрисида” ги ҳисобот шаклларида олинади.

Дастлабки қарашда мазкур икки формулада ҳам ҳеч қандай камчилик йўқдек туюлади. Бирок, биз ҳар бир фойдаланиладиган маълумотни асл мазмунини кўриб чиқсак жиддий муаммоли масалани кўришимиз мумкин. Айнан мана шу муаммоларни ҳал этилмаганлиги мазкур ҳисоблаш тартибида аҳамиятли камчиликлар борлигини билдиради.

Эътибор берилса юқоридаги икки формулада ҳам сотишдан соф тушум ($C_{ст}$) маълумоти ишлатилмоқда. Ушбу маълумот амалдаги молиявий ҳисоботнинг 2-шакли “Молиявий натижалар тўғрисида”ги ҳисоботнинг “Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум” деб номланган 010-сатридан олинади. Эндиги навбатда ушбу сатрга тегишли расмий манбалардаги кўрсатмаларга эътиборимизни қаратамиз.

Биринчи расмий манбада - “Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум” моддаси бўйича (010-сатр) маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматларни сотишдан олинган тушум кўрсатилади, бунда солиқлар (қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи) ҳамда қайтарилган товарлар ва тайёр маҳсулотнинг қиймати, харидорнинг сотиш нархларидан чегирмалари чегирилади.

010-сатр асосий (операцион) фаолиятдан даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (9000) маълумотлари бўйича тўлдирилади.

Асосий фаолияти мол-мулкни ижарага (лизингга) бериш ҳисобланган корхоналар 010-сатр бўйича жорий ҳисобот даврига тегишли бўлган даромад суммасини акс эттирадилар.

Воситачи корхоналар 010-сатрда комиссия ҳақлар суммасини акс эттирадилар, деб кўрсатма берилмоқда.⁹⁶

Иккинчи расмий манбада эса “Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётлар” да (9000) - тайёр маҳсулот, товар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни сотишдан олинган даромадлар, шунингдек сотилган товарларнинг қайтиши, сотиш ва баҳолардан чегирмалар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”;

9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”;

⁹⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоидалари”. <https://lex.uz/docs/821320>

9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”;

9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши”;

9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар”.⁹⁷

Четдан қаралганда юқоридаги икки расмий манбада маҳсулот сотишдан соф тушум билан маҳсулот сотишдан даромад бир хил тушунча тарзида қайд қилинмоқда. Аслида эса бундай эмас.

Амалиёт тажрибаларидан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки - сотилган маҳсулот учун тўланиши керак бўлган пул маблағи хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварағларига тушса ва тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланса, ана шу ҳолатдагина келиб тушган пул маблағи маҳсулот сотишдан ялпи тушум деб аталади. Сотишдан ялпи тушумдан унга тегишли бўлган солиқлар (қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи) ҳамда қайтарилган товарлар ва тайёр маҳсулотнинг қиймати, харидорнинг сотиш нархларидан чегирмалари (агар мавжуд бўлса) чегирилгандан сўнг қолган сумма - маҳсулот сотилишидан соф тушум деб номланади.

Тайёр маҳсулотни сотишдан даромад - хўжалик юритувчи субъектда ҳисоблашиш принциpidан келиб чиқиб сотилди деб ҳисобланган, мазкур муомала тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳолатдаги маҳсулот сотиш ҳажмидаги қийматдир. Маҳсулотни сотишдан даромад таркибида сотишдан солиқлар (қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи) ҳамда қайтарилган товарлар ва тайёр маҳсулотнинг қиймати, харидорнинг сотиш нархларидан чегирмалари бўлмайди. Ушбу кўрсаткични ҳисобда қайд қилиш ёки тан олиш сотилган маҳсулот учун тўланиши шарт бўлган пул маблағи оқимини қачон ва қай тартибда содир бўлишига боғлиқ эмас.

Айтилганлардан маълум бўлмоқдаки, маҳсулот сотилишидан соф тушум


⁹⁷ Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС №21) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисоботлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома», Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган. <https://www.lex.uz/docs/809350>

ҳамда тайёр маҳсулотни сотишдан даромад тушунчаси бир хил мазмун касб этмайди (Фақат, айрим ҳолатларгина истисно қилинади).

Таъкидлаш керакки, ҳисобга олинадиган иқтисодий муомалалар жуда мураккаб мазмунга эга. Башарти, субъектда ҳисобот даврида 100 миллион сўмлик маҳсулот сотилса, сотилган маҳсулот учун тўлов олдиндан ёки ўз вақтида амалга оширилса бу ҳолатда маҳсулот сотилишидан соф тушум ҳамда тайёр маҳсулотни сотишдан даромад тушунчаси бир-бирларига миқдор жиҳатдан мувофиқ келади. Ҳар икки тушунчадан бирини бир мазмунда турли масалаларни кўриб чиқишда бир хил мазмунда фойдаланса бўлади.

Бироқ, субъектда ҳисобот даврида 100 миллион сўмлик маҳсулот сотилса, сотилган маҳсулот учун тўловни 70 миллион сўми мазкур ҳисобот даврида тўланган бўлса 30 миллион сўм эса дебиторлик қарзи бўлиб кейинги ҳисобот даврига ўтказилса, бу ҳолатда маҳсулот сотилишидан соф тушум ҳамда тайёр маҳсулотни сотишдан даромад тушунчаси бир-бирларига мувофиқ келмайди. Чунки, ҳар икки тушунча миқдор жиҳатдан бир-бирларидан фарқ қилмоқда. Уларни бир-бирларига тенг келиши учун ҳисобот даврини ўзи етарли бўлмайди. Ҳар икки тушунчани бир мазмунда турли масалаларни ҳал этишда фойдаланиб бўлмайди. Башарти, шартли равишда шундай ҳолат рўй берса ҳам ҳисоб-китоб ёки таҳлил натижалари тўғри бўлмайди. Мазкур муаммони ечимини қуйидаги 9-расмда кўриш мумкин.

9-расмдан кўриниб турибдики тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромад кўрсаткичи 100 млн. сўмни ташкил қилмоқда. Гарчанд маҳсулот юз фоиз сотилгандек кўринсада, аслида унинг 70 фоизи ҳисобот даврида ҳақиқатдан пул маблағига (тушум) айланди ва ҳисобот даврида субъект фаолиятига фаолиятига қайта киритилади. Дебитор қарзлари даромадни 30 фоизи бўлиб, ҳисобот давридан ортиқ муддатда айланаётганини кўриш мумкин.



9-расм. Ҳисобот давридаги даромад, тушум ва дебитор қарзи маълумотларини юзага чиқиши, ҳисоботда акс эттирилиши ҳамда пул маблағига айланиш тартиби.

Агар бу маълумотлардан фойдаланиб дебитор қарзлар айланишларини ҳисоблаб чиқсак, қуйдаги натижалар ҳосил бўлади.

1. Тайёр маҳсулотни сотишдан даромад кўрсаткичи қўлланилгандаги ҳолат.

$$100 / 30 = 3,3 \quad (3)$$

Демак, ҳисобот даврида маҳсулот сотиш бўйича дебиторлик қарзи 3,3 марта айланган. (Бу ҳисоб-китобда дебиторлик қарзи кўрсаткичининг ўртача миқдори олинishi керак эди. Бирок, дебиторлик қарзи кўрсаткичининг ўртача миқдори ҳам мазкур суммага яқин бўлар эди. Шу сабабли 30 миллион сўм шартли равишда олинди.)

2. Ҳисобот даврида маҳсулот сотилишидан тушган тушум кўрсаткичи қўлланилгандаги ҳолат:

$$70 / 30 = 2,3 \quad (4)$$

Ҳисобот даврида маҳсулот сотиш бўйича дебиторлик қарзи 2,3 марта айланган.

Таҳлилда фарқ кўрсаткичи 1 бирликдан (3,3-2,3) иборат бўлмоқда. Яъни, олинган даромадга нисбатан дебиторлик қарзи 3,3 марта айланмоқда, соф тушумга нисбатан дебиторлик қарзи 2,2 марта айланмоқда. Ҳисобот даврида маҳсулот сотилишидан тушган тушум кўрсаткичи қўлланилгандаги тартиб ҳолат бўйича тўғрироқ натижани бермоқда. Чунки, мазкур ҳисоб-китоб ҳақиқатда келиб тушган пул маблағига (тушумга) асосланмоқда.

Кейинги жараёнларда фарқни юзага келтирган ҳар бир омилни аниқлаб, унинг фарқ кўрсаткичига таъсири ҳисобланади.

Башарти, молиявий натижаларда сотишдан олинган даромад кўрсаткичи қиймати сотишдан олинган тушум суммасига тенг бўлмаса, у ҳолда сотишдан олинган даромад кўрсаткичидан (100) маҳсулот сотиш бўйича ўртача дебиторлик қарзи (30) айириб ташланиб, сотишдан олинган тушум суммаси топилади $70=(100 - 30)$.

13-жадвал

Дебиторлик қарзларини айланишини таҳлили⁹⁸

№	Кўрсаткичлар	Ахборот манбаси	Ўтган ҳисобот даври	Жорий ҳисобот даври	Фарқи (+;-)
1.	Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан соф тушум, минг сўм (Даромад шаклидаги ҳолати)	Амалдаги 2-сон ҳисобот, 010 сатр	84295562.00	124781536.00	40485974.00
2.	Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан соф тушум, минг сўм (Ҳақиқатдаги пулга айланган ҳолати)	Ички ҳисоботлардан олинди	69308038.00	105890034.00	36581996
3.	Жами олишга тегишли қарзларнинг ўртача кўрсаткичи, минг сўм	Таклиф этилган модел, 210 сатр	7159124.00	11596485.00	4437361
4.	Жами савдо дебиторлик қарзларининг ўртача кўрсаткичи, минг сўм	Таклиф этилган модел, 220 сатр	987524.00	2891502.00	1903978
5.	Жами савдо дебиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти, марта (Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан соф тушум (Даромад шаклидаги ҳолати))	1 қатор / 4 қатор	85.36	43.15	-42.21
6.	Жами савдо дебиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти, марта (Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан соф тушум (Ҳақиқатдаги пулга айланган ҳолати))	2 қатор / 4 қатор	70.18	36.62	-33.56
7.	Жами олишга тегишли қарзларнинг айланиш коэффициенти, марта (Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан соф тушум (Даромад шаклидаги ҳолати))	1 қатор / 3 қатор	11.77	10.76	-1.01
8.	Жами олишга тегишли	2 қатор /	9.68	9.13	-0.55

⁹⁸ “UCHQO’RG’ON-YOG” акциядорлик жамияти кўрсаткичлари бўйича тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

	қарзларнинг айланиш коэффициенти, марта (Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан соф тушум (Ҳақиқатдаги пулга айланган ҳолати))	3 қатор			
--	---	---------	--	--	--

13-жадвал маълумотлари асосида, дебиторлик қарзларини айланишни маҳсулот (товар, ишлар ва хизматлар) сотишдан соф тушумни даромад шаклидаги ҳолати ва ҳақиқатда пулга айланган ҳолати бўйича таҳлил қилинган. Маҳсулот (товар, ишлар ва хизматлар) сотишдан соф тушумни даромад шаклидаги ҳолати бўйича ўрганилганда ўтган ҳисобот даврида 84295562.0 сўм, жорий ҳисобот даврида эса 124781536.0 сўмни ташкил этиб, жорий ҳисобот даврида ўтган даврга нисбатан 40485974.0 сўмга кўпайган.

Маҳсулот (товар, ишлар ва хизматлар) сотишдан соф тушумни ҳақиқатда пулга айланган ҳолати бўйича ўрганилганда ўтган ҳисобот даврида 69308038.0 сўм, жорий ҳисобот даврида эса 105890034.0 сўмни ташкил этиб, жорий ҳисобот даврида ўтган даврга нисбатан 36581996.0 сўмга кўпайган.

Жорий ҳисобот даврида ўтган ҳисобот даврига нисбатан жами олишга тегишли қарзларнинг ўртача кўрсаткичи 4437361 минг сўмга, жами савдо дебиторлик қарзларининг ўртача кўрсаткичи 1903978 минг сўмга кўпайган.

Дебиторлик қарзларининг айланишини таҳлил қилишда жами савдо дебиторлик қарзларининг айланиш коэффициентини маҳсулот (товар, ишлар ва хизматлар) сотишдан соф тушумни даромад шаклидаги ҳолати бўйича аниқланганда ўтган ҳисобот даврида 85.36 коэффициент, жорий ҳисобот даврида эса 43.15 коэффициентни ташкил этиб, жорий ҳисобот даврида ўтган даврга нисбатан -42.21 коэффициентга камайган.

Жами савдо дебиторлик қарзларининг айланиш коэффициентини маҳсулот (товар, ишлар ва хизматлар) сотишдан соф тушумни ҳақиқатда пулга айланган ҳолати бўйича аниқланганда ўтган ҳисобот даврида 70.18 коэффициент, жорий ҳисобот даврида эса 36.62 коэффициентни ташкил этиб, жорий ҳисобот даврида ўтган даврга нисбатан -33.56 коэффициентга камайган.

Дебиторлик қарзларининг айланишини таҳлил қилишда жами олишга тегишли қарзларининг айланиш коэффициентини маҳсулот (товар, ишлар ва хизматлар) сотишдан соф тушумни даромад шаклидаги ҳолати бўйича аниқланганда ўтган ҳисобот даврида 11.77 коэффициентни, жорий ҳисобот даврида эса 10.76 коэффициентни ташкил этиб, жорий ҳисобот даврида ўтган даврга нисбатан -1.01 коэффициентга камайган.

Жами савдо дебиторлик қарзларининг айланиш коэффициентини маҳсулот (товар, ишлар ва хизматлар) сотишдан соф тушумни ҳақиқатда пулга айланган ҳолати бўйича аниқланганда ўтган ҳисобот даврида 9.68 коэффициент, жорий ҳисобот даврида эса 9.13 коэффициентни ташкил этиб, жорий ҳисобот даврида ўтган даврга нисбатан -0.55 коэффициентга камайган.

Олишга тегишли қарзларнинг айланиши коэффициенти кўрсаткичини такомиллаштириш мақсадида мазкур ҳисоб-китобнинг амалдаги “Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан соф тушум” компонентини, ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгартириш зарур деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоидалари” да белгиланган молиявий ҳисоботнинг 2-шакли “Молиявий натижалар тўғрисида”ги ҳисоботнинг “Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан соф тушум” деб номланган (010-сатр) моддасини “Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан даромад” деб номланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу билан ахборотнинг шакл ва мазмуни бирлиги таъминаланади ҳамда шаффофлиги янада ортади. Бу ўзгариш билан миллий ҳисоб тизимидаги дебитор қарзлари айланиши таҳлил қилиш натижаларининг аниқлиги янада ошади. Шу билан бирга таклиф қилинган тартибни амалиётга қўлланилиши миллий ҳисоб тизими усулларини халқаро усулларга уйғунлашувидаги яна бир муҳим қадам бўлади.

Тадқиқот жараёнларида маълум бўлдики, юқорида айтиб ўтилган каби муаммолар молиявий активларнинг таркибий қисми бўлган пул маблағларини таҳлил қилиш тартибларида ҳам мажуд.

Бундай камчиликлар асосан иккита сабаб туфайли юзага келган.

Биринчи сабаб. Пул маблағларини таҳлил қилишдаги услубий камчиликлар.

Иккинчи сабаб. Пул маблағларини таҳлил қилишда ахборот базасини давр талаблари даражасида эмаслиги.

Мазкур камчиликларни бартараф этиш ҳамда бу борадаги таҳлил ишларини халқаро амалиётга уйғунлашишини таъминлаш мақсадида қуйидаги таклифларимизни ишлаб чиқдик.

Монографиянинг 2-боб, 2.1. параграфида пул маблағларини чекланган ва чекланмаган гуруҳга ажратиш ва бухгалтерия балансида пул маблағларини акс эттириш бўйича таклифлар юқорида айтиб ўтилган пул маблағлари таҳлиliga оид камчиликларни бартараф қилиб, бу борадаги таҳлилни янада такомиллаштиради. Бу фикрни 14-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш асосида билиб олса бўлади.

14-жадвал

Пул маблағлари таҳлили⁹⁹

№	Кўрсаткичлар номи	Шартли белги	Ахборот манбаси	Ҳисобот даври бошига		Ҳисобот даври охирига		Фарқи (+;-)	
				Мутлақ қиймати, минг сўм	Салмоғи, %	Мутлақ қиймати, минг сўм	Салмоғи, %	Мутлақ қиймати, минг сўм	Салмоқ, %
1.	Пул маблағлари, жами (сатр. 330+340), шу жумладан:	Ж _{пм}	Таклиф этилган модел, 320 сатр	2633789	100	11928497	100	9294708	х
1.1.	Ҳисоблашиш ва чет эл валютасидаги пул маблағлари. Пул эквивалентлари (5100, 5200, 5600),	Ч _{пм}	Таклиф этилган модел, 330 сатр	227634	8.64	2994393	25.10	2766759	16.46
1.2.	Чекланган пул маблағлари (5000, 5500, 5700)	ХЧ _{пм}	Таклиф этилган модел, 340 сатр	2406155	91.36	8934104	74.90	6527949	-16.46
2.	Жорий мажбуриятлар, минг сўм	Ж _м	Амалдаги 1-сон шакл, 600-сатр	139059840	х	98167206	х	-40892634	х
3.	Мутлақ тўлов ҳолати, жами пул маблағлари бўйича.	МТ _{жпм}	1-қатор / 2-қатор	0.02	х	0.12	х	0.1	х

⁹⁹ “NAMANGANDONMAXSULOTLARI” акциядорлик жамияти кўрсаткичлари бўйича тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

4.	Мутлақ тўлов ҳолати, чекланмаган пул маблағлари бўйича.	МТ _{чпм}	1.1. қатор / 2-қатор	0.0016	х	0.03	х	0.028	х
----	---	-------------------	----------------------	--------	---	------	---	-------	---

14-жадвал маълумотларига кўра корхонада пул маблағлари ҳисобот даври бошида 2633789 минг сўм, ҳисобот даври охирида эса 11928497 минг сўмни ташкил этиб, ҳисобот даврини охирида 9294708 минг сўмга кўпайган. Ҳисоблашиш ва чет валютасидаги пул маблағлари, пул эквивалентлари жами пул маблағлари таркибида ҳисобот даврини бошида 8.64 фоиз ёки 227634 минг сўмни, ҳисобот даврини охирида 25.10 фоиз ёки 2994393 минг сўмни ташкил этган.

Пул маблағлари таркибида чекланган пул маблағлари ҳисобот даврини бошида 91.36 фоиз ёки 2406155 минг сўмни, ҳисобот даврини охирида 74.90 фоиз ёки 8934104 минг сўмни ташкил этган. Чекланган пул маблағлари таркиби ҳисобот даври бошида жорий мажбуриятлар 139059840 минг сўмни, ҳисобот даври охирида эса 98167202 минг сўмни ташкил этиб, ҳисобот даври охирида 40892634 минг сўмга камайган.

Пул маблағларини таҳлил қилинганда мутлақ тўлов ҳолати жами пул маблағларига нисбатан ва чекланмаган пул маблағлари бўйича ўрганилган. Мутлақ тўлов ҳолати жами пул маблағларига нисбатан ўрганилганда, ҳисобот даври бошида 0.02 коэффицентни, ҳисобот даври охирида эса 0.12 коэффицентни ташкил этиб, 0.1 коэффицентга ҳисобот даври охирида кўпайган.

Мутлақ тўлов ҳолати чекланмаган пул маблағларига нисбатан ўрганилганда, ҳисобот даври бошида 0.0016 коэффицентни, ҳисобот даври охирида эса 0.03 коэффицентни ташкил этиб, 0.028 коэффицентга ҳисобот даври охирида кўпайган.

14-жадвал маълумотлари хўжалик юритувчи субъектни жами пул маблағлари (320 сатр), чекланмаган (330 сатр) ҳамда чекланган пул маблағларини ҳисобот даври бошидаги ва якунидаги мутлақ ва салмоқдаги ҳолатларини ҳамда улардаги ўзгаришларини аниқлаб беради. Бу билан жами

пул маблағлари, чекланмаган ҳамда чекланган пул маблағлари ўзгаришлари атрофлича таҳлил қилинади ва натижаларга баҳо берилади. Ўзгаришларни келтириб чиқарган сабаблар ҳамда омиллар бирма-бир таҳлил қилинади.

Бундан ташқари 14-жадвалдаги яна бир жиҳат пул маблағи билан боғлиқ бўлган ёки уни иштирокисиз аниқланиб бўлмайдиган хўжалик юритувчи субъектларни молиявий ҳолатининг муҳим томони бўлган мутлақ тўлов ҳолатини аниқлаб ҳамда унинг ўзгаришини кўрсатиб беради. Жадвалда тўлов ҳолати икки кўрсаткич тартибида таҳлил қилинмоқда.

Биринчи. Мутлақ тўлов ҳолати, жами пул маблағлари бўйича.

Иккинчи. Мутлақ тўлов ҳолати, чекланмаган пул маблағлари бўйича.

Монографияни 2.1. параграфи 71-бетида “Хўжалик субъекти ихтиёридаги пул маблағларини фойдаланиш имконияти асосида чекланган ҳамда чекланмаган тавсиф касб этишига кўра фарқлаш корхоналар молиявий ҳолатини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Махсус мақсадларга белгиланган ёки фойдаланилиши чекловларга эга бўлган пул маблағларидан хўжалик юритувчи субъектларнинг барча қисқа муддатли мажбуриятларини тўлаш учун фойдаланиб бўлмайди”, деб кўрсатиб ўтганмиз.

Мутлақ тўлов ҳолати коэффицентини ҳисоблаганда жами пул маблағларини жами суммаси олингани учун мазкур кўрсаткич юқори чиқади. Бунинг сабаби, чекланган пул маблағларининг (5000, 5500, 5700) таъсири эътиборга олинмайди. Бу чекланган пул маблағлари ҳам барча қисқа муддатли тўловларни тўлашга ишлатса бўлади деган қарашга асосланмоқда. Бизнинг фикримизча, бу нотўғри қараш. Миллий ҳамда МДҲ мамлакатларнинг иқтисодий таҳлилга оид барча адабиётларида ҳамда бизнес амалиётида айнан шу қараш асосида таҳлил ишлари олиб борилади.

Мазкур камчиликни бартараф этиш мақсадида биз бу борага тегишли иккинчи тартибни таклиф этдик. Яъни, мутлақ тўлов ҳолатини чекланмаган пул маблағлари асосида аниқлаш тартиби. Бу усулда, мутлақ тўлов ҳолати коэффицентини ҳисоблаганда, унинг натижасига фойдаланилиши пул маблағларининг таъсири эътиборга олинмайди. Мазкур тартиб мутлақ тўлов

ҳолатини тўғри аниқлаб беради. Яъни, барча қисқа муддатли тўловларни тўлашга чекланмаган пул маблағларини қанчалик етиши ёки етмаслиги кўриб чиқилади. Бу ҳолат натижасини қуйидаги формулада акс эттирилади.

$$MT_{\text{жпм}} - MT_{\text{чпм}} = \Delta MT \quad (5)$$

Бу ерда: ΔMT - фойдаланилиши чекланган пул маблағларининг мутлақ тўлов ҳолати ($MT_{\text{жпм}}$) коэффициентига таъсир миқдори.

Мутлақ тўлов ҳолати чекланмаган пул маблағлари ($MT_{\text{чпм}}$) бўйича аниқланганда чекланган пул маблағларининг мутлақ тўлов ҳолати коэффициентига таъсири элиминация қилинган бўлади. Мутлақ тўлов ҳолатини чекланмаган пул маблағлари ($MT_{\text{чпм}}$) бўйича аниқлаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$MT_{\text{чпм}} = (Ч_{\text{пм}} / Ж_{\text{м}}) \quad (6)$$

Тадқиқот давомида пул маблағларини таҳлилига тегишли қатор камчиликлар ҳамда такомиллаштириши зарур масалалар мавжуд эканлиги аниқланди. Бирок, уларни барчасини тадқиқот иши давомида кўриб чиқиш ва ҳал этишни имкони йўқ.

Таъкидлаш керакки, пул маблағлари ҳолати, ҳаракати ва ўзгаришларини таҳлили юқорида кўрсатиб ўтилган таҳлиллар асосида амалга оширилади. Энг асосий жиҳат бу борада таклиф қилинган ахборот базаси кўплаб масалаларни самарали ҳал қилишга имкон беради, деб ҳисоблаймиз.

3.2. Пандемия шароитида кичик хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари таҳлилида касса усулини қўлланилиши ва унинг ахборот таъминоти

Мазкур параграфда касса усулида ҳисобланган пул маблағларини кирими ҳамда чиқимига оид маълумотларни ҳам аналитик, ҳам умумлашган тарзда шакллантирувчи бухгалтерия ҳисобининг ички ҳисоботи шаклининг модели таклиф қилинмоқда. Модел - пандемия шароитида хўжалик юритувчи субъектлардаги мавжуд пул маблағлари ҳаракати ва ҳолатини алоҳида ҳисоб объектлари, фаолият турлари ҳамда фаолият турларининг жами бўйича кирими ва чиқимини аниқ ифодалаб беришга тайинланган ички ҳисоботни

ихчамлаштирилган ифодасидир. Моделдаги маълумотлар кичик бизнесни бошқаришда пул маблағлари билан боғиқ мақбул қарорларни қабул қилиш учун асослардан бири бўлади. Натижада эса, пандемияни салбий таъсирларига қарамасдан кичик хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тўғри ва узлуксиз бошқариш имкониятлари ошади.

Пандемия таъсирида юзага келган иқтисодий инқирозни ўзига хос жиҳати бизнес субъектларнинг ўзаро муносабатларида, ҳам талабни, ҳам таклифни бир-бирларига боғлиқ бўлмаган ҳолатда биргаликда камайишига олиб келди. Бунинг бош сабабларидан бири иқтисодий фаолиятини вақтинча мажбуран тўхтатиш (оммавий карантин) ҳолатлари ҳисобланмоқда. Натижада ишлаб чиқариш учун хом ашёлар сотиб олиш ҳам вақтинча тўхтамоқда ёки қисқармоқда, шу билан бирга ишлаб чиқариш, уларни сотиш ҳажми ҳам камаймоқда ёки тўхтамоқда. Бу эса, хўжалик юритувчи субъектлардаги пул маблағларининг айланиш ҳажмини кескин қисқаришга олиб келди ёки келмоқда.

Пандемиянинг салбий (ноодатий) ҳолатини иқтисодиёт субъектларига таъсирларини юмшатиш мақсадида ҳар бир мамлакат ўз имконияти доирасида турли чораларни қўллаб, қўплаб тадбирларни амалга оширмоқдалар. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам бу борадаги бир қатор аҳамиятли чора-тадбирлар амалиётга жорий этилди ва этилмоқда.¹⁰⁰

Масаланининг муҳим жиҳати эса хўжалик юритувчи субъектларда имконият доирасидаги мавжуд пул маблағларидан шароитдан келиб чиққан ҳолда мақбул ва самарали фойдаланишни йўлга қўйишдир. Бундан келиб чиқадики, пандемия (ноодатий) шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятда пул маблағларини жалб этиш, сарфлаш ҳамда уларни кўпайтира оладиган муомалаларни тўғри бошқаришни таъминлайдиган маъқул иқтисодий механизм ёки воситаларни йўлга қўйиш энг зарур ва марказий масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил ўзининг

¹⁰⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 18 май, ПФ-5996-сон.

муҳим ўрнига эга.

Бироқ, соҳага оид адабиётларда мазкур масалага тегишли, яъни ноодатий шароитларда пул маблағлари ҳисоби ва таҳлиliga оид фикрлар билдирилмаган. Биз томонимиздан ўрганиб чиқилган қатор адабиётларда асосан ҳисоблашиш усулининг афзалликлари, касса усулининг камчиликлари буйича қарашлар баён этилган, холос.¹⁰¹

Мавжуд манбаларда пандемия шароитига ўхшаган ўз хусусий тасифига эга бўлган глобал (ноодатий) ҳолатлар ва уларнинг хўжалик юритувчи субъектларга таъсири, бундай шароитда ҳисоб ёки таҳлилни фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш, қўшимча тадбирлар қўлланилиши натижасида нималарга эришиш мумкин деган масалалар кўриб чиқилмаган.

Биз пандемия шароитида кичик хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб тизимидаги касса усулининг имкониятларидан бошқарув ҳисоби ҳамда таҳлили йўналишларида фойдаланишнинг керакли томонларини модел шаклида кўрсатиб бермоқчимиз.

Кичик хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисобида пул маблағлари ҳаракати ва ҳолатини шакллантириб берувчи ички ҳисобот бухгалтерия ҳисобининг амалдаги барча усулларида фойдаланилган ҳолда шакллантирилган. Ички ҳисобот моделида бу ёндашув яққол кўриниб турибди. Лекин, бу ердаги асосий жиҳат пул маблағларини кирими ёки чиқимини ҳисобга олишда касса усулига асосланишдир. Яъни, ҳақиқатда келиб тушган

¹⁰¹ Jerry J. Weygandt, Paul D Kimmel, Donald E. Kieso. Financial Accounting. 11 editions, 2020. Australia., Очиллов И.К., Темирханова М.Ж. Финансовый учёт.-Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2021., Мавланов, Н.Н. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлигини баҳолашда таҳлил методикасини такомиллаштириш. Монография. -Т.: "LESSON PRESS" МЧЖ нашриёти. 2021 й. 189 бет., Финансовый анализ: учебник / З.А. Сагдиллаева, У.А. Юлдашева, Б.Б. Алимов; -Т.: "IQTISOD-MOLIYA" , 2020, -448 с., Пардаев А.Х. Пардаева З.А. Бошқарув ҳисоби.-Н.: IQTISOD-MOLIYA, 2019., Казакова, Н.А. Финансовый анализ: учебники и практикум для бакалавриата и магистратуры. В 2 ч. Часть 2 / Н.А. Казакова. – 2-е изд., перераб. и доп. – М. : Издательство Юрайт, 2019.-209 с. (5-34) (biblio-online.ru), Toshmatov, N. Buxgalteriya hisobi nazariyasi : darslik. T.Toshmatov.-Toshkent: "O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati" nashriyoti, 2019. -376 bet., Barry Elliott, Jamie Elliot. Financial Accounting and Reporting, 18 th edition. Pearson. 2018. UK., Shirley Carlou, Rosina McAlpine, Chrisan Lee, Lorena Mitrione, Ngaire Kirk. Financial Accounting: Reporting, Analysis and Decision Making. 6 th Edition. 2018. UK., Jerry J. Weygandt, Paul D Kimmel, Donald E. Kieso. Financial Accounting with International financial Reporting Standards, 4 th Edition, 2018.Иванова, Людмила Ивановна. Анализ финансовой отчетности: учебное пособие / Л.И. Иванова, А.С. Бобылева. –Москва; КНОРУС, 2018. -332 с.

пул маблағи даромад тарзида киримга олинади, ҳақиқатда тўланган пул маблағлари чиқим тарзида мазкур ҳисоботда акс эттирилади.

Таклиф этилаётган ички ҳисобот шаклининг мазмуни - ҳисоблашиш усули билан касса усулини уйғунлаштирган ҳолда кичик хўжалик юритувчи субъектдаги бошқарув ҳисоби ва таҳлилида пул маблағлари ҳаракати ва ҳолати бўйича, ҳам аналитик, ҳам йиғма маълумотларни фаолият турлари (ҳисоб объектлари) бўйича хронологик ҳамда тизимлаштирилган усулда шакллантириб бериш ташкил этади. Бу ички ҳисобот билан кичик хўжалик юритувчи субъектдаги фаолият турлари (ҳисоб объектлари) ҳамда уларга сарфланган харажатлар бўйича ҳақиқатдаги пул чиқимлари, шу билан бирга мутоносиб тартибда фаолият турлари (ҳисоб объектлари) бўйича ҳақиқатдаги пул киримларини ҳолати бўйича муайян санага бўлган маълумотларини шакллантиришга эришиш имконини беради. Ҳақиқатдаги пул чиқими ҳамда кирими тўғрисидаги маълумотлар, аввало пул маблағларини тўғри бошқариш, шу асосда эса бизнес фаолиятини мақбул ҳаракатини таъминлашга қаратилган бошқарув қарорларни қабул қилиш учун зарурдир.

Кичик хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари ҳаракати ва ҳолатини шакллантириб берувчи ички ҳисобот шакли пандемия шароитида пул маблағларини мақбул бошқаришда бир қатор ижобий жиҳатларига эга. Мазкур ички ҳисобот шаклини ва мазмунини, унинг алгоритминини модел тарзида 15-жадвал асосида кўриб чиқамиз.

15-жадвалнинг бўйламаси йўналишидаги А (Харажатлар) ва С (Даромадлар) устунлар бўйича маълумотлар хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини шакллантириш тартибига асосланган ҳолатда тузилган ва хўжалик юритувчи субъектларнинг барча фаолият турларини қамраб олган. Бироқ, таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур ички ҳисобот молиявий натижаларни аниқлаш учун мўлжалланмаган. Балки, у қуйидаги мақсадлар учун керак.

Кичик хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари ҳаракати ва ҳолатини шакллантириб берувчи ички ҳисобот шаклининг модели¹⁰²

Харажатларнинг фаолият турлари бўйича таркибланиши	Шу жумладан:		Даромадларнинг фаолият турлари бўйича таркибланиши	Шу жумладан:	
	Пул маблағи чиқимини талаб этишига кўра фаолият объектидаги харажатлар таркиби			Пул маблағи киримига кўра фаолият объектидаги даромадлар таркиби	
А	В		С	Д	
1. Ишлаб чиқариш харажатлари (X_1) ($X_1 = X_{1Y} + X_{1C} + X_{1Z}$)	Пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар (X_{1Y})	Кредиторлик ҳисобига шакллантирилган харажатлар (X_{1C})	1. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан даромад (S_1) ($S_1 = S_{1Y} + S_{1D} + S_{1Z}$)	Пул киримини олиб келган сотув (S_{1Y})	Дебитор мажбуриятлар (S_{1D}) Бошқа шакллардаги даромад (S_{1Z}) Жами даромад ($S_1 = S_{1Y} + S_{1D} + S_{1Z}$)
	Пул маблағи чиқимини талаб этмаган харажатлар (X_{1Z})			Бошқа шакллардаги даромад (S_{1Z})	
	Жами харажат ($X_1 = X_{1Y} + X_{1C} + X_{1Z}$)			Жами даромад ($S_1 = S_{1Y} + S_{1D} + S_{1Z}$)	
2. Давр харажатлари (X_2) ($X_2 = X_{2Y} + X_{2C} + X_{2Z}$)	Пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар (X_{2Y})	Кредиторлик ҳисобига шакллантирилган харажатлар (X_{2C})	Х	Х	
	Пул маблағи чиқимини талаб этмаган харажатлар (X_{2Z})				
	Жами харажат ($X_2 = X_{2Y} + X_{2C} + X_{2Z}$)				
Х	Х	Х	2. Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар (S_2) ($S_2 = S_{2Y} + S_{2D} + S_{2Z}$)	Пул кирими (тушуми) шаклида (S_{2Y})	Дебитор мажбуриятлар (S_{2D}) Бошқа шакллардаги даромад (S_{2Z}) Жами даромад ($S_2 = S_{2Y} + S_{2D} + S_{2Z}$)
				Дебитор мажбуриятлар (S_{2D})	
				Бошқа шакллардаги даромад (S_{2Z})	
				Жами даромад ($S_2 = S_{2Y} + S_{2D} + S_{2Z}$)	
3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар (X_4) ($X_4 = X_{4Y} + X_{4C}$)	Пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар (X_{4Y})	Кредиторлик ҳисобига шакллантирилган харажатлар (X_{4C})	3. Молиявий фаолиятдан даромадлар (S_3) ($S_3 = S_{3Y} + S_{3D}$)	Пул тушуми шаклида (S_{3Y})	Дебитор мажбуриятлар (S_{3D}) Жами даромад ($S_3 = S_{3Y} + S_{3D}$)
	Кредиторлик ҳисобига шакллантирилган харажатлар (X_{4C})			Дебитор мажбуриятлар (S_{3D})	
	Жами харажат ($X_4 = X_{4Y} + X_{4C}$)			Жами даромад ($S_3 = S_{3Y} + S_{3D}$)	
4. Фавқулудда харажатлар (зарарлар) (X_5) ($X_5 = X_{5Y} + X_{5Z}$)	Пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар (X_{5Y})	Пул маблағи чиқимини талаб этмаган харажатлар (X_{5Z})	4. Фавқулудда даромад (S_4) ($S_4 = S_{4Y}$)	Пул тушуми шаклида (S_{4Y}) ($S_4 = S_{4Y}$)	
	Пул маблағи чиқимини талаб этмаган харажатлар (X_{5Z})				
	Жами харажат ($X_5 = X_{5Y} + X_{5Z}$)				
5. Фойдадан солиқлар (X_6) ($X_6 = X_{6Y}$)	Пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар (X_{6Y}) ($X_6 = X_{6Y}$)		Х	Х	
6. Ялпи харажатлар ($X_{\Sigma X}$)	Пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар ($X_{\Sigma Y}$)		5. Ялпи даромад ($S_{\Sigma S}$)	Пул тушуми шаклида	

¹⁰² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

$(X_{\Sigma X} = X_1 + X_2 + X_4 + X_5 + X_6)$ ёки $(X_{\Sigma X} = X_{\Sigma Y} + X_{\Sigma C} + X_{\Sigma Z})$	$(X_{\Sigma Y} = X_{1Y} + X_{2Y} + X_{4Y} + X_{5Y} + X_{6Y})$	$(S_{\Sigma S} = S_1 + S_2 + S_3 + S_4)$ ёки $(S_{\Sigma S} = S_{\Sigma Y} + S_{\Sigma D} + S_{\Sigma Z})$	$(S_{\Sigma Y} = S_{1Y} + S_{2Y} + S_{3Y} + S_{4Y})$
	Кредиторлик ҳисобига шакллантирилган харажатлар $(X_{\Sigma XC}) X_{\Sigma C} = X_{1C} + X_{2C} + X_{4C}$		Дебитор шаклида $(S_{\Sigma D} = S_{1D} + S_{2D} + S_{3D})$
	Пул маблағи чиқимини талаб этмаган харажатлар $(X_{\Sigma Z}) (X_{\Sigma Z} = X_{1Z} + X_{2Z} + X_{5Z})$		Бошқа шаклларда $(S_{\Sigma Z} = S_{1Z} + S_{2Z})$
	Ялпи харажат $X_{\Sigma X} = X_{\Sigma XY} + X_{\Sigma XC} + X_{\Sigma XZ}$		Ялпи даромад $(S_{\Sigma S} = S_{\Sigma Y} + S_{\Sigma D} + S_{\Sigma Z})$
7. Ўтган даврдан қолган кредиторлик қарзларини тўлаш учун (X_7)	Муддати келган кредиторлик қарзлар учун пул чиқими (X_{7Y})	6. Ўтган даврдан қолган дебиторлик қарзларни ундирилиши (S_5)	Қолган дебиторлик қарзларидан пул тушуми (S_{5Y})
Ҳисобот давридаги жами пул чиқими (X_8) $X_8 = (X_{\Sigma Y} + X_{7Y})$		Ҳисобот давридаги жами пул кирими (S_6) $S_6 = (S_{\Sigma Y} + S_{5Y})$	

Ҳисоботнинг А устунда жойлашган 1-; 2-; 3-; 4-; 5-катаклар фаолият турига кўра харажатларни алоҳида-алоҳида шакллантиришга, мазкур устундаги 6 катак эса фаолият турларига тегишли ялпи харажатни кўрсатиб беришга тайинланган. Ҳар бир фаолият турига сарфланган харажатлар (В устун 1-; 2-; 3-; 4-; 5-катаклар) пул маблағи чиқимини талаб этишига кўра – пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар, кредиторлик ҳисобига шакллантирилган харажатлар, пул маблағи чиқимини талаб этмаган харажатлар ҳамда тегишли объектни жами харажатлари бўйича маълумотларни акс эттиради.

Пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар бизнес жараёни содир бўлаётган вақтда пули тўланиб, яъни пул маблағи чиқим қилиниб муайян фаолиятдаги ҳисоб объектига (ёки объектларига) жалб этилган сарфлардир. Бу ерда ҳар бир тан олинган харажат тури, ўзи қиймати бўйича пул чиқимини талаб этган. Мисол учун, хом ашёга пул тўланиб сотиб олинди ва шу пайтда ўзида ишлаб чиқаришга сарфланди ёки сарфлана бошлади.

Кредиторлик ҳисобига шакллантирилган харажатлар эса бизнес жараёни содир бўлаётган пайтда пули вақтинчалик тўланмай, яъни пул маблағи вақтинчалик чиқим қилинмай фаолиятга жалб этилган сарфлардир. Яъни, пули маълум муддатдан сўнг тўланадиган жорий кредиторлик қарзлар фикримизга мисол бўла олади.

Пул маблағи чиқимини талаб этмаган харажатлар гуруҳи эса асосий воситаларни эскириши ёки номоддий активлар амортизациялари каби

сарфлардир.

Ҳар бир фаолият тури (С устун 1-; 2-; 3-; 4-катаклар) бўйича ҳамда уларга мос келувчи ҳисоб объектларидаги даромадларнинг пул маблағи киримига кўра таркибланиши (D устун 1-; 2-; 3-; 4-катаклар) ҳам ҳисоботнинг энг муҳим жиҳатлардан бири бўлиб ҳисобланади. С устун 5-катакда ялпи даромад ва унинг таркиби D устунда келтирилган.

Ҳисоб объектидаги пул тушуми шаклидаги даромад - даромад тан олинган пайтдаги унга мос тушум билан таъминланган пул маблағлари киримдир. Яъни, ушбу сотилган маҳсулот учун маҳсулот сотилган пайтда ёки олдинроқ пули олинган муомалалар.

Дебитор шаклидаги даромадлар – муайян санага сотилган маҳсулот учун даромад тан олинган, бироқ тўланиши керак бўлган қиймат жорий дебитор мажбуриятлари шаклида турган муомалалардир.

Бошқа шакллардаги даромадлар бартер муомалалари асосида тан олинган даромадлар, кредитор қарзларни узиш бўйича маҳсулотларни сотиш (бериш) кабиларни ўз ичига олади. Мазкур даромад тури юқоридаги икки даромад турларига кирмайдиган даромадлардан иборат бўлади.

Мазкур ички ҳисобот маълумотлари фаолият турлари бўйича ҳамда ҳар бир ҳисоб объектларидаги харажатлар ва даромадларнинг ўзаро таққослаш имконини беради. Бу билан ҳар бир ҳисоб объекти бўйича нақд пул чиқими ҳамда кирими, кредиторлик ҳамда дебиторликнинг таъсири, пул чиқими талаб этмайдиган харажатлар ҳамда пул маблағи келтирмайдиган даромадларнинг ҳолати яққол кўринади.

Бу ерда яна бир муҳим ҳолат ялпи фаолият ҳамда ҳар бир ҳисоб объекти учун қанча пул чиқими амалга оширилганини аниқ билишдир. Пул чиқими бўйича маълумот А ва В устунларнинг 6-катакларида шакллантирилади ва олинади. Фаолиятнинг ялпи харажати ичида пул маблағи чиқимини талаб этган сарфлар ушбу ҳисоб-китоб асосида $X_{\Sigma X} = X_{\Sigma Y} + X_{\Sigma C} + X_{\Sigma Z}$ (А устун 6-катак) амалга оширилади. Ҳар бир ҳисоб объектига тегишли пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар $X_{\Sigma Y} = X_{1Y} + X_{2Y} + X_{4Y} + X_{5Y} + X_{6Y}$ (В устун 6-катак) да

шакллантирилади.

Хўжалик юритувчи субъект фаолияти учун сарфланган ялпи харажатларнинг қанчаси айнан шу даврда пул чиқимини талаб этганлигини билиш учун шарт. Бу билан хўжалик юритувчи субъект фаолиятини шу даврда юргизиш учун зарур ёки чиқим қилиниши шарт бўлган пул маблағини минимал миқдори аниқ бўлади. Демак, хўжалик юритувчи субъектда муайян даврдаги фаолияти учун шу миқдордаги пул маблағи мавжуд бўлиши керак.

Мавжуд минимал миқдордаги пул маблағларнинг қанчаси айнан ҳар бир ҳисоб объектига тегишли бўлишини ёки сарфланишини $X_{\Sigma Y} = X_{1Y} + X_{2Y} + X_{4Y} + X_{5Y} + X_{6Y}$ формула воситасида билса бўлади. Бу пул маблағларнинг ҳар бир ҳисоб объекти ўртасида пул маблағини мақбул тақсимоли учун жуда ҳам зарур.

Ҳар бир ҳисоб объектининг жами харажатлари таркибидаги пул маблағини талаб этадиган харажатларни шакллантириш эса шу объект фаолиятини олиб бориш зарур бўлган минимал пул маблағи миқдорини кўрсатиб беради.

А ва В устунларнинг 7-катакларидида ўтган даврдан қолган, бироқ муддати келган кредиторлик қарзлари учун пул чиқими акс эттирилади.

Ҳисобот давридаги жами пул чиқими X_8 катакда берилади.

Пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар тўғрисидаги учта маълумот хўжалик юритувчи субъект фаолиятини, ҳар бир фаолият турини ҳамда ҳисоб объектининг ташкил этиш ва юритишни пул маблағлари воситасида бошқаришда жуда муҳим. Ушбу маълумотлар фақат муайян давр якунидаги фаолият бўйича пул маблағлари чиқимини акс эттиришга мўлжалланган эмас. Балки, пул маблағлари чиқимини прогноз қилиш ҳамда режалаштириш учун ҳам ўта зарур. Булардан ташқари пул маблағлари чиқимини прогноз, режа ҳамда ҳақиқатдаги ҳолатини, шу билан бирга муайян даврлардаги динамикасини билиш ва ўзгаришларга таъсир этадиган омилларни таҳлил қилиш учун ҳам керак. Айтиб ўтилган маълумотлар пандемия шароитида хўжалик юритувчи субъект фаолиятини бошқариш бўйича тўғри

бизнес қарорларини қабул қилишда асос бўлади.

Бизнес фаолият учун минимал ёки меъёрдаги пул маблағларини мавжуд бўлиши хўжалик юритувчи субъектига даромад кўринишидаги пул маблағларининг киримига боғлиқ. Шу сабабли ҳисоботнинг яна бир муҳим жиҳати даромадларнинг пул маблағлари кирими бўйича аниқ шакллантириб беришга мослаштирилганлигидир. Хўжалик юритувчи субъект ялпи даромади тўғрисидаги маълумот (С устун 5-катак $S_{\Sigma S} = S_{\Sigma Y} + S_{\Sigma D} + S_{\Sigma Z}$ формула), ҳар бир фаолиятдан пул шаклида кирим қилинган даромадлар (D устун 5-катаклар $S_{\Sigma Y} = S_{1Y} + S_{2Y} + S_{3Y} + S_{4Y}$) ҳамда алоҳида олинган ҳисоб объектидаги пул шаклида кирим қилинган даромадлар (С устун 1-; 2-; 3-; 4-катакларда) кўринишида шакллантирилади.

Ҳисобот даврида ўтган даврлардан қолган дебиторлик қарзларини ундирилган қисми кўрсатилади.

Ҳисобот давридаги жами пул кирими S_6 шартли белги билан қайд қилиниб охирги катакда берилган.

Юқоридаги маълумотлар турли мақсадларда ўрганилиши мумкин. Монографиянинг 3.3. параграфида бу борада сўз боради.

Ушбу маълумотлар хўжалик юритувчи субъектга ҳар бир фаолият туридан қанча пул маблағи даромад шаклида олинганлиги, унинг ҳажми, мазкур сана бўйича пул чиқими талаб этган харажатларни қоплашга етарлилиги ёки ортиқчалигини билиш учун керак. Бундан ташқари ҳисобот даври учун қанча пул узлуксиз даромад шаклида келиб тушиши ҳамда уларни заҳира кўринишида мавжуд бўлиб туришига етарлилиги ўрганилади. Шу билан бирга қайси ҳисоб объектидан пул маблағи кирими кўп ва ўз вақтида келаётганлиги аниқланади. Башарти, пул маблағларини даромад шаклида кирими етарли бўлмаса хўжалик юритувчи субъект қисқа муддатли ёки узоқ муддатли кредит олиш чора тадбирларини белгилайди. Қисқача айтганда пул кўринишида кирим қилинган даромадлар ҳисоб-китоби ва таҳлили харажатлар ҳисоб-китоби ва таҳлили билан бир ҳил. Фақат пул кирими даромад нуқтаий назаридан ўрганилади.

Ҳисобот маълумотлари асосида хўжалик юритувчи субъект фаолияти ҳамда ҳар бир ҳисоб объекти бўйича пул таъминотини аҳволини баҳолаш учун пул кирими ва чиқими муносабати бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг ҳолатининг ички мезонларини белгилаб олиш мумкин (16-жадвал).

16-жадвалдаги мезонларга асосланиб ҳар бир алоҳида олинган ҳисоб объектидаги (шунингдек хўжалик юритувчи субъект бўйича жами) пул чиқими ва кирими бўйича бу борадаги ҳолатга баҳо бериш мумкин. Мазкур баҳолаш фақатгина ўтган давр учун эмас балки прогноз мақсадлари учун ҳам аҳамиятлидир.

16-жадвал

Пул кирими ва чиқими нисбати бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг ҳолатини баҳолаш мезонлари¹⁰³

Ҳисоб объекти номи	Формула	Мезонлар			
		аъло	яхши	қониқарли	ёмон
Ҳисобот давридаги жами пул кирими (К) билан ҳисобот давридаги жами пул чиқимининг (Ч) нисбат кўрсаткичи (N)	$N = (К/Ч)$	$N \geq 2$	$N = (1,9-1,5)$	$N = (1,4-1,1)$	$N < 1$

Шу жойда таъкидлаш керакки мазкур ёндашув кичик хўжалик юритувчи субъектда ҳар бир фаолият тури ёки ҳисоб объекти бўйича, айниқса муайян маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаришда қўлланилаётганда, ресурсларни сотиб олиш ва уларни сарфлаш ҳажми имкон қадар сотилган маҳсулотнинг (иш, хизмат) ҳажмидаги истеъмол этилган ресурслар миқдорига тенг ёки яқин бўлиши керак. Шу билан бирга таъминот ва сотиш даври қисқа муддатли тавсиф касб этса ушбу ички ҳисобот шакли маълумотларининг қарор қабул қилишдаги аҳамияти юқори бўлади. Башарти, бу муддат узоқроқ тавсиф касб этса, у ҳолда маълумотларнинг аҳамияти ўта кучли бўлмаслиги мумкин. Чунки, мазкур ёндашув асосида касса методи турибди.

Бунинг мазмуни шу ердаки, ҳар бир ҳисоб объектини муайян давр оралиғида ишлаб чиқариш ва сотиш учун қанча пул чиқими керак бўлди, шу

¹⁰³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

билан биргаликда қанча пул киримини даромад шаклида олди деган маълумотлар кўриб чиқилади. Айнан, ҳисоб объектидаги пул чиқими ва кирими ишлаб чиқариш фаолиятини қўшимча пул маблағи жалб этмай узлуксиз давом эттиришга етарли эканлиги бўйича маълумот олинади.

Бундан ташқари пул киримини (ҳар бир ҳисоб объектлари бўйича биргаликда) шу даврдаги ортиқча қисми хўжалик юритувчи субъектнинг давр харажатлари, молиявий харажатлар ва солиқ тўловларига ҳам етиш ёки етмаслиги ўрганилади. Башарти, маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш ўртасидаги вақт узоқ муддат касб этса пул оқимлари бошқа усулларда таҳлил қилиниши мумкин.

Пандемия шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ўз айланмаси учун етарли пул маблағига эга бўлиши ҳамда мавжуд маблағлардан шароитдан келиб чиққан ҳолда мақбул ва самарали фойдаланишни йўлга қўйиши асосий масаладир. Таклиф этилаётган ички ҳисобот шакли пандемия шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида пул маблағларини жалб этиш, сарфлаш ҳамда уларни кўпайтира оладиган муомалаларни тўғри бошқариш учун ўзининг амалий аҳамиятига эгадир.

Мазкур ҳисоб тартиби, яъни касса усули асосида қайд қилинган пул кирими ҳамда чиқими тўғрисидаги маълумотларни ҳар бир ҳисоб объекти, фаолият тури, жами бизнес фаолияти бўйича шакллантирилиши, бизнес фаолиятида мавжуд пул маблағлари ҳаракати ҳолатини билиш ва уларни назорат қилиш, пул маблағлари ҳаракати ўртасидаги мутаносибликка эришиш ва уни бир маромда ушлаш ёки ижобий қолдиқ билан давом эттириш, пул маблағлари ҳаракатини прогноз қилиш учун муҳим восита ҳисобланади. Ушбу восита, бошқа механизмлар билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектлар бизнес фаолиятини шароитдан келиб чиқиб узлуксиз давом эттириб олиб борилишини таъминлашга хизмат қилади. Таъкидлаш керакки, мазкур восита кичик хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти учун мослаштирилган тарзда ишлаб чиқилган.

Таклиф этилган бошқарув ҳисобидаги ички ҳисобот шакли модели

хўжалик юритувчи субъект бизнес фаолиятида нақд пул маблағларини кирими ва чиқими ҳолатини ҳисоб объекти, фаолият тури ва фаолият турларининг жами бўйича кўрсатиб беришга тайёрланганлиги билан ўзига хос тавсиф касб этади.

Ҳисобот шаклидаги маълумотлар муайян сана учун қайси ҳисоб объектига қанча пул маблағи сарфланганлигини ҳамда қайси ҳисоб объектидан қанча пул маблағи келиб тушганлигини аниқ кўрсатиб беришга тайёрланган.

Тегишли ҳисоб объектларига сарфланган харажатлар учун чиқим қилинган ёки даромад тарзида кирим қилинган пул маблағлари хўжалик юритувчи субъектлардаги қайси маҳсулот (иш,хизмат) ёки фаолият турини қанчалик пул тушуми олиб келаётганлигини ёки пул маблағи чиқимини талаб қилаётганини билиш учун ҳам зарур. Бу билан хўжалик юритувчи субъектдаги нақд пул маблағини мавжудлиги ва уни келгусида янада кўпайтиришга оид аҳамиятли қарорлар қабул қилишда фойдаланилади.

Тегишли ҳисоб объектларига сарфланган харажатлар учун чиқим қилинган ёки даромад тарзида кирим қилинган пул маблағлари хўжалик юритувчи субъектдаги қайси маҳсулот (иш, хизмат) ёки фаолият турини қанчалик пул тушуми олиб келаётганлигини ёки пул маблағи чиқими содир бўлаётганини тезкор назорат қилиш учун зарур.

Нақд пул маблағларини кирими ва чиқими ҳолатини ҳисоб объекти, фаолият тури ва фаолият турларининг жами бўйича шакллантирилган маълумотлар тўплами нақд пул маблағларидан келгусида мақбул фойдаланишни аниқ прогноз қилиш учун ўта муҳим.

Асосийси, пандемия (ноодатий) шароитида хўжалик юритувчи субъект бизнес фаолиятини меъёрий ҳолатда олиб бориш ёки уни ривожлантириш учун зарур бўлган пул маблағларини топиш ва улардан самарали фойдаланишда қўлланиладиган амалий усул ва восита бўлиб қолади.

3.3. Пандемия шароитида вазиятли ёндашув асосида пул маблағларини таҳлил қилиш

Пандемия шароитида вазиятли ёндашув асосида пул маблағларини таҳлил қилишни назарий ҳамда амалий жиҳатларини тушуниш учун фаннинг методи ҳамда барча усулларини билиш зарур.

Турли фанларда ўз предметини ўрганишга ёндашув усуллари (жумладан, иқтисодий таҳлил ҳам) билишнинг умумий диалектик методига асосланади.

Таҳлилда диалектик методдан фойдаланиш хўжалик юритувчи субъектнинг бизнес фаолиятини ўрганиш барча ўзаро боғлиқликларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши лозимлигини англатади. Ҳеч бир ҳодиса агар у бошқалардан ажратилган ҳолда кўриб чиқилса, тўғри тушунилиши мумкин эмас. Мисол учун, янги техникани жорий этишнинг маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи даражасига таъсирини ўрганишда нафақат бевосита, балки билвосита алоқани ҳам ҳисобга олиш зарур. Маълумки, янги техника жорий этилиши билан ишлаб чиқариш харажатлари, демак маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи ҳам ошади. Лекин бу ҳолат меҳнат унумдорлиги ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса иш ҳақидан тежалишига ва шу омил туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи пасайишига олиб келади. Демак, у ёки бу иқтисодий ҳодисани англаш ва тўғри баҳолаш учун барча ўзаро алоқаларнинг бошқа ҳодисалар билан ўзаро боғлиқликларини ўрганиш зарур. Бу ҳам иқтисодий таҳлилнинг методологик жиҳатларидан биридир.

Шунингдек, таҳлилнинг муҳим методологик жиҳатларидан бири унинг нафақат сабаб-оқибат алоқаларини ўрганиш, балки уларга миқдорий тавсиф бериши, яъни фаолият натижаларига омиллар таъсирини миқдоран ўлчашни таъминлаш саналади. Бу аналитик тадқиқотлар даражасини оширади.

Таҳлилда сабаб алоқаларини ўрганиш ва ўлчаш индукция ва дедукция методи билан амалга ошириш мумкин. Мантӣкий индукция кўмагида сабаб алоқаларини ўрганиш усули шундан иборатки, тадқиқот хусусийдан умумий томон, хусусий далиллардан умумлаштириш, сабабдан натижа томон олиб борилади. Дедукция – шундай усулки, бунда тадқиқот умумий далиллардан

хусусийга, натижалардан сабабга томон амалга оширилади. Иқтисодий таҳлилда ҳам у ҳам бу ёндашувдан фойдаланилади. Индукция методлари барча кўрсаткичларнинг алоҳида омилларга нисбатан ўзгаришидаги таъсирчанликни комплекс баҳолаш учун қўлланилади. Дедукция ёрдамида тадқиқ этилаётган натижавий кўрсаткични шакллантирувчи бутун комплекс омиллар тадқиқ қилинади.

Билишнинг диалектик методига мувофиқ ҳар бир жараён, ҳар бир иқтисодий ҳодисани тизим ва тизимга ўзаро боғлиқ элементлар мажмуаси сифатида кўриб чиқиш лозим. Буларнинг ҳар бири унинг ривожланиши учун муносиб ҳисса қўшади. Тизим элементларидан бирига ички ёки ташқи таъсирдаги ихтиёрий таъсир унинг бошқа элементларида ҳам ўз аксини топади. Бундан таҳлил объектларини ўрганишга тизимли ёндашув зарурати келиб чиқади, бу тадқиқот методологиясининг йўналишларидан бири ҳисобланади. Тизимли ёндашув таҳлил объектини чуқур ўрганишга, у ҳақида янада тўлиқ ва яхлит тасаввур олишга, бу объектнинг алоҳида қисмлари ўртасидаги сабаб-оқибат алоқаларини аниқлашга имкон беради.

Тизимли ёндашувнинг асосий хусусияти – динамизм, ўзаро таъсир, ўзаро боғлиқлик, тизим элементларининг ўзаро алоқаси, комплекслилик, яхлитлилик, тобелик, етакчи бўғин ажратилиши кабилардир.

Тизимли ёндашув элементлари ўрганилаётган ҳодисалар ва жараёнларнинг максимал деталлаштириш (хусусий таҳлил) ва уларнинг тизимлаштирилишини кўзда тутаяди. У ёки бу ҳодисаларни деталлаштириш (таркибий қисмларга ажратиш) ўрганилаётган объектда янада жиддий ва асосийсини аниқлаш учун зарур бўлган даражада олиб борилади. У объект ва таҳлил мақсадига боғлиқ. Бу иқтисодий таҳлилдаги мураккаб вазифа бўлиб, аналитикдан иқтисодий ҳодисалар моҳияти, шунингдек, уларнинг ривожланишини аниқловчи омил ва сабаблар ҳақида аниқ билимлар талаб қилади.

Тизим элементларини тизимлаштириш уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро таъсирини ўрганиш асосида амалга оширилади. Бу асосий

компонентларни, функцияларни, тизим элементлари тобелигини аниқлашга, ўрганилаётган объект (тизим) нинг тахминий тузилишли-мантиқий таҳлил моделини тузишга имкон беради. График жиҳатда у одатда расм кўринишида тақдим бўлади, бу ерда ҳар бир элементга муайян блок мос келади. Алоҳида блоклар ўзаро стрелкалар билан боғлиқ, улар ички ва ташқи тизим алоқалари мавжудлиги ва йўналишини кўрсатади. Тузилишли-мантиқий чизмалар асосида математик боғлиқлик шакллари белгиланади, тизимнинг элементлари ўртасидаги ўзаро алоқани тавсифловчи математик моделлар тузилади, уларнинг параметрлари аниқланади. Тизимлаштириш таҳлилдаги ўта масъулиятли давр ҳисобланади. Бу жараёнда доимий омилларни тасодифийларидан ажратиш, кўплаб ўрганилаётган омилларнинг тўпламидан фаолият натижалари боғлиқ бўлган асосийларини аниқлаш зарур.

Иқтисодий таҳлилнинг юқорида қайд қилинган томонлар билан бевосита шартланган муҳим методологик жиҳати, хўжалик юритувчи субъектнинг бизнес фаолиятидаги иқтисодий жараён ва ҳодисаларнинг сабаб-оқибат алоқаларини комплекс, тизимли тадқиқ қилиш учун зарурий саналувчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш ҳисобланади.

Таҳлилда тизимли билан бир қаторда вазиятли ёндашув мавжуд бўлиб, у амалга ошириш белгиланган функцияни инқирозли ҳодисалардан огоҳлантириш мақсадида бошқарилиши лозим бўлган вазиятдир. Тўғри қарор қабул қилиш учун юзага келган вазиятни баҳолаш ва унинг истиқболда ривожланишини прогнозлаш зарур. Вазиятли ёндашувнинг ўзига хослиги шундан иборатки, у тизимли таҳлилнинг асосий ғояларини ривожлантириб, энг аҳамиятли тизим параметрларини, энг долзарб омилларни ажратади, кўйилган мақсадларга янада самарали усуллар билан эришиш мумкин бўлганларига таъсир кўрсатади. Вазиятли ёндашув ҳозирги вақтда иқтисодий таҳлилни ривожлантириш методология ва методикасининг энг истиқболли

йўналишларидан бири саналади. Юқорида айтиб ўтилган барча фикрлар “Иқтисодий таҳлил назарияси” номли ўқув қўлланмадан олинди.¹⁰⁴

Вазиятли ва тизимли ёндашув методларининг ўзига хос жиҳатларидан пандемия шароитида ҳам фойдаланса бўлади. Чунки, пандемия шароитининг ўзи аниқ вазият деб олинади ҳамда унинг элементлари тизимлаштирилади. Мана шу асосда энг асосий ва муҳим бўлган элемент аниқланади. Бу элемент бошқа тизим элементларин аниқ вазиятда ишлаб кетишига сабабчи бўлади. Яъни, у ишласа бошқалар тизим тарзида ишлайди. Натижада хўжалик юритувчи субъект вазиятдаги имконияти даражасида функциясини амалга оширади.

Маълумки кичик хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида унинг узлуксизлиги ва самарадорлигини белгиловчи энг муҳим элементлардан бири пул маблағлари мавжудлиги ва ҳаракатланганлигидир. Киримига қараб чиқим қилиш субъектни пандемия шароитида бизнес фаолиятини амалга оширишни таъминлаб турди. Пул маблағларини самарали бошқариш эса ҳисоб ва таҳлил воситаларига асосланиб йўлга қўйилди. Буни қуйидаги 17-жадвал мисолида тушунтириб берамиз.

¹⁰⁴ Iqtisodiy tahlil nazariyasi \ O'quv qo'llanma : B.J Hakimov, B.B.Alimov, U.A.Xolmirzaev, A.Po'latov. Toshkent Moliya instituti. – T.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2012, - 40-42 betlar.

“АРК МЕБЕЛ ПЛЮС” МЧЖ пул маблағлари ҳаракати ва ҳолатини шакллантириб берувчи ички ҳисобот шаклининг модели

№	Харажатлар (Чиқимлар)		Ҳисобот даври, 2020 йил август ойи учун		Фарқи (+;-)	Даромадлар (Тушумлар)		Ҳисобот даври, 2020 йил август ойи учун		Фарқи (+;-)	
			Прогноз	Ҳақиқатда				Прогноз	Ҳақиқатда		
A	B		C	D	E (D-C)	H		F	G	N (G-F)	S (G-D)
1.	Ишлаб чиқариш харажатлари (X ₁)	Пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар	75000,0	79342,3	4342,3	Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан даромад (S ₁)	Пул киримини олиб келган сотув	114700,0	118610,8	3910,8	39268,5
		Кредиторлик ҳисобига шакллантирилган харажатлар	15000,0	10600,4	-4399,6		Дебитор мажбуриятлар	21000,0	17201,0	-3799	6600,6
		Пул маблағи чиқимини талаб этмаган харажатлар	12485,0	12485,0	-		Бошқа шакллардаги даромад	-	-	-	-
		Жами харажат	102485,0	102427,7	-57,3		Жами даромад	135700,0	135811,8	111,8	33384,1
2.	Давр харажатлари (X ₂)	Пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар	12000,0	12000,0	-	X	X	X	X	X	x
		Кредиторлик ҳисобига шакллантирилган харажатлар	-	-	-						X
		Пул маблағи чиқимини талаб этмаган харажатлар	2185,5	2185,5	-						x
		Жами харажат	14185,5	14185,5	-						x
3.	X	X	X	X	X	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари (S ₂)	Пул кирими (тушуми) шаклида	-	7000,0	7000,0	-
		X	X	X	X		Дебитор мажбуриятлар	-	-	-	-
		X	X	X	X		Бошқа шакллардаги даромад	-	-	-	-
		X	X	X	X		Жами даромад	-	7000,0	7000,0	7000,0
4.	Молиявий фаолият	Пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар	-	-	-	Молиявий фаолиятдан	Пул тушуми шаклида	1870,0	1870,0	-	1870,0

	бўйича харажатлар(X_4)	Кредиторлик ҳисобига шакллантирилган харажатлар	-	-	-	даромадлар (S_3)	Дебитор мажбуриятлар	-	-	-	-
		Жами харажат	-	-	-		Жами даромад	1870,0	1870,0	-	1870,0
5.	Фавқулудда харажатлар (зарарлар) (X_5)	Пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар	-	-	-	Фавқулудда даромад (S_4)	Пул тушуми шаклида	-	-	-	-
		Пул маблағи чиқимини талаб этмаган харажатлар	-	-	-						-
		Жами харажат	-	-	-						-
6.	Фойдадан солиқлар (X_6)	Пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар	-	-	-	x	x	x	x	x	-
7.	Ялпи харажатлар ($X_{ΣX}$)	Пул маблағи чиқимини талаб этган харажатлар	87000,0	91342,3	4342,3	Ялпи даромад	Пул тушуми шаклида	116570,0	127480,8	10910,8	36138,5
		Кредиторлик ҳисобига шакллантирилган харажатлар	15000	10600,4	-4399,6		Дебитор шаклида	21000,0	17201,0	-3799,0	6600,6
		Пул маблағи чиқимини талаб этмаган харажатлар	14670,5	14670,5	-		Бошқа шаклларда	-	-	-	-14670,5
		Ялпи харажат	116670,5	116613,2	-57,3		Ялпи даромад	137570,0	144681,8	7111,8	28068,6
8.	Ўтган даврдан қолган кредиторлик қарзларини тўлаш учун	Муддати келган кредиторлик қарзлар учун пул чиқими	12500,0	12500,0	-	Ўтган даврдан қолган дебиторлик қарзларни ундирилиши	Қолган дебиторлик қарзларидан пул тушуми	15000,0	10000,0	-5000,0	-2500,0
9.	Ҳисобот давридаги жами пул чиқими	99500,0	103842,3	4342,3	Ҳисобот давридаги жами пул кирими	131570,0	137480,8	5910,8	33638,5		

17-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кичик хўжалик юритиш субъектида ҳисобот давридаги (2020 йил август оyi) жами пул кирими прогноз бўйича 131570.0 минг сўм қилиб белгиланган. Ҳақиқатда эса 137480.8 минг сўм кирим қилишга эришилган. Натижа прогнозга нисбатан 5910.8 минг сўмга кўп бўлган. Пандемия шароитида киримнинг ижобий ҳолати, кейинги ҳисобот даври учун пул ресурслари кўпайганини билдиради.

Пул тушуми прогнози ҳамда мажуд бошқа имкониятлар (маҳсулотга бўлган талаб, муддати келган кредитор қарзлари учун тўлов ва шу кабилар) дан келиб чиқиб ҳисобот даври учун жами пул чиқими 99500.0 минг сўм деб прогноз қилинган. Ҳақиқатда эса мазкур кўрсаткич 103842.3 минг сўмни ташкил этган. 4342.3 минг сўм прогнозга нисбатан ортиқча чиқим қилинган. Пул маблағини ҳақиқатдаги киримини прогнозга нисбатан фарқини худди шу ҳолатдаги чиқим фарқига таққосласак, натижа $1568.5=(5910.8-4342.3)$ минг сўмни ташкил этади. Албатта фарқ аҳамиятсиз сумма бўлсада шароитга нисбатан олганда ижобий ҳисобланади. Бу ерда асосий вазият чиқимга нисбатан киримни камайиб кетмаганлигидир. Энг муҳими сезиларсиз бўлсада ўсишнинг таъминланганлигидир.

Ҳисобот оyi якунида пул маблағларини 137480.8 минг сўм жами кирими, мазкур ойдаги 103842.3 минг сўм жами чиқимдан 33638.5 минг сўмга кўп бўлган. Мазкур даврда хўжалик юритувчи субъект пул маблағларининг ижобий ҳаракати ва натижасига эришган. 137480.8 минг сўмни мавжудлиги навбатдаги ҳисобот оyi учун манба ҳамда асосий фаолиятни давом эттириш учун имконият ҳисобланади.

Таҳлилда жами пул маблағлари кирими ҳамда чиқимини ўзгаришига таъсир этган бирликлар алоҳида ўрганиб чиқилади. Ҳисобот оyiда ишлаб чиқариш харажатлари учун чиқим қилинган пул маблағи 79342.3 минг сўм, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан олинган, яъни кирим қилинган тушум 118610.8 минг сўмни ташкил этган. Буларнинг фарқи 39268.5 минг сўм бўлган. Субъект бу ҳолатда ҳам яхши натижага эришган. Бироқ, ишлаб чиқариш харажатлари учун чиқим қилинган пул маблағи прогноз

кўрсаткичларида ҳақиқатда 4342.3 (79342.3-75000.0) минг сўмга ортиқча чиқим қилинган. Бу эса, жами пул маблағларини шу суммага кўп чиқим бўлишига келтириб чиқарган. Мазкур ортиқча чиқимни сабаби субъект ходимлари ишлаб чиқариш харажатлари таркибида Кредиторлик ҳисобига шакллантириладиган харажатларни 4399.6 минг сўмга нотўғри прогноз қилганлари бўлган. Ушбу сумма кредит, яъни кейинчалик тўловни амалга ошириш шаклида олинмаганлиги сабабли унинг ўрнига 4342.3 минг сўм пул тўлаб берилган. Демак, пандемия шароитида ҳар бир бирлик пухта прогноз қилиниши зарур экан.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан олинган, яъни кирим қилинган тушум маблағи прогноз кўрсаткичларида ҳақиқатада 3910.8 (118610.8-114700.0) минг сўмга ортиқ бўлган. Бу ҳам ижобий натижа. Чунки, жами пул маблағи киримини 3910.8 минг сўмга оширмоқда.

Пандемия шароитида давр харажатлари қатъий назорат қилингани учун прогноз кўрсаткичидан чиқиб кетишга йўл қўйилмаган. Молиявий харажатлар борасида ҳам шу фикрни билдириш мумкин. Шу туфайли улар содир бўлмаган.

Солиқ тўловлари учун ҳисобот оий имтиёзли давр ҳисобланган.

Ўтган даврдан қолган кредиторлик қарзларини тўлашда муддати келган кредиторлик қарзлари 12500.0 минг сўм қилиб белгиланган ва ўзгаришсиз тўланган.

Субъект пул киримини кўпайтиришда асосий фаолиятни бошқа даромадлари ҳамда молиявий фаолиятдан даромад олишда тактик усуллардан яхши фойдаланган, вазиятни тезкор таҳлил қилиб, кераксиз деб топилг активларини сотган ҳамда стонокни қисқа муддатга ижарага берган. Натижада эса пул киримини 8870.0 (7000.0+1870.0) минг сўмга оширишга эришган.

17-жадвал маълумотларидан аён бўлмоқдаки субъект барча дебиторлари тўлов ҳолатини чуқур ўрганиб чиқиш керак. Бу билан дебиторликдан реал ундирилиши мумкин бўлган пул маблағлари прогноз қилишга эришилади.

17-жадвалнинг 8-қатордаги маълумотлар ҳисобот ойдаги ялпи харажат ва ялпи даромад ҳамда уларнинг пул маблағлари ҳаракатига нисбатан

шаклланиш таркибини кўрсатиб беради. Бу билан даромад ва харажатларни қанчалигини тезкор билса бўлади. Асосийси, фаолият самарадорлигига баҳо берилади. Ҳисобот шаклидаги маълумотлар навбатдаги ой учун асосий манбалардан бири бўлиб ҳисобланади.

17-жадвал маълумотлари асосида ҳисобот давридаги пул кирими ва чиқимининг ўзаро нисбати аниқланиб хўжалик юритувчи субъектнинг бу борадаги ҳолатини баҳолаш мумкин.

18-жадвал

Пул кирими ва чиқими нисбати бўйича “АРК МЕБЕЛ ПЛЮС” МЧЖнинг ҳолатини баҳолаш мезонлари¹⁰⁵

Ҳисоб объекти номи ва формуласи	Ҳисоб-китоби	Мезонлар			
		аъло	Яхши	кониқарли	ёмон
Ҳисобот давридаги жами пул кирими (К) билан ҳисобот давридаги жами пул чиқимининг (Ч) нисбат кўрсаткичи (N). $N = (К/Ч)$	137480.8 / 103842.3 = 1.3 N=1.3	$N \geq 2$	$N = (1.9-1.5)$	$N = (1.4-1.1)$	$N < 1$

18-жадвал маълумотлари ҳисобот давридаги пул кирими ва чиқимининг ўзаро нисбатига кўра пул маблағи ҳаракатини меъёрида деб баҳоласа бўлади. Демак, хўжалик юритувчи субъектда пул маблағлари кирими ҳамда чиқимига асосланган мазкур ҳисобот шаклидан фойдаланиб ҳисобот даврида одатдаги фаолиятини бир меъёрда олиб борилиши таъминланди. Шу билан бирга фаолият самарадорлигига эришилди.

Мазкур бобдаги молиявий активлар илмий таҳлили асосида ноодатий шароитда ҳисоб ва таҳлил ишларига янгича ёндашувларга оид қуйидаги таклифлар билдирилмоқла.

1. Хўжалик юритувчи субъектларда олишга тегишли сўғларни савдо фаолияти фаолияти бўйича таҳлил қилиш услуги, унинг тартиблари, ахборот манбалари, бу борадаги кўрсаткичлар, кўрсаткичларни аниқлаш усуллари

¹⁰⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ишлаб чиқилди ва таклиф этилди. Олишга тегишли счётлар таҳлилида даромад, соф тушум ва дебитор қарзига оид ахборотларини қўллаш тартиблари бўйича, яъни аниқ ҳисоб- китобни таъминлайдиган аҳамиятли таклифлар берилди.

2. Хўжалик юритувчи субъектларда пул ва унга тенглаштирилган маблағларни тайинланиш мақсадларига кўра эркин ва чекланган турларга ажратиб таҳлил қилиш услуби, унинг тартиблари, ахборот манбалари, бу борадаги кўрсаткичлар, кўрсаткичларни аниқлаш усуллари ишлаб чиқилди ва таклиф этилди. Чекланган пул маблағларини пул маблағлари иштирок этадиган кўрсаткичларни аниқ ҳисоб-китоб қилишга салбий таъсирлари кўрсатиб берилди.

3. Пандемия шароитида пул маблағлари кирими ҳамда чиқими асосида кичик корхоналар фаолиятини бошқариш воситаларидан бири ҳисобланган “Кичик хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари ҳаракати ва ҳолатини шакллантириб берувчи ички ҳисоб модели” ишлаб чиқилди ва таклиф этилди. Моделнинг моҳияти корхонадаги мавжуд пул маблағлари ҳамда уларнинг кирими асосида пул маблағлари чиқимини йўлга қўйиб, шу мутоносиблик асосида фаолиятни узлуксизлигини таъминлашга эришишдир.

4. Ноодатий шароитларда пул маблағлари таҳлил қилишни вазиятли ва тизимли ёндашувлар асосида олиб бориш услубларидан амалиётда фойдаланиш таклиф этилди. Унинг амалий аҳамияти кўрсатиб берилди.

ХУЛОСА

Молиявий активлар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш борасидаги илмий тадқиқот иши натижасида қуйидаги хулосалар олинди.

1. Жаҳон иқтисодиётида муносабатлар тури кўпайиб, улар тобора ривожланиб ҳар томонлама такомиллашиб бормоқда. Макроиқтисодиёт миқёсида реал ҳамда молиявий сектордаги мураккаб ўзгаришлар ўз навбатида микроиқтисодиётга, яъни хўжалик юритувчи субъектларга ҳам ўз таъсирларини кўрсатмоқда ёки уларнинг бизнес фаолиятида муайян муносабатлар кўринишида акс этмоқда.

2. Иқтисодиётда янги муносабат деб номланувчи воқеликларни тушуниш ҳамда улардан самарали фойдаланиш учун ҳар бир алоҳида олинган муносабатни тўғри номлаш, унинг ўзига хос мазмун-моҳиятини билиш ҳамда мос келадиган ўлчов бирликларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Бир шакл ва мазмундаги муносабатларни номлаш, тайинлаш ҳамда ўлчаш масалаларини илмий ҳал этиш аниқ макон (хўжалик юритувчи субъект) ва замонда (ҳисобот даври) улар ҳисобини олиб бориш имконини беради. Ҳисобдаги ифода ва ўлчов ҳар бир муносабатнинг муайян даврдаги ҳолати, ҳаракати ва натижаси тўғрисидаги ахборотдир. Ахборотлар эса муайян муносабатлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларни мақсадга мувофиқ бошқариш учун хизмат қилади.

3. Миллий иқтисодиётдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисобида молиявий актив деб номланувчи иқтисодий муносабатларнинг турлари (пул ва унга тенглаштирилган маблағлар, олишга тегишли счётлар, узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар), гарчанд алоҳида-алоҳида номлар билан юзага чиққан, ўз шакл ва мазмунига эга, ўлчовлари бор, мақсад вазифалари белгиланган бўлсада улар, яъни молиявий активнинг ташкил этувчи маблағ турлари бир асосга эга тушунчалар (ёки тўплам) тарзида тўлиқ ўрганилмаган ёки бу жиҳатларга етарлича эътибор берилмаган. Бу эса, халқаро амалиётда мазкур объект бўйича тўпланган тажрибалардан бизнинг миллий тизимдаги бу борада мавжуд назарий ҳамда амалий билимлар қатор

жиҳатлар бўйича фарқ қилаётганини билдиради.

4. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатимизда инвестицион муҳитни янада қулайлаштириш вазифаси белгиланган. Мазкур мақсаддаги тадбирларни муваффақиятли амалга оширишда миллий бухгалтерия тизимидаги молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига ўтказиш ҳам муҳим ҳисобланади. Молиявий активларни ҳисоби ва таҳлилини тадқиқ қилиш эса шу йўналишдаги долзарб масалалардан биридир. Шу сабабли, миллий ҳисоб тизимидаги молиявий активлар, яъни пул ва унга тенглаштирилган маблағлар, олишга тегишли счётлар ва узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар ҳисоби ва ҳисоботининг амалдаги тартибларини бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ёки молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳамда ривожланган илғор хорижий мамлакатлар тажрибалари асосида қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

5. Бугунги кунда халқаро майдондаги энг муҳим вазифаларидан бири пандемия таъсирида қисқа муддатда иқтисодиётда юзага келган ҳамда тобора кенг кўламда давом этаётган инқирозни секинлаштириш, тўхтатиш ва ундан чиқиш йўлларини топишдир. Мазкур салбий воқелик содир бўлиб турган пайтда барча хўжалик юритувчи субъектлар тезда ноодатий (падемия) шароитига мослашиб фаолият олиб боришлари зарур. Ноодатий шароитдаги ҳолатларни ва уларнинг талабларини тўғри ҳисобга олиб ҳаракат қилган бизнес субъектлари ўз яшовчанлигини сақлаб қолдилар ҳамда босқичма-босқич инқироз таъсиридан чиқиб кетишга эришмоқдалар. Бизнес фаолиятини узлуксизлиги ҳамда самарадорлигини сақлаб қолиш учун хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил қилиш ишларини ноодатий усул ва услубларда олиб бориш ҳам бу борадаги мақбул воситалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Монографияда молиявий активлар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди ва тавсиялар билдирилди.

1. Молиявий активларни бошқа активлардан фарқ қилувчи ўзига хос жиҳатларнинг мезонлари, жумладан - активнинг мавжудлигига асос шартнома ёки бошқа расмий ҳужжатлар ҳисобланиши; ҳамкорликда бир томоннинг активи, иккинчи томонни мажбуриятини бўлиб юзага чиқиши; активда муайян иқтисодий муносабатга (даромадни олишга, тасарруф ёки назорат қилишга) ҳуқуқни мавжуд бўлиши; шартномавий мажбурият ёки ҳужжат пул қийматлигига айлангунга қадар хусусий қийматига эга эмаслиги; улар амал қилиб турган даврдаги талаб қилинадиган даромадлар қийматини (ҳуқуқини) қоғоз ёки электрон шаклда акс эттириши; иқтисодий муносабат фақат пул маблағлари, қимматли қоғозлар ёки ҳисса қўшиш тавсифидаги муомалалардан иборат бўлиши белгилаб берилди ҳамда улар асосланди.

2. Молиявий активларга муаллифлик таърифи берилди. Таъриф - молиявий актив пул маблағи, бошқа тадбиркорлик субъектларидан олишга тегишли маблағлар, бошқа тадбиркорлик субъектларининг улушли инструментларини олиш ёки нафли шароитларда уларни айрабошлаш, хусусий улушли инструментлари билан ҳисоб-китоб қилиниши мумкин бўлган ҳуқуқларни ифода этган шартномалардир. Шартнома – хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий активи ва бошқа тадбиркорлик субъектининг молиявий мажбурияти ёки улушли инструменти кўпайишини келтириб чиқаради. Мазкур таърифда молиявий активлар шакли, таркиби, уларнинг ҳар бирининг мазмуни ҳамда моҳияти қисқа, тўлиқ ва тушунарли баён этилганлиги билан бошқа таърифлардан фарқ қилади. Таъриф молиявий активлар тўғрисида яхлит тушунча ҳосил қилишда муҳим ўрин тутаяди.

3. Молиявий активлар наф кутилаётган йўналишлар бўйича тасниф қилинди. Бунда тасниф учун мезонлар қилиб нафнинг даромад, қўллаб-қувватлаш (назорат қилиш), бошқариш шакллари танлаб олинди. Жумладан:

1. Даромад олиш мақсадида молиявий активлар:

а) даромад келтириши мумкин бўлган молиявий активлар;

б) қатъий белгиланган даромадни келтирадиган молиявий активлар.

2. Қўллаб-қувватлаш (назорат) мақсадида ушлаб турилган молиявий

активлар.

3. Бошқариш мақсадида ушлаб туриладиган молиявий активлар:

а) юқори даромад олиш учун бошқа корхона фаолиятини бошқариш;

б) рақобат зарурати юзасида муайян корхонани бошқариш.

Мазкур тасниф тури билан молиявий активлар таснифи янада такомиллашди. Шу билан биргаликда таклиф қилинган тасниф тури ҳисоб ва таҳлил ишларида молиявий активлардан кутилаётган нафларни ва уларнинг натижаларини прогноз қилишда ўз ўрнига эга бўлади, деб ҳисоблаймиз.

4. Молиявий ҳисоб ва ҳисоботни энг муҳим услубий асоси ҳисобланган концептуал асос миллий, халқаро стандартлар ҳамда ривожланган мамлакат тажрибаларидан келиб чиқиб, уларнинг ташкил этувчи таркиблари бўйича алоҳида-алоҳида тарзда ўзаро солиштириб чиқилди ҳамда уларнинг фарқли томонлари аниқланди. Фарқлар асосида миллий концептуал асосни такомиллаштирилиши зарур бўлган жиҳатлари топилди. Мавжуд камчиликларни бартараф этилиши ёки янги қоида ва тартибларни қўшилиши миллий концептуал асосни халқаро талабларга мувофиқлаштириш йўлидаги муҳим тадбир бўлиб хизмат қилади. Бу эса, молиявий активлар ҳисоби ва таҳлиliga оид услубларини давр талаблари асосида ишлаб чиқиш учун муҳим замин ҳисобланади.

Монографияда ноодатий шароитларда пул маблағлари таҳлил қилишни вазиятли ва тизимли ёндашувлар асосида олиб бориш услубларидан амалиётда фойдаланиш таклиф этилди. Унинг амалий аҳамияти кўрсатиб берилди.

5. Молиявий активлар ҳисобини ташкил этиш ва юритиш ҳамда ҳисоботи тизимда услубий ўзгаришларни амалга ошириш зарур бўлган бўғинлар кўрсатиб берилди. Мазкур бўғинлар деб ахборотларни тақсимлаш усули бўлган синтетик ва аналитик счётлар ҳамда ахборотлар тақдим этиш усули молиявий ҳисоботни тайёрлаш жараёнлари белгиланди. Бўғинларда амалага оширилиши зарур бўлган услубий ўзгаришлар ва уларнинг мақсади ҳамда оқибатда эришиладиган натижалар аниқ айтиб ўтилди. Таклифни амалиётга татбиқ этилиши миллий иқтисодиётдаги молиявий активлар ҳисоби ва ҳисоботини

халқаро стандартларга ҳамда халқаро илғор тажрибаларга мувофиқлаштиришга олиб борадиган тадбирлардан бири бўлади.

Молиявий актив ҳисоби ва ҳисоботи бўйича услубий таклифлар пул, маблағларини, олинадиган счётларни ва улар билан боғлиқ бошқа объектларни иқтисодий таҳлил қилишни такомиллаштиришда ҳам муҳим асос бўлиб саналади.

6. Монографияда пандемия шароитида ҳисоб объектлари ва уларнинг таҳлил қилиш услубларига, шу жумладан молиявий активлар ҳисоби ва ҳисоботини тузиш ҳамда тақдим этиш услубларига ҳам фавқулотда тарзда ноодатий ёндашувлар асосда ўзгартиришлар киритишнинг мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди.

7. Молиявий активлар ҳисоби ва ҳисоботини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳамда ривожланган илғор халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш йўналишлари кўрсатилди ҳамда уларнинг ҳар бири асослаб берилди.

8. 5600-Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётларни янги таркиби таклиф қилинди. Янги таркиб пул эквалентларини турлари бўйича ахборотларни субсчёт ва аналитик счёт тарзида шакллантириш имконини беради. Пул эквивалентларини янги таркибдаги счётларда акс эттиришга асос бўладиган мезонлар тизимлаштирилди. Натижада, пул эквалентлари счётида ҳисобга олинадиган муомала турлари бошқа муомала турларидан аниқ мезонлар асосида фарқлаб берилди. Ўзгаришлар пул эквалентларига оид счётлар таркибини тартибга солади ҳамда унда шакллантириладиган маълумотларни аниқлигини таъминлайди.

9. Бухгалтерия балансида пул маблағлари тўғрисидаги ахборотларни акс эттиришнинг чекланган ва чекланмаган тавсифга асосланган янги тартиби ишлаб чиқилди. Янги услуб ахборотдан фойдаланувчиларга пул маблағлари бўйича зарур ва фойдали маълумотларни кўпроқ олиш имкониятини беради. Шунингдек, хорижий инвесторлар ёки бошқа ташқи ахборотдан фойдаланувчиларга миллий бухгалтерия балансида пул маблағлари бўйича

тақдим этилган ахборотларни тушуниш осонлашди.

10. Бухгалтерия балансида олишга тегишли счётларнинг савдо ва носавдо тавсифига ажратиб акс эттиришни янги тартиби таклиф этилди. Ушбу услубдан келиб чиқадиган амалиёт молиявий ҳисоботнинг халқаро тажрибаларнинг принциплари ва талабларига мос келади. Миллий ҳисоб ва ҳисобот тизимида олинадиган счётлар бўйича шакллантирилган маълумотлар ҳамда бу борада тақдим этиладиган ахборотлар ўз фаолиятини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари билан амалга оширадиган мутахассислар учун қулай ва тушунарли бўлади.

11. 5810 “Қимматли қоғозлар” счётлари бўйича аналитик ҳисобни ташкил этиш ва юритишни қимматли қоғозларни категорияси, турлари, қўйилмалар амалга оширилган объектлар ва бошқа зарур белгиларига кўра олиб бориш услуби таклиф этилди. Таклиф этилган тартиб қуйидаги ижобий жиҳатларга эга. Хўжалик юритувчи субъектдаги ички фойдаланувчилар учун қимматли қоғозларга оид маълумотлар ҳар бир турдаги қимматли қоғоз бўйича алоҳида ҳамда қимматли қоғозлар бўйича умумлашган тарзда тўлиқ шакллантиришга тайинланганлиги билан афзал аҳамиятга эга. Бу билан молиявий ҳисоботни тушунтиришлар қисмида қимматли қоғозлар бўйича керакли ахборотлар сифатли тақдим этишга эришилади. Натижада, ташқи фойдаланувчилар бу борадаги ахборотларни қўшимча сўровларсиз олиш имконияти ҳосил қилинади.

12. Монографияда миллий ҳисоб тизимиздаги узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларга оид молиявий натижаларни тегишли объектларда тўғри акс эттириш масаласига тегишли бўлган: материаллашган (тан олинган) даромад ва харажатлар натижаси (соф фойда ёки зарар), шунингдек материаллашмаган (тан олинмаган) даромад ва харажатлар ва уларнинг натижаси (соф фойда ёки зарар) ҳисоби ҳамда уларни ҳисоботда акс эттиришларга бўйича аҳамиятли фикрлар илгари сурилган.

13. Хўжалик юритувчи субъектларда олишга тегишли счётларни савдо фаолияти фаолияти бўйича таҳлил қилиш услуби, унинг тартиблари, ахборот манбалари, бу борадаги кўрсаткичлар, кўрсаткичларни аниқлаш усуллари

ишлаб чиқилди ва таклиф этилди.

Олишга тегишли счётлар таҳлилида даромад, соф тушум ва дебитор қарзига оид ахборотларини қўллаш тартиблари бўйича, яъни аниқ ҳисоб-китобни таъминлайдиган аҳамиятли таклифлар берилди.

14. Хўжалик юритувчи субъектларда пул ва унга тенглаштирилган маблағларнинг ишлатилиши белгиланган мақсадларига кўра эркин ва фойдаланилиши чекланган турларга ажратиб таҳлил қилиш услуги, унинг тартиблари, ахборот манбалари, бу борадаги кўрсаткичлар, кўрсаткичларни аниқлаш усуллари ишлаб чиқилди ва таклиф этилди.

Фойдаланилиши чекланган пул маблағларини пул маблағлари иштирок этадиган кўрсаткичларни аниқ ҳисоб-китоб қилишга салбий таъсирлари ва уларни бартараф қилиш йўллари кўрсатиб берилди.

15. Пандемия шароитида пул маблағлари кирими ҳамда чиқими асосида кичик корхоналар фаолиятини бошқариш воситаларидан бири ҳисобланган “Кичик хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари ҳаракати ва ҳолатини шакллантириб берувчи ички ҳисоб модели” ишлаб чиқилди ва таклиф этилди. Моделнинг моҳияти корхонадаги мавжуд пул маблағлари ҳамда уларнинг кирими асосида пул маблағлари чиқимини йўлга қўйиб, шу мутаносиблик асосида фаолиятни узлуксизлигини таъминлашдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси–Т. 09.02.2021 й.: Ўзбекистон. <https://lex.uz/docs/20596>
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. 2016 йил 13 апрель, № ЎРҚ-404. <https://lex.uz/acts/2931253>.
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси (янги таҳрири). Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон. <http://www.lex.uz/docs/4674902>.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 2014 йил 6 май. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 210-модда, <http://www.lex.uz/docs/2382409>.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 25 декабрь. 598-сон. <http://xs.uz/uzkr/post/investitsiyalar-va-investitsiya-faoliyati-togrisida>.
